

ISBN: 978-93-42809-3-7

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎКУВЧИЛАРНИНГ ТИНГЛАБ ТУШУНИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Authors:

ИНАМОВА ГУЛЛОЛА АХМАД ҚИЗИ



Published by
Novateur Publication

466, Sadashiv Peth, M.S.India-411030
novateurpublication.org

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНАМОВА ГУЛЛОЛА АХМАД ҚИЗИ

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТИНГЛАБ
ТУШУНИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Тошкент – 2025

Инамова Г. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш, қабул қилиш кўникмасини ривожлантириш технологияси

Мазкур монография инглиз тилини ўқитиш жараёнида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш ва бу борада илғор хорижий тажрибаларни қўллашга тегишли тадқиқот натижаларини тақдим этади.

Масъул муҳаррир:

Боқиева Г.Ҳ.

филология фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

Эргашева Г. И.

филология фанлари доктори, профессор

Мурадқасимова К.Ш.

Педагогика фанлари доктори, доцент

КИРИШ

Жаҳон лингводидактикасида таълим ва фан соҳасида халқаро ҳамкорлик муносабатларининг чуқурлашиши ўзаро мулоқот воситаси сифатида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Бунда чет тиллар ўқитишнинг стратегик мақсади бўлган умумий ўрта таълим мактабларида тилни мукамал ўргатиш, ундан мулоқот воситаси сифатида фойдалана олиш, нутқ фаолият турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)га оид кўникма ва малакаларни эгаллаш учун замин яратиш, нутқни ривожлантириш филогенези ва онтогенези соҳасида олиб борилган тадқиқотларни амалга ошириш ва таълим жараёнига татбиқ этиш долзарблик касб этади.

Дунёнинг етакчи таълим муассасаларида ижтимоий-маданий стратегиялар самарадорлигини ошириш ва чет тил ўрганувчиларнинг нутқий компетентлигини ривожлантиришда аудиовизуал технологияларни қўллашга доир инновацион фаолиятга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хорижий тилларга ўқитиш коммуникатив хусусият касб этгани боис ўқувчиларда тинглаб тушуниш компетенциясини глобаллашув шароитида инновация жараёнининг педагогик-психологик жиҳатларини инобатга олган ҳолда компетентли ёндашув нуқтаи назаридан ривожлантиришга оид методологияни такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Республикада сўнгги йилларда инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш, таълим жараёнига ахборот-коммуникацион технологияларни жорий қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Хорижий тажрибалар асосида чет тил ўқитишни ташкил қилиш, ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантиришнинг меъёрий асослари ва моддий техник базасини шакллантириш, уларнинг тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини лингводидактик ва психолингвистик тамойилларда илмий тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарори. - Электрон ресурс <https://lex.uz/docs/4415478> Мурожат санаси 8.12.2020 й.

тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5117-сон, 2020-йил 6-ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарори иловасининг 4-бандига кўра “Мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим ўқув дастурлари ва фанларнинг узлуксизлигини таъминлаш”, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур, юксак ахлоқ ва маънавият, қадимий ва бой меросимиз, миллий ва умумбашарий қадриятларимиз билан фахрланиш руҳида тўғри тарбиялаш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Мамлакатимизда чет тилларни ўқитишга катта эътибор берилмоқда. Зеро, чет тилларни ўрганиш бугунги глобаллашган дунё талабидир. Жаҳон таълими тизимидаги туб ислохотлар ўқувчиларнинг чет тилларини мукаммал ўрганиш, чет тилларини билиш билан барча соҳаларда ўзини намоён қилиши ва чет тилда оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон шароитида миллий менталитетимиз ва урф-одатларимизни инобатга олиб хорижий тажрибага асосланган ҳолда таълим сифатини тубдан ислох қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Ушбу масалаларнинг умумий йўналишларда ишлаб чиқиши ёш авлодда чет тил воситасида тарбиялаш ва уларда билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, замонавий таълим муаммолари билан боғлиқ ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини оширишга хизмат қилади.

Мазкур тадқиқотда ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш компетенциясини ривожлантириш, мулоқот жараёнида тили ўрганилаётган мамлакатлар вакиллари билан учрашганда уларнинг нутқини тушуниш ва самарали мулоқотга эришишга асосланади. Ёш авлод янги технологиялар билан яқин экан, аудиовизуал материаллардан имкон қадар доимий фойдаланиш тили ўрганилаётган мамалкат(лар) урф-одати ва кундалик турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имконини яратади.

«Тинглаб тушуниш» (инг. *Listening comprehension*, нем. *Hörverstehen*, фр. *Compréhension orale*) термини оғзаки нутқни тинглаб тушуниш ва уни идрок этиш жараёнини билдиради [32:185-187].

«Нутқ фаолияти тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш жараёнларидан иборат бўлиб, тилшуносликда нутқ тилнинг маҳсули сифатида, психологияда нутқ жараёнининг физиологик нутқ механизмлари сифатида тадқиқ этилади» (Ж.Ж.Жалолов). Чет тил таълимида тинглаб тушуниш ва гапириш ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб турадиган, параллел жараёнлар ҳисобланади. Тинглаб тушунишдаги асосий қийинчиликлардан бири бу лингвистик қийинчиликлар бўлиб, уларни бартараф этишда тинглаб тушуниш ва гапиришни интеграциялаштириб ўтиш муҳим ҳисобланади. Тинглаш ва тушуниш бир пайтда содир бўладиган жараёндир. Юқори синф ўқувчиларида тинглаб тушуниш кўникмаларини такомиллаштиришда берилаётган маълумотни идрок этиш учун ўқувчи

лексик ва грамматик билимларига таяна олиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инглиз тили машғулоти шундай ташкил этилиши керакки, дарс жараёнида ҳар бир ўқувчи ўқисин, ёзсин, гапирсин, аслиятда берилган матнларни тинглаб тушунсин. Буларни эътиборга олиб, тадқиқот жараёнида нутқ фаолияти турларини интеграциялаштириб ўқитишнинг дидактик ва методик таъминоти ишлаб чиқилди.

Юқори синфларда чет тилни ўрганиш – бу тил ҳақида маълумот олиш ва уни ўзлаштиришигина эмас, балки ўқувчининг фаол мулоқотга киришиш жараёни ҳамдир. «Чет таълимидаги асосий мақсад – ўқувчини шахс сифатида маънавий кучи ва қобилиятини ривожлантириш, ахлоқий жиҳатдан масъулиятли ва ижтимоий жиҳатдан намунали қилиб шакллантириш – тарбиялашга қаратилмоғи муҳим аҳамият касб этади [41:223]».

Чет тилларни ўрганишда энг оддий, энг содда йўллари излаш ва қўллаш муҳимдир. Юқори синфларда чет тилни ўргатишдан кўзланган мақсад ўқувчиларни шу тилда мулоқот, муомала қила олишга ўргатишдир. Чет тилда муомала қила олиш учун ўқувчилар шу тилдаги сўз бойликларини эгаллашлари зарур бўлади. Тилдаги сўз бойликларини эгалламай туриб, на тинглаб тушуниш, на гапириш мумкин эмас.

Шу ўринда чет тилни аудиовизуал материаллар асосида ўқитишни юқоридаги талабларнинг бажарилиши ва коммуникативликга асосланган тил таълимининг асосий воситаси сифатида ўрганувчини реал ҳаётий вазиятларга тайёрлаш вазифаларининг енгил ечими деб қарашимиз лозим.

Тинглаб тушуниш – бу оғзаки нутқни идрок этиб тушуниш, умумий мазмунни пайқаш (лексикани билиш) ва фаҳмлаш (грамматикани ўзлаштириш)дир. «Нутқни тинглаб тушуниш – овозли нутқ (гапириш) чоғида қулоқ солиш, идрок этиш ва фаҳмлаш билан боғлиқ психологик жараён ҳисобланади» [19:22-25]. Ахборот қабул қилувчи (аудитор) ва ахборот узатувчи (нотик) қўллайдиган тил бирликлари мувофиқ тушса, тушуниш осонлашади. Бу ўз навбатида, тил тажрибаси билан боғлиқ масаладир. Тинглаб, идрок этиш жараёнининг уч муҳим йўналишдан иборат бўлиб, эшитиб англаш, тақдим этилаётган овознинг фарқли томонларини ҳис қилиб англаш ва берилаётган вазифани яъни топшириқни асл туб моҳиятни тушунишдан иборат [33:192]. Англаш қобилияти – ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия жараёни моҳияти, қонуниятлари, ўқувчиларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, таълим иштирокчилари ўртасидаги муносабат мазмуни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш шартлари ҳамда кутиладиган натижаларни англашга имкон берадиган индивидуал психологик хусусиятдир.

Оғзаки нутқни эшитиш сезгиси (қулоқ) асосида идрок этиш кўникма ва малакаси ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. У махсус тайёргарликни талаб қилади. Таълим жараёнида тинглаб тушуниш учун махсус машқлар зарурати туғилмайдиган фан бу она тили ҳисобланади. Ҳатто она тили дарсларида матнни тинглаб тушуниш даражаси ўртача 50% дан юқори эмас. Чет тилини

ўргатиш шароитида хорижий матнни тушуниш даражаси она тилидан ҳам пастроқ, бу эса нутқ фаолиятининг ушбу турининг ўзига хос мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда махсус тинглаб тушуниш машқларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Чет тил ўқитиш методикасида «эшитиш» ва «тинглаб тушуниш» атамалари фарқланади. Эшитиш сезгиси асосида ахборот олишнинг асосий манбалари сифатида ўқитувчи нутқи, аудиотехника қуролларидан аудио ёзувлар, подкастлар, радиоэшиттириш ва аудиовизуал воситалардан овозли диафильм, кинофильм (ёки ундан парча), телевизион кўрсатувлар, ижтимоий тармоқлар (facebook, Instagram, tik-tok)дан олинган кичик видеолардан хизмат қилади. Тинглаб тушунишнинг муваффақиятли амалга ошиши учун қуйидаги уч омил назарда тутилади. Тингловчининг ўзига боғлиқ бўлган (эшитиш малакасининг ривожланганлиги, хотираси, диққати), тинглаш шарт-шароити (нутқ тезлиги, тил материали ҳажми, шакли ҳамда сўзланаётган нутқнинг қанча вақт давом этиши) ва ниҳоят, қўлланган материалнинг лингвистик жиҳатлари (тингловчининг тил тажрибасига мос келиш-келмаслиги) ҳисобга олинади [21:23-48].

Тинглаб тушуниш деганда – акустик коддаги ахборотни идрок этувчининг ички нутқ кодага ўтиш тушунилади. Айнан оғзаки нутқда нутқнинг барча новербал компонентлари тўлиқ амалга оширилади, оғзаки нутқ ёзма нутққа нисбатан оқим тезлиги, тез ва ҳатто бир зумда қайта алоқа қилиш имконияти билан тавсифланади.

Муҳим масалалардан яна бири тингланган матнни тушуниш қай сабабларга кўра осонлик ёки қийинчилик билан рўй беришини аниқлашдир. Қийинчиликлар ва уларнинг сабабларини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун тинглаш машғулотларига ўқитишнинг ҳар қандай босқичида катта эътибор берилиши керак.

Ўзаро таълим жараёнларда нутқий мулоқотга киришиш ҳар бир ўқувчи учун зарурий эҳтиёжлардан бири ҳисобланади. Биринчи омил ўқувчининг тинглаб тушунишга ўргатиш уларда ўз фикрларини эркин ифода эта олиш ва ўзларида ишонч ҳиссини оширишда юксак марраларга элтувчи йўл ҳисобларнади [25]. «Тинглаш» – диққат билан қулоқ солиш, «эшитиш» эса товушни қулоқ ёрдамида қабул қилиш. Тингловчи тушунишга интилади, эшитувчи тинглаганини тушунмаслиги ҳам мумкин. Тинглаш ва тушуниш (фаҳмлаш) вақт эътибори билан бир пайтда (симультан) содир бўлади, бу икки нутқий ҳодисани фақат илмий таҳлил учунгина ажратилади, холос.

Мнематик – нутқнинг информацион хусусиятлари ва нутқ бирликларини танлаш ва ўзлаштириш, тасвирни ислоҳ қилиш ва хотирада сақланадиган стандарт билан таққослаш натижасида тан олиниши мавжуд бўлган тушунчадир [69]. Тинглаш ва гапириш нутқнинг икки томонидир. Тингламасдан, норматив нутқ бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, нутқ фаолиятининг тури сифатида тинглаш ҳам нисбатан автономдир (масалан, маърузалар, радиоэшиттиришларни тинглаш ва бошқалар).

Тинглаш – бу мураккаб ақлий ва нутқ фаолиятидир. Ўқувчилар ўз она тилисидаги нутқни тинглаб тушунишда шакл ва мазмунни яхлит равишда идрок қилишлари мумкин. Бироқ, инглиз тили дарсларида тил материали (ифода воситаси) ва матн (ифодаланмиш мазмун) уйғунлаштириш қийинчилик билан кечиши кузатилади.

Ўқувчиларда тинглаб тушуниш кўникмаларини шакллантириш тил материали (лексика, грамматика, талаффуз)га оид кўникмаларни шакллантириш билан узвий боғлиқ бўлиб, яқинда мазкур нутқ фаолияти тури буйича малака ҳосил қилинади. Ўқувчиларда тинглаб тушуниш малакаларини ҳосил қилишнинг муҳим омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: (1) сезги ва нутқ-мотор учун зарурий шартлар; (2) умумий интеллектуал талаблар; (3) билим даражаси; (4) она тилидаги билим ва кўникмалар; (5) чет тилдаги билим ва кўникмалар; (6) мотивация [70: 478]. Ушбу омиллар тинглаб тушуниш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда Европа мамлакатларида хорижий тилларни ўқитишда энг замонавий ва самарали ёндашув сифатида фаолиятга йўналтирилган компетенциявий ёндашув фаол қўлланилмоқда [60:10]. «Компетенция бирор фаолиятга йўналтирувчи билим, кўникма ва малакаларнинг уйғунлигидир». Маълумки, видеоматериаллар ўз манбасига, методик ва методологик асосига эга бўлади ва ҳар қандай видеоматериалда муайян муаммога эътибор қаратилади. Шундагина унга мулоқотни ривожлантирувчи восита сифатида қараш мумкин. Демак, видеолавҳаларни томоша қилиш жараёнида нутқ амалиётининг интерфаол, ижодий хусусияти намоён бўлади [34:162].

Чет тил таълимининг замонавий ёндашувлари: *коммуникатив ёндашув* – тил ўрганувчиларни эркин мулоқот юритишга ўргатиш; *фаолиятга йўналтирилган ёндашув* – нутқий вазиятга мос ҳаракат қилишга асосланади. Аудиовизуал материаллар хусусида гапиришдан олдин «аудиовизуал» тушунчасининг вужудга келиши, унинг мазмун ва моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиз. Латин тилида *audire* – тингламоқ, *videre* – кўрмоқ, яъни, «тинглаш ва кўришга мўлжалланган» деган маънони англатади. Хорижий тилларни аудиовизуал материаллар асосида ўқитиш методи *аудиовизуал метод* деб аталади [34: 156-662].

Чет таълими соҳасидаги адабиётларда «*эшитиш*» ва «*тинглаб идрок этиш*» терминлари ўртасида фарқ бор. Тил ўрганиш жараёнларида тинглаш идроки таълим жараёнларидаги билиш жараёнининг ҳиссий ва мантикий томонлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда таълим муҳитига тақдим этилади.

Тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизми – нутқни идрок этиш (қабул қилиш) механизми, эшитиш механизми, ичда гапириш механизми, олдиндан фаҳмлаш механизми. Гапириш каби тинглаб тушунишнинг тузилиши уч қисмдан иборат эканлиги исботланган: *мотивацион, аналитик-синтетик ва ижро этувчи*.

Чет тил ўқитиш воситалари қуйидаги тартибда таснифланади: асосий ва ёрдамчи ўқув қуроллари, улар таркибига техникавий (замонавий) ва нотехникавий (тарихий ёки анъанавий) ва буларнинг иккаласида ҳам эшитиш, кўриш ва эшитиб-кўриш ўқитишнинг *аудиовизуал воситалари* (ЎАВВ) мавжуд. Эшитиш, кўриш ва эшитиб-кўриш воситалари ўз навбатида янада кичик тоифаларга бўлинади.

Аудиовизуал воситалардан унумли фойдаланиш бир қатор афзалликларга эга, биринчидан, таълим жараёнини жадаллаштиради, иккинчидан, ўқув материални ўзлаштириш самарасини оширади, учинчидан, муаллимнинг таълим жараёнини бошқаришини осонлаштиради.

«Аудиовизуал технология – бу аудио, видео ресурсларга асосланган операциялар ва усуллар тўпламини қуриш жараёнининг мавҳумлиги ва натижада компетенцияни шакллантириш технологиясидир». Ушбу технология ахборотни қабул қилишнинг аудио ва визуал йўналишларидан фойдаланишга асосланган. Аудиовизуал технологиялар чет тил фани ўқитувчиси етказмоқчи бўлган тасаввурни ўқувчидаги мавжуд маълумотлар билан уйғун ҳолда унда шакллантириш имконини беради. Технология телетасвирларни қабул қилишнинг психологик ўзига хослиги муҳим аҳамият касб этади. Бунга нутқ «устунлиги», «овоз-кўрув» синтези кабилар киради. Видеоресурслар ўрганиш объекти – чет тилни реал шароитда намоиш қилиш имконини беради. Тинглаб тушунишга ўргатиш жараёнида таълим олувчилар эътиборини қаратиш, тинглаб тушуниш жараёнида тўғри ривожлантиришда зарур стратегияларни ишлаб чиқишга интилиши керак. Метакогнитив стратегиялардан фойдаланиш таълим олувчиларга ўз фикрлашларини жамлаш ва суст эътиборни тиклашга ёрдам беради. Бундан ташқари, метакогнитив билимларни ошириш ўқувчиларни мавжуд билимларини бирлаштиришга, ўзларига бўлган ишончини оширишга ва нотиклар билан фикр алмашишга, ўз билимларини баҳолашга ва топшириқлар давомида қилган хатоларини таҳлил қилишга ёрдам бериши мумкин [13:116].

Тинглаб тушуниш методи Францияда ўтган асрнинг 50 йилларида шаклланган бўлиб, хорижий тилларни ўқитишда асосан видео ва аудиоматериаллардан фойдаланиш билан ифодаланган [33:158]. Бу метод тамойиллари қуйидагилар: (1) оғзаки нутқ ёзма нутқдан олдин ўргатилади; (2) талаффуз намунаси кўрсатилади ва таклид қилинади; (3) ўрганилган гапларни тузилиши бўйича ёдланади; (4) ёзувда фақат оғзаки нутқда ўрганилган материаллар берилади; (5) аста-секин қийин машқлар бериш; (6) фақат амалий машқлар бажариш; (7) ўқувчиларнинг дарсдаги 15% вақти ўрганилаётган материални тушунтиришга, қолган 85% вақтини эса тинглаш, гапириш бўйича машқ бажаришга ажратилади.

Йирик рус методист олими Э.Н.Соловьева тинглаб тушунишга қуйидагича таъриф беради: «тинглаб тушуниш нутқни идрок этиш ва тушуниш билан боғлиқ мураккаб жараён»дир [44:124], Э.Г.Азимов ва

А.Н.Шукин «тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг рецептив тури бўлиб, оғзаки хабарни семантик идрок этишдир» деб изоҳлайдилар [19]. М.Л.Вайсбурд ва Э.А.Колесникова эшитиш ва нутқни тинглаб тушуниш ўртасидаги чегарани аниқ белгилаб берадилар. Уларнинг фикрига кўра – «эшитиш – ҳар қандай товушни эшитиш сезги асосида қабул қилиш, тинглаб тушуниш эса нутқни идрок этиш ва мазмунини фаҳмлаб етиш» [31:189-190]. Шу билан бирга, тинглаб тушуниш – бу аудиомаълумотни семантик идрок этиш жараёни, бу ҳақиқатни иккинчи сигнал акс эттириш жараёни – сўзлар воситачилигидаги ва алоқа каналини очиб бериш, шу жумладан, мазмунни идрок этишдир.

Хорижлик А.Хамоуда [85], Хе-Сук Ким [80], М.Рост [86], С.Крашен [77], Ф.Манжено [99], М.Катру [97], Ж.Стрике [100], Д.Нунан [95] сингари бир қатор олимлар инглиз тилини хорижий тил сифатида ўрганишда мультимедиа воситалари ва рақамли технологияларнинг аҳамияти борасида илимий изланишлар олиб борадилар. Уларнинг ишларидан илҳомланган С.Писаренко шундай ёзади: «чет тил дарсларида мультимедиа видеоматериаллар фойдаланишнинг афзалликлари, унда тили ўрганилаётган мамлакат вакилининг жонли нутқини, тўғридан-тўғри (оғизнинг ҳаракатланиши, лабларнинг кенгайиб-торайиши, мимика, пантомимикалар асосида), артикуляция жиҳатидан муҳим маълумотларни аудиовизуал қабул қилиш имконияти мавжуд» [43: 172]. «Бу эса ўқувчиларнинг хорижий тилдаги нутқ фаолияти турлари ва тил материални пухта эгаллашларига ёрдам бериш билан бир вақтда, уларнинг тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва тили ҳақидаги билим доирасини ҳам кенгайтиради, қабул қилинаётган ахборотни таҳлил, синтез қилиш асосида ижодий эркин фикрлаш доирасини ривожлантиради» [60:11].

Маълумки, тасвир ва товуш жамиятда мулоқот ва ахборот етказишнинг фундаментал, самарали воситаси бўлиб, видео сифатида берилганда реал воқеликни акс эттириши билан муҳим аҳамият касб этади. Товуш ва тасвир ўртасидаги алоқадорлик анимацион тасвир ёки видеотасвир вазифасини аниқлаб беради.

Шу нуқтаи назардан, видеотасвирнинг вазифаси ва афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади: (1) сўзлаш имкониятига кенг ўрин берилади; (2) товуш ва тасвир видео сифатида ифодаланганлиги боис тингловчида мазмун ҳақида кўпроқ сўзлаш имконияти пайдо бўлади; (3) видео тасвирдаги манзара (инсонлар, нарса-мавжудотлар ва ҳаракатлар) образли ва овозли ифодаланиб, тасвирда пайдо бўлади, бу эса тингловчида хотирадаги лексик бойликдан тўлақонли фойдаланиш имкониятини юзага келтиради; (4) тили ўрганилаётган мамлакатлар тили ва маданияти ҳақида кенг маълумот олиш имкониятини яратади [27:22]. Бундан ташқари анимация жараёнида товуш асосида берилаётган маълумот тасвир асосида тингловчининг кўз ўнгиди гавдаланади, маълумот ҳам аудиал, ҳам визуал бўлиши сабаби хотирада узок вақт сақланиб қолади [34:162].

Аудиовизуал материалдан фойдаланишдан кўзланган асосий мақсад ўқувчида нутқий фаолият турларидан бири бўлган тинглаб тушуниш ва гапириш компетенциясини ривожлантиришга қаратилиши муҳимдир. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, чет тил фани ўқитувчиси аудиал матнни танлаш ва тақдим этишда реал ҳаёт акс этган матнлардан фойдаланиши тавсия этилади. Бу ўз новбатида ўқувчиларни коммуникатив муҳитга мослаштириш имконини беради. Шундагина, ўқувчи аудиал нуткни тез ва аниқ англайди, синтез қила олади. Товуш ва тасвирнинг уйғунлиги ҳисобланган аудиовизуал материаллар видео кўринишда акс этиб, дидактик жиҳатдан таълим жараёнида мақсадли фойдаланишда ҳам самарали ҳисобланади [34:162].

Шунингдек, аудиовизуал материаллардан таълимда дидактик жиҳатдан бир томонлама, яъни аудио ёки овозсиз видео сифатида ҳам фойдаланса бўлади. Бунда ўқувчида муайян жиҳатни, яъни эшитиш, тасаввур қилиш ёки кўриб фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Товуш, албатта, тасвир билан чамбарчас боғлиқ, бироқ тасвирнинг товуш билан бир вақтда анимация асосида берилиши маълумотни тушунишда тасвирга нисбатан муҳимроқдир. «Маълумотни тушуниб қабул қилишда тасвир товушни тўлдирувчи восита ҳисобланади [24]». Видеоматериалдаги товушнинг берилиши дидактика жиҳатидан ўзига хос фарқли хусусиятга эга бўлиб, уни ўқувчи фарқли қисмга бўлиш мумкин: *вербал канал* – нутқий жиҳати; *музыкавий* – оҳанг ва жарангдорлиги; *шовқин* – вазиятга мослиги. «Бу воситалар материални глобал тушунишни таъминлашга, энг муҳим маълумотларни ажратиб кўрсатишга хизмат қилади. Аудиовизуал материалнинг вербал канали, яъни нутқий жиҳати ўқувчи учун берилаётган воқеликнинг мазмунини англашда муҳим восита ҳисобланади. Аудиовизуал материални кўришдан мақсад унинг мазмунини англаш. Бунда вербал канал материалдаги мулоқотнинг асоси саналади [80:15]». Ўқувчиларда эса нутқий компетенциялардан бири ҳисобланган тинглаб тушуниш компетенцияси вербал канал асосида амалга ошади. Материалнинг музикий жиҳати ва эпизодга мос шовқини мулоқотнинг мазмунини тушунишда ёрдамчи восита сифатида ўқувчининг тинглаб тушуниш компетенциясини ривожлантиришда, воқеликни тез англашида самарали натижа беради [30:140]. Аудиовизуал материалнинг, хусусан, видеонинг дидактик характеридан келиб чиқиб, инглиз тили ўқитиладиган аудиторияда видеоматериалнинг қуйидаги ўқувчи учун асосий вазифасини таъкидлаб ўтиш мумкин: (1) *иллюстратив (тасвирли)* – имо-ишораларни тасвирда кўрсатиш имконияти; (2) *қизиқиш уйғотувчи ёки туртки берувчи* – видеоматериал ўқувчини, чуқур таҳлил қилишга, мазмунни фаҳмлашга ундайди; (3) *ҳаракатга келтирувчи (мотивацион)* – видеога илова сифатида машқлар ишлаб чиқиш ва уни онгли тарзда бажариш мавзунини пухта ўзлаштиришга туртки бўлади [30:146]. Бу эса машқ ишлаш жараёнига ижодий ёндашиш, ўша мавзу бўйича бошқа бир машқларни ишлаб чиқиш қобилиятини ривожлантиради. Ўқувчиларнинг чет тилида нутқий компетенцияларини

ривожлантиришда аудиовизуал материаллардан фойдаланишнинг афзалликларини қўйидаги хусусиятлардан келиб чиқиб ҳам баҳолаш мумкин.

«Масалан, педагогик хусусиятини оладиган бўлсак, аудиовизуал материаллардан фойдаланишда таълим жараёни ўқувчиларни кўпроқ эркинликка, масъулиятлиликка, интерактивликка ва ижодий фикрлашга ундайди» [52:135]. Дидактик хусусиятида эса ўрганилаётган манбани бир неча бор такроран эшитиш, ўз хоҳишига хос методикани танлаши мумкин.

Психолингвистик хусусияти жараёнда ўқувчиларнинг тилни ўрганишга ички мотивациянинг кучлилиги, ўрганилаётган манбага нисбатан бутун эътибор ва қизиқишнинг юқорилиги каби хусусиятлар билан изоҳланади. «Шунингдек, таъкидлаб ўтиш жоизки, бошқаларнинг нигоҳидан четда ва аудиториянинг босимидан холи бўлиш кабилар психологик жиҳатдан муҳимдир. Таълим жараёнида ўқитиш воситаси сифатида қараладиган ҳар қандай дидактик материал сингари видеоматериалларнинг ҳам дидактик хусусиятларини қўйидагича баҳолашимиз мумкин: товушли ва тасвирли маълумот асосида тилга нисбатан туртки (туртки); педагогик маҳорат; аниқ мотивацион вазифалар; новербал нутқ билан ишлаш; тушуниш кўникмасини комплекс ривожлантириш; аудиторияда жонли чет тили муҳитини, яъни чет тилида сўзлашувчилар нутқи билан бойитилган муҳитни яратиш. Юқорида қайд этилган видеоматериалларнинг дидактик хусусиятларидан келиб чиқиб, интернет тармоғидаги аудиовизуал ресурслардан фойдаланиш аудиторияда жонли чет тили муҳитини яратиш асосида ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Дидактик мазмундаги видеолар, ҳужжатли видеолар, ахборот-янгилик видеолари ва бошқа турдаги аудиовизуал ресурсларга мурожаат қилиш мумкин бўлади [20:165]».

«Дидактик материал танланганда — видеоматериалнинг мазмуни, давомийлиги, интерактивлиги, аслийлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда хорижий тилларни ўқитишда аудиовизуал материаллардан самарали фойдаланилмоқда. Бироқ, олиб борилган илмий тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўқувчиларнинг чет тилда нутқий компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилувчи аудиовизуал материалларнинг дидактик жиҳатдан тўғри танланиши ва таълим жараёнига методик жиҳатдан тўғри татбиқ этилиши ҳар қандай ўқитувчига ўта жиддий масъулиятни юклайди. Яна бир жиҳати шундаки, аудиовизуал материаллар асосида чет тилларни ўқитишда рецептив ва репродуктив жараёнлар амалга оширилади. Рецептив жараён тил ўрганувчиларнинг мулоқот қилишга тайёрласа (output), репродуктив жараён уларнинг нутқий компетенциясини мулоқотга айлантиради (input) [34:156-162]». Демак, аудиовизуал материаллар хорижий тилда эркин мулоқот қилиш кўникмасини ривожлантиришда самарали хизмат қилиши билан бирга уларнинг маънавий, маданий ва эстетик дунёқарашини ҳам шакллантиради [33:156-162].

Хотирада из қолдириш назарияси (Trace theory) – чет тил ўқитиш жараёнида қўлланиладиган назариялардан бири бўлиб, у чет тил дарсларида аудиовизуал материалларни тинглаб тушунишнинг муваффақиятли амалга ошишига хизмат қилади ва унинг қуйидаги уч омил назарда тутилади: биринчидан, ўқувчининг ўзига боғлиқлик (эшитиш малакасининг ривожланганлиги, хотираси, диққати хусусиятлари), иккинчидан, тинглаш шарт-шароити (нутқ тезлиги, тил материали ҳажми ва шакли ҳамда сўзланаётган нутқнинг қанча вақт давом этиши), учинчидан, қўлланган материалнинг лингвистик жиҳатлари (тингловчи тил тажрибасига мос келиш-келмаслиги) ҳисобга олинади.

Хотира қанчалик интенсив равишда ишласа, эслаб қолиш ассоциацияси шунчалик кучли бўлади. Оғзаки машқдан сўнг моторик ҳаракатлар каби комбинацияланган фаолият муваффақиятли эслаб қолиш эҳтимолини оширади. Тилни ўрганиш «trace» назариясида – учта таъсирли таълим гипотезасига таянади: биринчи ва иккинчи тилларни ривожлантириш учун мақбул йўлни белгилайдиган тил ўрганиш учун ўзига хос туғма биодастур мавжуд; миянинг латерализацияси чап ва ўнг ярим шарларидаги турли хил ўрганиш функцияларини белгилайди; зўриқиш (стресс, аффектив филтёр) ўрганиш жараёни ва ўрганиш керак бўлган нарсга ўртасига аралашади; зўриқиш қанчалик паст бўлса, ўрганиш шунчалик яхши бўлади. Трансформацион грамматикада из синтактик тузилишда бўш ўринни эгаллаган (фонологик жиҳатдан ноль) категориядир. Синтаксиснинг айрим назарияларида пассив ҳаракат каби конструкцияларни ҳисобга олишда излардан фойдаланилади (Ж.Ашер).

Ривожланиш маъносида Ж.Ашер катталар иккинчи тилни муваффақиятли ўрганишни чақалоқларнинг биринчи тилни эгаллашига параллел жараён сифатида қарайди. Унинг таъкидлашича, ёш болаларга қаратилган нутқ асосан буйруқлардан иборат бўлиб, болалар оғзаки жавоб беришни бошлашдан олдин уларга жисмоний жавоб беришади. Ж.Ашернинг фикрича, катталар иккинчи тилни ўрганишда болалар она тилини эгаллаш жараёнларини такрорлашлари керак [101: 3-7].

Ж.Ашер гуманистик психология мактаби билан тил ўрганишда аффектив (эмоционал) омилларнинг роли ҳақида фикр билдиради. Лингвистик ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан талабсиз бўлган ва ўйин каби ҳаракатларни ўз ичига олган усул ўқувчининг зўриқиши (стресси)ни камайтиради, деб ҳисоблайди ва ўқувчида ижобий кайфиятни яратади, бу эса хорижий тилни ўзлаштиришни осонлаштиради.

Ж.Ашер ўқувчига гапиришни ўргатишдан олдин уларда тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга урғу бериш керак деб ҳисоблайди ва хорижий тилни ўргатиш жараёнида тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларни такомиллаштириш бўйича ўзининг бир нечта таклифларини ишлаб чиқади: а) тушуниш қобилиятлари тилни ўрганишда самарали кўникмалардан олдин бўлади; б) нутқни ўргатиш тушуниш кўникмалари шаклланмагунча кечиктирилиши керак; с) тинглаш асосида

олинган кўникмалар бошқа кўникмаларга ўтади; д) ўқитиш шаклга эмас, балки маънога урғу бериши керак; ва е) ўқитиш ўқувчиларнинг зўриқишини минималлаштириши керак [101:7].

Хориж чет тил ўқитиш методикасида **рецептив такдимот (comprehensible input)** тушунчаси мавжуд бўлиб, у таълим жараёнини шахсга йўналтирилганлиги, мазмунли, қизиқарли бўлиши, ўқувчиларнинг ёш хусусияти, билим даражасига мос материалларни танлаш билан боғлиқ. «Comprehensible input» атамаси Стивен Крашен (2009) томонидан ишлаб чиқилган. Унда кўп тилли ва кўп маданиятли мамлакат ўқувчилари янги тилни табиий тарзда тез ва пухта эгаллашлари учун уларга тушунарли бўлган ва соддалаштирилган тарзда тил материалларини ўргатиш ғояси мавжуд. (Крашен, 2004).

С.Крашен рецептив такдимотни тушунтириш учун $i + 1$ формуласини таклиф қилади, бунда «i» тил ўрганувчининг ҳозирги малака даражасини +1 кўшиш эса бу даражадан сал юқорироқ бўлган маълумотни ифодалайди. Шунингдек, у ўзлаштирилган тил ва саводхонлик грамматик қоидалар ва луғатни ёдлаш асосида эмас, балки хабарларни тушуниш асосида ривожланади, деб ҳисоблайди [77: 175-182].

С. Крашен таълимотига кўра: чет тилларни ўргатиш, тил ўрганувчиларда тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларни такомиллаштириш асосида амалга оширилади. Ўқувчилар олдин ўзлаштириган билимлари асосида маълум тил материалига оид маълумотларни ўқиб тушунишлари мумкин, бироқ уларни табиий мулоқот жараёнида қўллай олмаслиги сезилиб қолади. Америкалик тилшунос олимнинг сўзларига кўра, тилни ўзлаштиришда тил тажрибасини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

1.1-жадвал.

Дарс жараёнида рецептив такдимот (comprehensible input) назарияси

1	Сўзлашишда	ўқувчиларнинг тил билиш даражасига қараб: секин гапириш; сўзларни аниқ талаффуз қилиш; юқори частотали сўзлардан фойдаланиш; идиомаларни ишлатмаслик; гапларни қисқартириш.
2	Инертактив усуллар	ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш; ўқувчиларда оғзаки нутқни ривожлантириш; биргалашиб ўрганиш; билимлироқ ўқувчиларни дарс ўтишга йўналтириш; гуруҳларда муҳокама структурасидан фойдаланиш.
3	Технологиялардан фойдалишиш	Тил материални пухта ўзлаштиришга имкон беради; пассив ўрганишдан актив ўрганишга ундайди; интернет материлларида самарали фойдаланиш.
4	Сўз бойлиги	Лексикани оғзаки нутқда қўллаш; лексиканинг маъносини очиш (расм, хатти-ҳаракат, омоним, синоним, антоним);
5	Босқичма-босқич	мавҳум мавзуларни соддалаштириш; лексикани

	ўргатиш	кўргазмалар асосида тушунтириш; интерактив (муҳокама, ҳамкорликда ишлаш); графиклар (жадвал ва диаграммалар); танқидий фикрлашга ундаш.
6	Контент	Осон топиладиган матнлар; бобларга бўлиб ўрганиш; ҳар бир параграфни турли гуруҳларга бўлиб биргаликда ўқиш; матнга урғу бериш; маржинларга эслатмалар ёзиш; даражаларга токи босқичма-босқич мураккаблашадиган матнлар; график структуралар; босқичли йўриқ ва кўрсатмалар.
7	Визуал тасвирлар, имо-ишоралар	оғзаки нутқда ишлатиладиган сўзларни: тана ва юз ифодалари асосида; янги лексикани расмлар ёрдамида тушунтириш.

Бизнинг мамлакатимизда уч тиллик мавжуд бўлиб, тил муҳитида улғайган болалар ўз она тилини яхши билишлари бизга маълум. Мактабдан ташқари ҳам кўп ўқийдиган ўқувчилар яхши ёзувчи бўлишларини ҳам биламиз. Ўқиш, бошқа ҳар қандай фаолиятдан кўра, катталарда сўз бойлиги ривожланишининг энг яхши предиктори ҳисобланади. Бу фақат ўқиш эмас. Тадқиқотчилар, шунингдек, мактабгача ёшдаги кўпроқ ҳикояларни эшитган болалар 10 ёшида яхши лингвистик қобилиятларга эга бўлишини аниқлади. Ушбу топилмалар кириш гипотезасига мос келади, чунки уларнинг ҳар бири тилга таъсир қилиш ва тил қобилияти ўртасидаги боғлиқликни таклиф қилади.

Иккинчи тилни ўзлаштириш. Қатор тадқиқотлар натижаси бўйича, ўқувчига тилни ўзлаштириш жараёнида қанча кўп таъсир кўрсатилса, у тилни шунча тез ва яхши ўзлаштиради. Бу иккинчи тилни ўрганувчиларда кузатилганда улар грамматик қоидаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиши кузатилади.

Рецептив тақдимот масалалари. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нутқ фаолияти турларини эгаллаш тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув кўникма ва малакаларни ривожлантириш асосида амалга оширилади. Иккинчи тилни ўзлаштириш эса маълум тил муҳити мавжуд шароитда, ҳатто, ўқитувчисиз, уларнинг аниқ кўрсатмаларисиз ҳам ўзлаштирилиши мумкин.

Диққат (эътибор) эса ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисмидир. С. Крашен шундай дейди: «Тил эгалари киритилган маълумотларга эътибор беришлари учун у қизиқарли бўлиши керак, лекин қизиқиш тилни оптимал ўзлаштириш учун етарли бўлмаслиги мумкин [75:182]. **Тақдимот** нафақат қизиқарли, балки таъсирли бўлиши керак бўлган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин». Унинг сўзларига кўра, рецептив тақдимот (child directed speech) – бу шунчалик қизиқки, сиз уни бошқа тилда эканлигини унутасиз. Бунга бир нечта мисоллар келтириш мумкин: инглиз тилидаги ўқишни яхшилаганидан ҳайратда қолган ўқувчилар ўзларига жуда ёққан инглиз тилидаги ўқиш материаллини топиб, ишқибоз китобхонларга айланишган; ёки хитой тилини

ўрганишга қизиқмаган, лекин ёқтирган ҳикояларни шу тилда ўқиб, тил билиш кўникмаси анча яхшиланган ўқувчилар ҳам бор.

«*Тинглаб тушуниш* жараёни нутқни идрок этиш билан бошланади, шу вақт ичида тингловчи ички талаффуз механизми туфайли тасвирли ва товушли ахборотни артикуляцион тасвирга айлантиради. Хабарни тўлиқ англаш учун алоҳида иборалар, синтагмалар, ундаги сўзларни ажратиб кўрсатиш ва ҳар бирининг маъносини тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ажратиш билан нутқ занжирининг сегментация механизми шуғулланади. Тинглашнинг энг муҳим механизмларидан бири – *хотира механизми бўлиб* – эшитган сўзларни ва сўз бирикмаларини тингловчининг онгида унинг сўз бирикмасини ёки тугалланган қисмни идрок этиш ва қанча вақт давомида хотирада сақлаши» [74:131-150]. Инсоннинг хотираси қанчалик яхши бўлса, идрок қилиш ҳажми шунчалик катта бўлади. Нутқ услублари маълум ахборотни тақдим қилишда аниқ бир восита сифатида хизмат қилади. Тақдим этилаётган нутқ асосида маълум маълумотларни ўзлаштириш, ўзгартириш, англаш, ва уларни амалга оширишда тушуниш механизми муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, дунё миқёсида инглиз тилини ўқитиш (ELT) методикаси бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида ва ўрганилаётган тил луғати ва тинглаб тушуниш жараёни ўртасидаги муносабатларга бағишланган илмий-мақолаларда тил ўрганувчининг сўз бойлиги тинглаб тушуниш жараёнида муваффақиятга эришишининг ажралмас қисми эканлиги кўп бора таъкидланади. Бундан ташқари, кўплаб илмий мақолаларда тил ўрганувчиларнинг тинглаб тушуниш малакаларини оширишда метакогнитив билимларни оширишнинг аҳамияти ўрганиб чиқилди.

Таълим жараёнида ўз ақлий қобилиятларини назорат қила олишни ўргатиш ўқитувчилар ўз ўқувчиларини қуроллантириши мумкин бўлган муҳим кўникмалардан биридир. Шу сабабли, олимлар чет тил ўқитувчиларига нафақат тил ўрганиш ва амалиётга, балки *метакогнитив стратегияларни* ишлаб чиқишга ҳам эътибор беришни тавсия қилади. "Метакогнитив билим" тушунчаси исталган мақсадга эришиш учун шахсий когнитив ва ҳиссий ҳолатларни билиш ва назорат қилишни англатади ва "метакогнитив стратегиялар" таълим олувчиларнинг ўрганишини осонлаштирадиган ва ўзлари тушунадиган махсус усуллардан фойдаланишни ифодалайди. Метакогнитив стратегиялар ҳатто маълум вазиятларда билим етишмаслигининг ўрнини қоплаши мумкин, бу айниқса тинглаб тушунишга келганда фойдали жараёндир. Бундан ташқари, ўзлаштирилган стратегиялардан синфдан ташқари ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин. Метакогнитив ўқитиш оддий жараён эмас, у кўпинча ўқитувчиларга таълим олувчилардан талаб қилинадиган метакогнитив стратегияларни амалга ошириш учун кўплаб имкониятларни тақдим этиш тавсия этилади, шунда улар жараённи автоматлаштириш даражасига кўтарадилар. Бу жараёнда ўқитувчининг мулоҳазаси ва назорати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иккинчи тилни ўқитиш ва ўрганишда метакогнитив стратегияларни қўллаш ҳақида гап

кетганда, Томпсон ва Рубин (1996) ҳам метакогнитив стратегиялар билан ўқитилган гуруҳда тинглаб тушунишнинг яхшиланишини таъкидлашади. Тинглаб тушунишга ўргатиш жараёнида таълим оловчилар эътиборини қаратиш, тинглаб тушуниш жараёнида тўғри жавоб бериш учун зарур стратегияларни ишлаб чиқишга интилиши керак.

Метакогнитив стратегиялардан фойдаланиш таълим оловчиларга ўз фикрлашларини жамлаш ва йўқолган эътиборни тиклашни ўрганишга ёрдам бериши керак. Бундан ташқари, метакогнитив билимларни ошириш ўқувчиларга олган ва эга бўлган билимларини бирлаштиришга, ўзларига бўлган ишончини оширишга ва дўстлари ва ўқитувчилар билан фикр алмашишга, ўз билимларини баҳолашга ва топшириқлар давомида қилган хатоларини таҳлил қилишга ёрдам бериши мумкин.

Сунъий (таълимий) тил муҳити – ўқувчиларнинг чет тилидаги коммуникатив фаолиятга тайёр бўлишига сабаб бўладиган ва уларни нутқий ва нутқий бўлмаган алоқа воситаларидан етарли даражада фойдаланишга ундовчи тақлидий мулоқот вазиятлари мажмуи.

Аудиовизуал технология (АТ) ўқитиш усулларига янги ёндашувни ифодалайди ва бу таълимнинг ҳозирги айти кўринишидир. Аудиовизуал технологиялар тизимли, синергетик, шахсга йўналтирилган, интеграциялашган ва технологик ёндашувларга асосланади. Тизимли ёндашув аудиовизуал технологияларни ҳаракатлар тизими сифатида, таълим оловчи шахсини шахсият соҳаси таркибий қисмлари тизими сифатида ва бошқаларни кўриб чиқишни аниглади. Синергетик ёндашув таълим жараёнини чизиқсиз, ўз-ўзини ривожлантирувчи сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Аудиовизуал технологиянинг шахсга йўналтирилган йўналиши таълим берувчининг таълим оловчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши кераклигини аниглади. Интеграциялашган ёндашув аудиовизуал технологияни ўқув ва ўқитиш шакллари, фаолияти, усуллари, ўқув қўлланмалари, таълим ахбороти мазмуни ва тақдироти шакллариининг интеграцияси сифатида тақдим этишга имкон беради. Технологик ёндашув таълим жараёнининг таълим жараёни мазмуни билан белгиланадиган педагогик операциялар кетма-кетлиги сифатида ифодаланишини аниглади.

Тинглаб тушуниш семантик идрок этиш жараёни сифатида урта даража билан тавсифланади: *императив, шакллантирувчи ва реализация*. Императив даражанинг мазмуни – контекстуал ёки вазиятли асосда адвербиал ва тетиклантирувчи афференциянинг пайдо бўлиши, шунингдек, мулоқотга тайёрликни шакллантириш, овозли хабарни тушунишга қизиқтириш, форматив даражага семантик башорат қилиш, оғзаки идентификация қилиш, сўзлар ва семантик гуруҳлар ўртасидаги семантик алоқаларни тиклаш босқичлари киради. Амалга ошириладиган даража оғзаки ҳаракатни – жавоб ёки бошқа турдаги реакцияни ҳосил қилади. Ҳақиқий мулоқотнинг турли ҳолатларида биз нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида тинглаш билан дуч келамиз. Бу қуйидагиларни тинглаганимизда содир бўлади: (1) турли

хил эълонлар; (2) радио ва телевидение янгиликлари; (3) диалог ва монолог; (4) маърузалар; (5) коммуникантларнинг ўзаро суҳбати; (6) актёрларнинг чиқишлари; (7) телефон асосида суҳбатлашиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, ўқувчиларга тинглаб тушунишни ўргатиш: (1) ўзгалар нутқини идрок этиш; (2) тили ўрганилаётган мамлакат вакиллари билан самарали мулоқот олиб бориш; (3) нутқ материалини ёдда сақлаб қолиш; (4) янги лексикани гап, жумлада қўллай олиш ва маъносини идрок этиш; (5) ахборотнинг муҳим жойларини ажрата олиш; (6) хотирани ривожлантириш; (7) оғзаки саволларга жавоб бериш кўникма ва малакаларни такомиллаштириш асосида амалга оширилади.

Ўқувчи аудио матнларни тинглаш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажариши ҳам муҳим саналади: (1) ахборот узатувчининг нима демоқчилигини олдиндан фаҳмлаш, башорат қилиш; (2) нотикнинг суҳбат мавзусига муносабатини тушуниш; (3) оҳанг ва жарангдоликка аҳамият қаратиш. Мулоқот принципага кўра хабарни тинглаб тушуниш вазиятдан келиб чиқиши керак. Ўқитувчи тили ўрганилаётган мамлакат вакиллариининг нутқига тинглаб тушунишни ривожлантириш учун дарсга суний тил муҳитини яратишда аудиовизуал материллардан фойдаланиши тавсия этилади. Чет тил фани ўқитувчиси бундай матнларни тақдим этишдан олидин (хабарни тинглашдан олдин) уни таснифлаши, ўқувчилар ёши ва билим даражасига мослаштириши зарур. Психологлар нуқтаи назаридан тинглашдан олдинги муносабат, яъни таркибга қандайдир «кириш» (кириш сўзлари, хабарнинг маъносига кирмайдиган саволлар), мавжуд бўлган вазиятларни тушунишга ёрдам беради. Олдиндан фаҳмлаш (башорат) сўзлашув тилини идрок этишнинг асосий омили бўлиб, ўқувчилардан интуцияни талаб этади. «Оғзаки хабарларни идрок этиш жараёнида нафақат лингвистик маълумотлар ўзлаштирилади, шу билан бира ўқувчи илгари дуч келмаган маълумотлар билан танишади, олдин эгаллаган билимларини эса мустаҳкамлайди» [73:196-204].

Чет тил ўқитиш методикасидаги *аутентик (асл) материаллар* деганда, тили ўрганилаётган мамлакат вакиллари томонидан яратилган ва ҳақиқий маданиятлараро мулоқот муҳитини яратишга қаратилган материаллар назарда тутилади. Видеоматериаллардан дидактик материал сифатида фойдаланиш мумкин. Улар телетасвир маҳсулотлари бўлиб, ушбу маҳсулотларни кўп марта кўриш ва такрорлаш имкони мавжуд (Е.Ильченко). Умумтаълим мактабларининг юқори синфларида аутентик видеоматериаллардан фойдаланиш тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятини яқиндан билиш имконини беради.

Чет тил таълимида қўлланадиган аудиовизуал материалларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) видеокурслар; 2) видеофильмлар 3) бошқа барча видео маълумотлари.

Видеокурслар. Видеокурс муаллифлар томонидан яратилган вазифалар ва таълим муаммоларини ўз ичига олган жараённи ифодалайди. Ўқитувчи видеокурс муаллифлари томонидан таклиф қилинган таълим

жараёнларининг тузилишига риоя қилиши керак. Видеокурс – бу муайян мақсадларни амалга оширишга асосан ишлаб чиқилган технология.

Видеофильмлардан фойдаланиш коммуникатив хусусият касб этиб, ўзлаштирилаётган жонли тилни тушуниш, тил материалининг маъносини предметлар, расмлар, ҳаракатлар, кинофильм, диафильм, слайдларни кўриш асосида очишга ёрдам беради. *Видеофильмларнинг яна бир афзаллиги уларнинг таълим олувчиларга ҳиссий таъсиридир.* Шунинг учун ўқув жараёнида фойдаланиладиган материалларга шахсий муносабатни шакллантириш жараёнига алоҳида эътибор берилиши керак. Видеофильмлардан фойдаланиш таълим олувчиларнинг турли фаолият турларини, шунингдек, уларнинг эътиборини ва хотирасини ривожлантиришга ёрдам беради. Видеоматериалларни кўришда томошабинларда биргаликдаги ахборот фаолият муҳити мавжуд бўлиб, бу диққатни жамлашнинг ортишига кўмаклашади. Видеофильмлар ўқувчиларга психологик таъсир этиб, ўқув жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради ва коммуникатив компетенцияни шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни яратади. Ахборотнинг миқдори ва характери чет тилни ўрганаётган ўқувчи маълум бир вақтда эгаллаши мумкин бўлган маълумотларнинг миқдори ва сифатига мос келиши керак [43:172-180].

Ўқув жараёнида видеофильмдан фойдаланиш самарадорлиги унинг ўқув тизимидаги ўрнини аниқ белгилашга, видеофильмнинг ўқув имкониятларини ўқув муаммолари билан мувофиқлаштиришга, ишни ташкил этишнинг оқилоналигига ва видеофильмнинг функционал хусусиятларига боғлиқ. Ўқув жараёнида қўлланиладиган видеотехнологиялардан фойдаланишни қуйидаги функционал хусусиятлари мавжуд:

ахборот ва ўқув функцияси – ўқувчи фильмнинг мавзу йўналишида ва бир вақтнинг ўзида ахборот узатиш жараёнида иштирок этади; ушбу маълумотлар ўқув жараёнида қўлланилади;

тасвирий функция – видеофильм бадий шаклдаги мавзунини кўрсатади;

ташкилий ва оператив – таълим олувчилар диққатини жамлаш ва кейинчалик унинг мазмунини мавзу ва бадий хусусиятлари асосида бошқаришда амалга оширилади;

тарбиявий функционал ҳодиса – аниқ ва лўнда билдирилган ғояларни бу бадий руҳиятда тақдим қилиш ва кейинги ва сўнгги мунозара ва ечим топса бўладиган қийинчиликларни ва муаммоларни таҳлил қилиш;

интеграция функционал ҳодиса – мулоқот жараёнларида нутқ турлари ва тил материалининг умумий интеграционаллашган жараёнига туртки вазифасини ўташ асосида бу фаолиятни назарий ва амалий қисмларини узвий боғлаш асосида намоён бўлади.

Видеофильмлардан фойдаланган ҳолда аудиовизуал технология тузилмасида қуйидаги тўрт босқич мавжуд: (1) дастлабки жараён – тил ва маданий қийинчиликларни олдиндан бартараф этиш, тарбиявий вазифани баён қилиш; (2) фаҳмлаш – ахборот мазмунини идрок этиш малакаларини

ривожлантириш; (3) асосий техник хизмат кўрсатишни назорат қилиш; (4) оғзаки нутқ қобилиятини шакллантириш.

Дастлабки жараён. Ўқувчиларга фильм номи ҳақида маълумот берилади ва уларга фильмнинг ишланган санаси, вақти ва саҳнаси, мумкин бўлган қаҳрамонлар ҳақидаги тахминлар билан таништириш таклиф этилади. Тахминларни ифодалаш учун иборалар киритилади ва ўргатилади. Кейин фильмнинг мазмунини тушуниш ва фаол ўзлаштириш учун мўлжалланган ва зарурий бўлган янги лексик материал киритилади. Янги лексиканинг киритилиши фильмнинг ҳар бир қисмини намоиш қилишдан олдин амалга оширилади. Фразеологик бирликларга алоҳида эътибор қаратишдан ташқари географик маълумотлар ҳам берилади.

Видеофильмни идрок этиш (қисмларда). Ҳар бир қисмни кўришдан олдин ўқувчиларга фильмга оид саволлар бериш мумкин. Кўрув-эшитув воситалари (аудио визуал воситалар) ўқув жараёнида берилаётган ахборотни айти пайтда кўриб, эшитиб идрок қилишга ёрдам берувчи техник воситалардир. Бундай воситаларга компьютер дастурлари, ўқув фильмлари, мультимедиа каби дидактик воситалар киради. Улар тил ўрганувчиларнинг ўқитувчи томонидан берилаётган топшириқларини бажаришга бўлган қизиқиш ва истак-хоҳишларини кучайтириб, уларнинг таълим жараёнидаги фаоллашувига олиб келади.

Бугунги кунда таълимда кенг қўлланилаётган замонавий рақамли таълим технологиялари ранг-баранг бўлиб, улар нутқий вазиятлар ҳосил қилиш, кўргазмалиликдан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнида қайта алоқани шакллантириш, ўқиб-ўрганиш учун қулай шароит ҳосил қилиш ва ҳаққоний назоратни амалга оширишга катта ёрдам бермоқда. Шунингдек, ўқувчилар хотирасининг ички мустақил имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ва таълим учун қулай шароитлар ҳосил қилишга ҳам яхши имкониятлар яратмоқда.

Умумий ўрта таълим мактаблари чет тиллар бўйича ДТС, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим миллий ўқув дастури, дарсликларидан инглиз тилида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришга қўйилган талабларнинг методик таҳлили.

Бугунги тезкор ривожланаётган замонда илм-фан, техника ҳам шиддат билан ўсиб бормоқда. Ҳар бир соҳада тараққиёт илгари қадам ташламоқда. Хусусан, илм-фанда ҳам катта ўзгаришлар, сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Ҳар бир фанни янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқувчиларга етказиб бериш бугунги кундаги таълимнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Юртимизда тил ўқитишнинг турли хил ёндашувлар асосида ўқувчиларга таълим жараёнида тадбиқ этилмоқда. Бунинг асосида инглиз тили дарсларининг ўқитилиши жараёнида илғор педагогик технологиялар, интерфаол, инновацион метод ва стратегиялардан, фойдаланиш ўқувчиларда тил ўрганиш учун янада шижоат ва иштиёқ ўсиши учун туртки вазифасини ўтайди. Республикаimizдаги барча таълим муассасадаги чет тили ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини

баҳолашнинг умумевропа стандартлари асосида CEFR тавсияномаларига мос равишда инновацион метод, усул ва талаблари асосида талаб қилинмоқда. Унга кўра умумий ўрта таълим мактаблари ва коллеж, лицейлар ўқувчилари учун дарсликлар яратилди. Ушбу талабларга мос равишда ўқув хоналари стендлар ва янги ахборот коммуникатив техникалари билан жиҳозланди. Чет тили ўрганишга бўлган талаб ҳам кундан кунга ошиб бормоқда. Чет тили фани тўрт аспектга (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш) бўлиниб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида тушунча ва кўникмалар берилмоқда. Таълим технологиялари, бу таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланишдир. Шунингдек, таълим жараёнига замонавий инновацион технологияларни олиб кириш асосида таълим сифати ва самарадорлигини оширишни назарда тутди. Хусусан, чет тилини ўрганишда бундай ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг бир қанча афзалликлари мавжуддир. Тил ўрганиш ва ўқитишда замонавий технологиянинг ўрни бекиёсдир.

Чет тилини замонавий технологиялардан фойдаланиб ўргатиш ва ўрганиш энг самадор усуллардан биридир. Бу жараёнда, жумладан: (1) компьютерлардан фойдаланганда ўқувчи чет тилидаги видеороликларни, намоишларни, диалогларни, кино ёки мультфильмларни ҳам кўриши, ҳам эшитиши мумкин; (2) чет тилдаги радиоэшиттиришлар ва телевидениедаги дастурларни эшитиши ва томоша қилиши мумкин; (3) анъанавий усул ҳисобланадиган магнитофон ва кассеталардан фойдаланиш; (4) СД плеерлардан фойдаланиш мумкин. Бу техник воситалардан фойдаланиш чет тилини ўрганиш жараёнларининг қизиқарлироқ ва самаралироқ бўлишини таъминлайди.

Таълим жараёнига замонавий-коммуникацион технологияларни олиб кириш улардан мақсадли ва тўғри, унумли фойдаланиш, улар асосида ўқувчида чет тилига бўлган қизиқишни орттириш, ўқитиш самарадорлигини ошириш энг муҳим масала ҳисобланади. Бу асосида таълимда инновацион технологияларидан фойдаланишга имконият туғилади ва талаб ортади. Бугунги кунда инновацион таълим технологияларининг бир неча хил усуллари мавжуд. Улардан дарсларда мавзунини ёритишда кенг фойдаланилса, дарс самарадорлиги янада юқори бўлади ва ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларининг ортиши ҳам таъминланади. Таълим жараёнига янгиликларни олиб кириш ва уларни татбиқ қилиш асосида таълим самарадорлигини ошириш назарда тутилади. Чет тили дарсларининг ўқитилишида турли ролли, ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш ҳам дарсга, ҳам тил ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлади. Ўқувчиларнинг жуфт ёки кичик гуруҳларда ишлашлари асосида эса ўқувчиларнинг бошқалар билан коммуникатив алоқа қилишлари учун ёрдам беради. Таълим жараёнида график органайзерлардан фойдаланиш мавзунини ёритишда, уни ўқувчиларга етказиб беришда энг муҳим воситалардан саналади. Бир мавзунини ёритишда бир неча хил график органайзерлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Чет тилини ўқитишда график органайзерлардан

фойдаланиб, мавзуга оид янги сўзларни, грамматик қоидаларни тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Булар график организерлар асосида интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда берилса, ёдда сақланиб қолиши ҳам осон бўлади. Чет тилини ўқитиш жараёнида турли хил жадваллардан фойдаланишнинг ҳам самараси юқоридир. Таълим жараёнида жадваллардан фойдаланиб, ўқувчилар маълум бир грамматик қоида, масалан, замонлардан фойдаланиб гаплар тузиш, янги сўзларни жойлаштириб чиқиши мумкин. Чет тилини ўрганишга эҳтиёж юқори бўлган бир даврда, таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан, инновацион таълим технологияларидан унумли фойдаланиш мазкур жараённинг самарали бўлишига олиб келади. Инновацион таълим технологияларининг самарадорлиги уларнинг таълим жараёнида тўғри ва унумли фойдаланилганидир.

Маълумки оғзаки нутқ тинглаб тушуниш ва гапириш жараёнидан иборат. Тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг рецептив-ахборот қабул қилиш турига киради (input). Нутқ фаолиятининг ушбу турисиз тил воситасида мулоқот содир бўлмайди. Бундан ташқари тилни ўргатиш жараёни аудитив усул билан ҳам амалга оширилади. Бу билан ўқувчилар онгида бўғин, сўз, сўз бирикмалари, жумлалар шакллантирилади. Мазкур жараёнда тинглаб тушуниш тил материаллини эсда сақлаш учун самарали усул сифатида хизмат қилади. Умумтаълим мактаблари юқори синфларида тил ўргатишда албатта уларнинг тинглаб идрок этиш қобилиятларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек ўқувчиларда бундай вазият учун шароит яъни мулоқот муҳитини яратиш ўқувчида мотивация руҳияти пайдо бўлади ва бунинг тил ўрганишдаги мақсадига етишда улкан туртки вазифасини ўтайди. Биз юқори синфларда инглиз тили фанини янада мукамал ўқитишда тинглаш, тинглаб тушуниш, тинглашни тушуниш, стратегиялар ва тинглашдаги қийинчиликларни бартараф этишда мавжуд ДТС, Чет тили (инглиз, франсуз, немис ва б) фанидан Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим миллий ўқув дастури [11], ўқув дастури, ўқув материалларининг педагогик таҳлилини ўрганиб чиқамиз. Чет тилларини ўрганиш ҳолати нафақат унинг методлари ва услубларига, балки дастурлар, дарсликлар ва ўқув мажмуаларига ҳам боғлиқ. Хорижий тиллар учун давлат таълим стандарти тизими «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 12 майдаги 124-сон» қарори билан тасдиқланди. Давлатни чет тиллар тайёрлаш бўйича асос: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияси, «Ўзбекистон Республикаси тўғрисидаги Таълим тўғрисидаги конвенция» [1], «Таълим бўйича» [2] миллий дастури, «Биринчи ўқитиш миллий дастури тўғрисида» Биринчи Президент қарори Ўзбекистон Республикаси 2012 йил 10 декабрда «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» [4], «CEFR (Common European Framework of Reference for Languages) – Умумий Европа тил кўникмаси қолипи» [16]. ДТС чет тилларни ўқитишда коммуникатив-фаолиятга йўналтирилган,

шахсга йўналтирилган, интегратив ва компетенцияга асосланган ёндашувлар асосида қурилган [5]. У Европа Кенгашининг «CEFR (Common European Framework of Reference for Languages)» – Умумий Европа тил кўникмаси қолипи) тизими, бутун Европа бўйлаб ишлатиладиган тилларни ўрганиш, ўргатиш ва баҳолашга доир масалаларни ўз ичига олади. Бугунги кундаги глобаллашув ва замонавий технологик воситалар ёрдамида одамларнинг бир-бирлари билан осон алоқа ўрнатишлари натижасида CEFR тизими нафақат Европада, балки Колумбия ва Филиппин каби давлатларда ҳам кенг татбиқ этиляпти. Ўзбекистонда ҳам Президентнинг 2012 йилдаги Қароридан сўнг инглиз тилини ўрганиш ва ўргатишга бўлган талаб сезиларли даражада кўтарилди ҳамда бунинг натижаси ўлароқ янги, миллий NSFLA (National system of foreign language assessment) тизими CEFR асосида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чет тиллар бўйича Давлат таълим стандарти – узлуксиз таълим тизими асосида ўқувчиларнинг мажбурий минимал мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун дастур ишлаб чиқилди. У «CEFR (Common European Framework of Reference for Languages)» – Умумий Европа Тил Кўникмаси Қолипи) бўйича хорижий тилларни ўқитишнинг халқаро стандарти талабларини ва бўлажак мутахассисларнинг ўз соҳаларида кўникмаларини ривожлантиришни ҳисобга олади. Таркибий жиҳатдан дастур қуйидагилардан иборат: кириш, асосий қисм, ўқув режаси, курс тамойиллари, ушбу фан бўйича ўқувчиларга қўйиладиган талаблар, аниқ мақсадларда инглиз тилини ўқитиш тамойиллари, ўқитиш мазмуни. Тил ўрганаётган ўқувчи чет тили фани матнларини ўз йўналиши бўйича тинглаб тушуна олиши ва мавзу доирасида топшириқларни бажариши керак; кундалик ва касбий мулоқотнинг частотали лингвистик материалга асосланган матнларни тушуниш; оддий грамматик тузилишдан фойдаланган ҳолда таниш ёки қизиқарли мавзуларда содда, изчил матнлар ёзиш. Шу билан бирга, у тингланган ёки ўқилган матн асосида диалог ёки монолог шаклида гапира олиши керак. Дастурда дарс мавзуси, соатлар сони, ўқувчилар билимини баҳолашни ташкил этиш усуллари кўрсатилган ҳамда фан бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати келтирилган. Дастурнинг афзаллиги шундаки, у ўқувчиларни ва чет тилини профессионал мақсадларда ўқитиш тамойилларини ҳисобга олади. Дастур томонидан таклиф этилган мавзулар нафақат келажакдаги касбий фаолият учун зарур бўлган кўникмаларни ривожлантириш, балки ўқувчиларнинг сўз бойлигини кенгайтириш имконини беради. Бу иш натижасида ўқувчиларда чет тилнинг оғзаки луғатидан (биз ўрганаётган муаммо) тўғри фойдалана оладилар, шунингдек, уларда ҳар қандай мавзу бўйича ўз фикрини ифода эта олиш кўникмаси ҳосил бўлади. Дастур бўйича ўқувчилар 10 –11- синфларда B1, B1+ даражага эга бўлишлари керак ва тинглаб тушуниш таълим турида нутқ мазмуни бўйича маиший ва касбий нутқий вазиятларга тааллуқли бўлган адабий меъёр доирасида баён қилинган мураккаб бўлмаган, касбий

коммуникатив аутентик дискурс (матн)ларнинг асосий мазмунини тўлиқ англаш ва тушуниш; бир марталик ёки икки марта эшитишда, агар нутқ аниқ ва нисбатан секин бўлса, рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги кўпгина радио ва теледастурларнинг асосий ғояларини, шунингдек, шахсий ва касбий қизиқишлар билан боғлиқ кўрсатувлар ғояларини тушунишлари кўзда тутилган. Бироқ мавжуд намунавий дарсликда юқори синф ўқувчилари тилни янада мукамал ўзлаштиришлари учун керак бўлган аудиовизуал материалларга эътибор қаратилмаган. Бизнинг фикримизча, дарсликка аудио ва видеоматериаллар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Диссертация тадқиқотининг муаммоси юқори синф инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантириш бўлгани сабабли, батафсил ўрганишда юқори синф ўқувчилари учун яратилган инглиз тилидаги дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва ўқув-услубий мажмуалар ҳам таҳлил қилинди.

Биз ўнинчи ва ўн биринчи синфлар учун 2017 йилда нашр этилган «ENGLISH» дарслигини ўргандик [12]. Бу ўқув тўпламининг бир қисми бўлиб, ўқувчилар китоби, ўқитувчи китоби ва компакт дискдан иборат. Дарслик ўқувчиларнинг тинглаш, ўқиш, гапириш ва ёзиш каби нутқий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Грамматика интеграллашган усулда ўрганилади. Курс мулоқот вазифалари асосида ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга мўлжалланган. Дарслик 10 та бўлимни ўз ичига олган бўлиб, уларнинг ҳар бири тўртта дарсдан иборат. Дарсликда ўқувчиларнинг луғатини бойитиш, грамматик кўникмаларини ривожлантириш, нутқ фаолиятининг барча турлари бўйича кўникмаларни шакллантириш кўзда тутилган. Топшириқларнинг ранг-баранг дизайни ўзининг равшанлиги билан ўқувчилар сонининг ўқув материалига бўлган қизиқишини оширади, уларнинг тили, нутқий ва когнитив қобилиятлари, мустақил фикрлаш, инглиз тилига онгли муносабатини шакллантиришга ҳисса қўшади. Ушбу ўқув қўлланма хабардорлик ва мулоқотга қаратилган, яъни ўқувчилар тилни маданиятлараро ўзаро таъсир воситаси сифатида онгли равишда ўзлаштирадилар. Тилда онгли йўналиш ўқувчиларга ўзлаштирилган материалдан турли хил мулоқот ҳолатларида мустақил равишда фойдаланишга ёрдам беради. Дарсликда ҳар бир бўлим тинглаш, гапириш ва ўқиш, ёзиш кўникмаларини ривожлантиришга бағишланган. Дарсликнинг ижобий томонлари унинг амалиётга йўналтирилганлиги ва индивидуал машқларнинг ижодий характерини ўз ичига олади. Бизнингча, инглиз тили дарсликларининг мазмуни доимий бўлмайди ва вақт ўтиши билан ўзгариб, такомиллашиб боради, лекин инглиз тилини ўқитиш уларнинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Юқори (10–11) синф ўқувчилари учун инглиз тилидаги ўқув дастури ва дарсликларини қўйилган муаммо нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, уларга аудиовизуал мериаллар ва машқлар тизими киритилиши зарур деган хулосага келдик.

Тинглаб тушунишни амалий мақсад мақомида ўргатилиши учун, биринчидан, аудиотекстни танлаш (тузиш), иккинчидан, уни

эшиттириш ташкилий шартлари (синф, айрим гуруҳ ёки ёлғиз ўқувчига тегишлилиги)ни аниқлаш, учинчидан, ўқувчиларни тинглашга тайёрлаш (тил материалини билиши, аудиотекстнинг мазмуни мослиги), тўртинчидан, неча марта тинглашни тавсия этиш (ўқув топшириқларини тайёрлаш) ва, бешинчидан, тушунганликни текшириш каби тадбирларни тақозо этади.

Тақдирот манбаи. Аудиоматн ўқитувчининг овози ёки овоз ёзилган матн бўлиши мумкин. Ўқитувчи аудиоматн тезлигини секинлаштириши ёки тезлаштириши, агар зарурат туғилса, хабарни тушуниш учун баъзи жойларни такроран эшиттириши мумкин. Ўқувчилар аста-секин турли хил акустик хусусиятларга эга бўлган овоз ёзувларидан матнни идрок этишга ўргатиш учун ҳаракат қилишингиз керак: турли маърузачилар томонидан ёзилган, эркак, аёл ва бола овози билан, тўсиқлар билан ва бошқалар.

Визуал ёрдам. Хабарни тинглаш визуал равшанлик билан бирга бўлса, уни тушуниш жуда осонлашади. Шунинг учун аввал матнга турли хил иллюстрациялардан фойдаланиш тавсия этилади. Кейинчалик ёрдамсиз тинглаш билан шуғулланиш лозим. Тинглаш машқларига ўқитувчи ёзув тахтасига ёзиши, ёки карточкаларда ўқувчиларга тарқатиши мумкин бўлган оғзаки кўрсатмалар ҳам киритилиши мумкин. Матнни тинглагандан сўнг ўқитувчи тушунчасини текшириши керак. Бу тўғрилиқ, тўлиқлик ва чуқурлик каби мезонлар билан тавсифланади [20:162-173-б].

Хабар ва уни баҳолаш. Танқидий тушунишга интилиш керак, акс ҳолда тинглаш ўқувчилар учун қизиқ бўлмайди. Хабарни тушунишни бошқариш оғзаки ёки оғзаки бўлмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Ўқувчининг хабарни тинглагандан кейинги ҳаракатлари тинглашдан олдин топширилган топшириқнинг моҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Овозли хабарни тушунишни узатиш шакллари ҳар хил бўлиши мумкин: ўқувчиларнинг лингвистик ҳаракатлари, диаграммалар тузиш, матн мазмунига кўра расмларни танлаш, матн устида суҳбатлашиш, уни қайта ҳикоя қилиш, режа ёки матн блокларига буюртма бериш, мазмун мантиғига кўра, асосий ғояни аниқлаш, баёнотни тўлдириш, нотўғри баёнотларни тузатиш, жавобларни танлаш билан тестлар ва бошқалар [76: 77-100-б.]. Ишнинг якуний босқичи, яъни ўқувчиларни матн мазмунини муҳокама қилишга ундайдиган, унинг ғоясини белгилайдиган, тинглаган нарсаларига муносабатини билдирадиган машқларни ўз ичига олади.

Тинглашни ўрганишда идрок этиш босқичлари. Фаолият сифатида тинглашни ўрганиш эшитиш қобилиятлари ва кўникмаларини шакллантиришни, шунингдек, ушбу фаолият турига хизмат қиладиган рецептив механизмларини такомиллаштиришни таъминлайди. Кўникмаларни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш тинглаш актининг автоматлаштирилган таркибий қисмларини шакллантиришга ёрдам беради, бу эса нутқ сигналларини аниқлаш жараёнини қисқартиради, уни бир вақтнинг ўзида таниб олиш даражасига етказди.

1.2-жадвал

English 10–11. Ўрта таълим муассасаларининг 10–11- синфлар ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарслик таҳлили

ENGLISH-10/ Unit	Listening	Speaking	Writing	Reading
1	2	4	10	14
2	2	5	12	22
3	2	4	14	15
4	2	4	10	16
5	2	4	8	16
6	2	5	10	16
7	2	4	12	15
8	2	5	10	17
9	2	4	14	12
10	2	4	12	19
Total number 338 tasks	20	43	85	162

ENGLISH-11/ Unit	listening	Speaking	Writing	Reading
1	2	4	10	17
2	2	4	15	20
3	2	4	9	18
4	2	4	10	13
5	2	4	5	6
6	2	4	9	18
7	2	4	8	10
8	2	4	10	16
9	2	4	10	12
10	2	4	9	10
Total 315 tasks	20	40	97	140

9-11-синфларда чет тилни ўрганишга бўлган қизиқишнинг пасайиши муаммоси кўплаб ўқитувчиларга таниш. Мактаб ўқувчиларини чет тили улар учун муҳим эканлигига ишонтириш қийин. Аудиовизуал материалларни дарсда қўллаш кўпинча ушбу муаммони ҳал қилишда ёрдам беради. Масалан, кўшиқлардан фойдаланишнинг самараси жуда катта. Мусиқа таржимага мухтож бўлмаган универсал тилдир. Сўзларни билмасдан ҳам, биз

муסיкачи нима ҳақида куйлаётганини ҳис қиламиз, чунки қўшиқлар тўғридан-тўғри қалбимизга гапиради. Инсонларда чуқур ҳис-туйғуларни уйғотиши мумкин бўлган ҳар бир нарсани эслаш осонроқ бўлади, шунинг учун кўплаб ўқитувчилар инглиз тили дарсларида қўшиқларга мурожаат қилишлари ажабланарли эмас. Бу ўқув жараёнининг нафақат қизиқарли, балки самарали бўлишига ёрдам беради. Дарсдаги қўшиқ ўқитишни жонлантиради, ижобий ҳис-туйғуларни уйғотади ва лексик-грамматик материалларни яхшироқ ўзлаштиришга хизмат қилади.

Мактаб ўқув дастурида 10–11-синф ўқувчилари ўртасида эшитиш қобилиятларини билиш даражаси қуйидагича белгиланади:

10-синф. Ўқувчилар хорижлик тенгдошлари иштирокида бўлиб ўтадиган мунозараларда идрок этиши, бунда хорижлик суҳбатдошлар билан кундалик ҳаётга доир мавзуларда гапира олиши ва шеригининг нутқини, дастурда кўзда тутилган таълимий мавзудаги аудиоматнлар, радио эшиттиришлар, интервью, видеоматнларнинг асосий мазмунини тушунишлари тақозо этилади [53:359-362]. Овозли матнларни танлаганда 5% гача номаълум сўзлар бўлиши, уларнинг маъносини контекстдан тахмин қилиб тушунишга ҳалақит бермаслиги зарур. Овозли матннинг давомийлиги 10-15 дақиқагача.

11-синф. Ўқувчилар тенгдошлари ҳузурида бўлиб ўтадиган мунозарада идрок этиши, бунда суҳбатдошлар кундалик суҳбатга хос бўлган аниқ ва меъёрий нутқда гапиришлари керак ва ўқувчи баъзи сўзларни такрорлашни сўраш имкониятига эга бўладиган иборалардан фойдаланади. Улар кун воқеалари ёки шахсий ва касбий манфаатлар мавзусидаги кўплаб радио ва телевизион дастурлардаги мазмунни тушунишлари керак. Овозли матнларда 8% гача номаълум сўзлар бўлиши мумкин, уларнинг мазмунини контекстдан тахмин қилиш мумкин ва 2% нотаниш сўзлар умуман матнни тушунишга ҳалақит бермайди. Овознинг давомийлиги 20 дақиқагача.

Юқорида айтилганларнинг барчасидан хулоса қилишимиз мумкинки, чет тилини ўқитишнинг барча босқичларида тинглашни ўргатиш, умуман, тилни ўрганишда асосий аҳамиятга эга, чунки ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчини табиий шароитда нутқий мулоқотга тайёрлашдир. Албатта, бу жараён ўқувчининг нутқий мулоқотига таъсир қилувчи омл вазифасининг ўтайди ва юқори синф ўқувчиларининг тинглаш қобилиятлари бора-бора маҳорат даражасигача боради. Ҳар қандай кўникма сингари, у ҳам маълум маҳоратларга таянади: синтактик даражаларда онгли равишда англаш қобилиятлари, нутқнинг грамматик шакллари, морфологик ва уларнинг маълум маъно билан ўзаро боғлиқлиги; сўзлар ва ибораларни тўғридан-тўғри тушуниш қобилиятлари (яъни лексик тинглаш қобилияти); нутқнинг овозли томонини – товушларни, товуш бирикмаларини, оҳангни онгсиз равишда идрок этиш ва фарқлаш қобилиятларини ўз ичига олади.

Амалдаги дарсликларнинг материаллари юқори синф ўқувчиларининг ёшини, психологик ҳолатини эътиборга олиб ёшларнинг қизиқишларини тўлиқ қондирмайди деб ҳисобладик ва ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш

кўникмаларини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантиришга ёрдам берадиган материаллар етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Дарслик таҳлилидан кўриниб турибдики, тинглаб тушуниш учун мўлжалланган топшириқлар аудио машқлар 100% дан 8% ни ташкил этади, аудиовизуал воситалардан фойдаланиш эса тавсия этилмаган.

Инглиз тилини рақамли таълим технологиялари ёрдамида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришдаги қийинчиликлар

Чет тил таълимида алгоритм билан қонидани чалкаштирмаслик талаб этилади. *Алгоритм* деганда, оддий операцияларни муайян изчилликда бажариш ҳақидаги аниқ кўрсатмани тушунамиз. Ҳарқандай алгоритм – бу қонидир, лекин ҳар қандай қоида алгоритм эмас. Қоида номи билан одатда нутқий грамматик кўникма ҳосил қилиш жараёнида қўлланиладиган кўрсатмалар ёки умумлашмалар мажмуасини аташ маъқулдир.

Таълим жараёнининг ривожланишига сабаб бўлаётган асосий жиҳатлардан бири – бу таълим жараёнларини ахборотлаштириш ҳисобланади. АКТ таълим жараёнининг барча иштирокчиларига янги имкониятларни тақдим этмоқда. Замонавий ахборот технологиялари, ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини жадаллаштирди. Бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлиги ортиши, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллашувини, фанлараро алоқаларнинг чуқурлашувини кузатиш мумкин.

Тадқиқотда ўқув жараёнида қўлланиладиган аудиовизуал материалларнинг қуйидаги функционал хусусиятлари аҳамият қаратилди: «(1) *ахборот ва ўқув функцияси* (ўқувчи фильмнинг мавзу йўналишида ва бир вақтнинг ўзида ахборот узатиш жараёнида иштирок этиши); (2) *тасвирий функцияси* (видеофильм таълимий-тарбиявий мавзунини кўрсатиши); (3) *ташқилий ва оператив* томони (таълим оловчилар диққатини мавзуга қаратиши ва мавзу бўйича машқлар бажариш); (4) *тарбиявий функцияси* (тили ўрганилаётган мамлакат нутқ маданияти билан таништириш); (5) *интеграция* (нутқ фаолияти турлари ва тил материалларини ўзаро боғлаб ўзлаштиришга йўналтирилганлиги)».

Тинглашдаги қийинчиликлар. Тинглашдаги нутқий қийинчиликлар объектив қийинчиликлар бўлиб, тинглашни ўргатиш жараёнида улар объектив параметрлар билан белгиланади [33:192-194].

Тинглашнинг *нутқий қийинчиликлари* аудиоматнларнинг композицион ва таркибий хусусиятлари ва нутқ воситаларининг табиати билан белгиланади. Грамматика соҳасида бу қийинчиликлар морфология билан ҳам синтаксис билан ҳам ўзаро боғлиқдир [31:79-80]. Бирор иборани идрок этган ҳолда, ўқувчи алоҳида элементларга бўлиниши ва уларнинг баёнотдаги ўрни ўртасидаги алоқани ўрнатиши керак. Ахборотни идрок этиш учун асос бўлган аналитик-синтетик фаолиятнинг қийинчиликлари нутқ хабарининг узунлиги ва ундаги синтетик тузилмаларнинг мураккаблиги билан мутаносиб равишда ортади. Таълим жараёнларида юқори синф ўқувчиларининг инглиз

тилида тинглаб тушуниш борасидаги қийинчиликлар қуйидагилардан иборат [33:192-194]: мазмунга доир қийинчиликлар – олинаётган маълумот қамровидаги нима, қаерда, ким билан, қачон бўлиши каби далилларни идрок этиш ва рефлексив ёндашиш асосида ёки улар орасидаги боғланишни идрок эта олиш, шунингдек, умумий ғояга тааллуқли қийинчиликлар мавжуддир; тилга оид шаклий қийинчиликлар [33:192-194]; нутқий идрок қилишнинг шарт-шароитидаги қийинчиликлар; нутқ шаклига оид қийинчиликлар; тилшунослик нуқтаи назаридан содир бўладиган қийинчиликлар; аудиоматн тузилишига оид қийинчиликлар [17:361-362-б]. «Аудиоматннинг тузилиши (композицион – мазмуний тузилиши) ҳам қийинчиликларга олиб келиши аниқланган. Чунки баён этилаётган ахборотни илғаб олишга унинг бевосита даҳли бор. Гапнинг ёки сатр бошининг бир-бирига мантиқан ёпишиши, матннинг юзаки ёки чуқурлиги, нотаниш лексик birlikлар иштироки ва қатор ўхшаш композицион-мазмуний ҳолатлар аудиоматннинг тушунилиши даражасини белгиловчи омиллардир.

Ўқувчи тинглаб тушунишда дуч келадиган қийинчиликларни эътироф этишдан мақсад уларнинг олдини олиш чораларини кўришдир. Қийинчиликлар меҳнат ва вақт талаб қилади, махсус машқларни бажариш заруриятини туғдиради. Қийинчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш (нейтраллаш) йўли билан таълим жараёнини жадаллаштириш ва ўқитишнинг энг мақбул (оптимал) методикасини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинади» [27]. Инглиз тил таълими жараёнларида ёки умуман ҳаётда содир бўладиган қийинчиликларда албатта ўзининг етарлича сабаб ва оқибатлари мавжуд бўлиб, инсон омили бу юзага келаётган қийинчиликларни бартараф этиш йўллари топишда тинглаб тушуниш муҳим омил сифатида пайдо бўлиб, инсоннинг, ўқувчининг ўз-ўзини англашга туртки бўлади. Қийинчиликларни олдиндан аниқлаш учун уни юзага келтираётган сабабларини билиш ва таҳлил қилиш ва унга ечим топиш асносида мавҳум ёки маълум қийинчиликларни юзага келишини олдини олади.

Тинглашдаги асосий фонетик қийинчиликлар оҳанг, мантиқий зўриқиш ва нутқ тезлиги билан боғлиқ қийинчиликлардир. Оҳанг сезиларли қийинчиликларни келтириб чиқармайди, чунки у барча тилларда ўхшаш хусусиятларга эга. Мантиқий оҳанг идрок этиш учун қийин, бу ибораларни тўлиқ семантик сегментларга ажратади, асосий ғояни ажратиб кўрсатишга хизмат қилади ва иборанинг коммуникатив шаклини белгилайди. Мантиқий зўриқиш етарли даражада тушуниш учун катта аҳамиятга эга: у асосий семантик юкни кўтаради [78:268-284]. Тинглаш асосида тушуниш учун аудиоматнларнинг композицион ва семантик тузилиши, улардаги фикрларни ифода этиш усули ва фразалараро боғланишлар катта аҳамиятга эга. Нутқ шерикларни фарқлаш ва қўшимча равишда аналитик-синтетик ҳаракатларни амалга ошириш зарурати туфайли тинглашни тушуниш қийин бўлган диалогик нутқ (монолог билан таққослаганда). Гарчи нутқнинг бир шакли сифатида тинглашга эътибор бериш нуқсонли бўлса ҳам, ўқувчиларни нутқнинг иккала шаклини ҳам идрок этишга ўргатиш муҳимдир.

Шу мақсадда овозли матнларни ўқитишда нутқдаги қийинчиликларни босқичма-босқич жорий этиш ва ўқувчиларга тахмин, билим ва нутқ тажрибасига таяниб, уларни енгиб ўтишга ўргатиш тавсия этилади. Шу билан бирга, тинглашни осонлаштирадиган омилларни ҳисобга олиш керак: ритм, тўхтам, оҳангдаги қийинчиликлар; суҳбатдош билан кўз асосида алоқа қилиш имконияти; нутқдан ташқари воситалардан фойдаланиш ва вазиятга таяниш; шунингдек, тинглашни мураккаблаштирадиган омиллар: лексик бирликлар ўртасида аниқ чегара сигналларининг етишмаслиги, уларнинг нутқ оқимидаги бирикиши, сўзлар чегарасида ва сўзлар ўртасида ассимиляция ҳодисаси; фонетик камайтириш; эшитиш жавобининг қайтарилмаслиги; лексик бирликларнинг ўзаро таъсири [71:113-128].

Идрок этиш шартлари туфайли тинглашдаги қийинчиликлар. Тинглашнинг идрок этиш ҳолатига боғлиқлиги: а) нутқ хабарининг тезлиги; б) овоз ҳажмига қараб аудиоматннинг тақдимоти сони билан белгиланади. Нутқ хабарининг объектив равишда ўрнатилган темпи тинглашнинг тезлиги ва аниқлигини ҳамда ёдлаш самарадорлигини белгилайди. Нутқнинг умумий тезлиги икки катталиқдан иборат – дақиқадаги сўзлар сони ва нутқ тўхтамлари сони. Ушбу иккита параметр бўйича ўлчов шуни кўрсатадики, минимал ва максимал тезлик ўртасидаги фарқ жуда катта. Бу кўплаб омилларга боғлиқ: матн тури (монолог, диалог; тавсиф, ҳикоя, хабар; прозаик ёки шеърӣ); ахборотнинг аҳамияти (муҳимроқ маълумотлар секинроқ, аҳамиятсизроғи тезроқ тақдим этилади); маълум бир тилнинг лексик ва грамматик тизимининг ўзига хос хусусиятлари (инглиз тилида хат кўпроқ маълумотга эга ва ундаги сўзлар ўртача 4-5 ҳарфдан иборат бўлса, немис тилида – 6-17 та. Ўртача инглиз ва француз тилларида нутқ тезлиги дақиқада 140-150 сўзни, немис тилида дақиқада 120-130 сўзни ташкил қилади).

Тинглашни ўргатиш жараёнида қабул қилинадиган нутқ даражаси тингловчининг ички нутқидан ошмаслиги керак. Тинглаш усулида аудиоматнли презентациялар сони ва уни тинглаш давомийлиги асосий аҳамиятга эга. Чунки тинглаш – бу бир марталик тақдимот билан нутқни кулоқ билан англаш қобилияти [60:57-60]. Бир марталик тақдимот табиий оғзаки нутқ хабари ўтиши шартларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ: ҳақиқий алоқада тинглаш нутқ билан синхрон тарзда амалга оширилади ва нутқ хабари такрорланмайди. Синфда тинглаб тушунишнинг тақдимотлар сонига боғлиқлиги, айниқса, ўрганишнинг дастлабки босқичида сезиларли даражада билинади. Шу билан бирга, тақдимотларнинг услубий жиҳатдан асосланган сони аудиоматн билан нормал ишлашга боғлиқ. Шундай қилиб, нутқ хабарининг шаклини ёдлаш ҳолатларида (унинг нутки дегани) битта аудиоматнни бир неча марта такрорлаш жоиздир. Агар мақсад аудиоматннинг семантик томонларини ёдлаш бўлса, унда қайта тақдим этиш учун нутқнинг ўзгариши ва идрок этиш учун янги вазифалар билан матннинг ўзгартирилган намунасини бериш керак.

Матнни тинглаш давомийлиги тинглаш жараёнини ҳам мураккаблаштириши мумкин. Овознинг давомийлиги матннинг ҳажмига

караб белгиланади. Матн ҳажми ҳар бир синф учун тинглашнинг мажбурий меъёрий параметридир. Овозли матн ҳажмини ушбу ўлчов дарсларни режалаштириш ва нутқ фаолиятининг ҳар хил турлари учун вақтни тўғри тақсимлаш учун қулайдир. Тинглаш машғулоти қисқа муддатли матнлардан бошланиб, уни аста-секин ошириб бориши керак. Бироқ, аудиоматнларнинг ҳажмини оширишга интилиш тавсия этилмайди. Турли хил маълумот манбаларини тинглаш идрок этишнинг ўзига хос қийинчиликларини келтириб чиқаради. Тўғридан тўғри мулоқотда тинглаш оғзаки бўлмаган воситалар ёрдамида осонлашади: мимика – имо-ишоралар, лекин техник воситалардан фойдаланишда бу омиллар мавжуд эмас. Ўқувчилар аста-секин ўқитувчининг нутқига одатланиб, уни осон тушунишни бошлайди. Техник ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш (ТЎҚ) кўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради, бу уларни енгил учун вақт талаб қилади, лекин шу билан бирга ўқувчиларга нафақат ўқитувчини, балки бошқаларнинг нутқини ҳам идрок этишга ўргатади.

Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш таълим воситаси сифатида лексик, грамматик ва талаффуз бирликларини ташкил этувчи тил материални нутқда қўллашни назарда тутди. Нутқ фаолиятининг асосий турларидан бири бу тинглаб тушунишдир. Инглиз тили дарсларида тинглаб тушунишнинг муваффақияти бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, улардан энг муҳимлари жумласига тингловчининг идрок қилиш суръати, тингловчининг индивидуал ёш хусусиятлари кабиларни ташкил этади. Тил таълимотида тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг ўқиш(reading) ва гапириш(speaking) турлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу туфайли? нутқ фаолияти турларининг(reading, writing, listening, speaking) фарқловчи ва ўхшашлик хусусиятлари бор. Булар қуйидагилар: тинглаб тушуниш ўқиш, ахборот қабул қилишга қаратилганлиги учун ҳам нутқ фаолиятининг рецептив турларига киради. Нутқ фаолиятининг бу тури олдиндан билиш, фараз қилиш ҳисобланади. Ўқиш жараёнида асосий сезги тури сифатида кўриш, тинглаб тушунишда эса эшитиш сезгилари хизмат қилади. Нутқ материали сифатида тинглаб тушуниш учун оғзаки нутқ, ўқиш учун эса ёзма нутқ хизмат қилади.

Энди тинглаб тушунишнинг гапиришга бўлган муносабатини кўриб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Инглиз тили методологиясида тинглаб тушуниш (listening comprehension) ва гапириш (speaking) бир-бири билан узвий боғлиқ, лекин уларни фарқлаб турувчи хусусиятлари ва омиллари ҳам мавжуд. Асосий вазифада ўқувчининг эшитиш сезгиси, тинглаб тушуниш жараёнида, кўриш сезгилари эса ёрдамчи вазифани бажаради. Гапириш жараёнида асосий вазифани мотор анализаторлар бажаради. Шу боис тинглаб тушуниш ва гапириш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Нутқни тинглаб тушуниш турли хил вазиятда амалга оширилиши мумкин. Масалан, суҳбатдош билан бевосита мулоқотда, ўқув машғулотида, театрда, радио эшитишда, телефон асосида суҳбатлашганда ва ҳоказо. Ўрта мактаб олдида анча оддий бевосита муомала жараёнида ўқитувчининг ўқувчига ёки синфга

қаратилган, ёки магнит тасмасига ёзиб олинган маиший турмуш мавзусидаги нутқини тушуниш кўникмасини шакллантириш вазифаси туради. Агар ўқувчи ахборотни эшитиб, унинг умумий мазмунини ҳамда айрим деталларини билиб олса, у матнни тушуниб олди деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар бир сўзни, сўз бирикмасини тушуниш шарт қилиб қўйилмайди. Шундай қилиб, мактабда тинглаб тушунишни ўргатиш қуйидагича амалга оширилади. Бошланғич синфдан бошлаб инглиз тилини йўлга қўйилганлиги бу буюк тараққиётнинг илк қадамидир. «Ёшлиқдан олинган билим, тошга ўйилган нақш кабидир» деб бежизга айтишмаган ота-боболаримиз. Фарзандларимизнинг бошланғич синфдан бошлаб инглиз тилига бўлган қизиқишини ошириб, сўз бойлигига алоҳида эътибор берсак, кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Тинглаб тушуниш жараёнида диққат муҳим ўрин тутди. Ўқувчилар нутқини она тилида тинглаган пайтда уларнинг диққати асосан нутқнинг мазмунига қаратилган бўлади. Чет тилидаги нутқни тинглаб тушуниш эса ўқувчилардан диққатни нутқ мазмуни ва шаклига қаратишларини тақозо этади. Ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини махсус машқлар ёрдамида шакллантирилади ва ривожлантирилади. Шакл ва мазмунни баб-баробар идрок қилиш аста-секин босқичма-босқич амалга оширилади. Ўқувчилар аввал шаклга эътибор бериладиган машқларни бажарадилар. Аста-секин мазмунга эътибор орттириб борилади, яъни ўқувчилар нутқ машқларини бажарадилар. Нутқни тинглаб тушуниш чегараланган вақтда амалга оширилади. Вақтнинг қисқалиги ва нутқни қабул қилишнинг қайтарилмаслиги нутқни идрок қилишни ва тушунишни қийинлаштиради, бу эса диққатни мушоҳада қилишни ва тушунишга асосланган хотиранинг фаол ишлашини талаб қилади. Тинглаб тушуниш механизмларининг энг муҳимларидан яна бири бўлган хотира икки турдан иборат: узоқ муддатли ва қисқа муддатли хотиралардир. Узоқ муддатли хотирада кишининг барча соҳага оид билимлари сақланади. Тинглаб тушуниш жараёнида фонема ва сўзларни билиб олиш ва маъносини тушуниш узоқ муддатли хотирага киради. Қисқа муддатли хотира тингловчининг аввалги тажрибасига бевосита боғлиқ бўлмайди. У бевосита суҳбат жараёнида суҳбатдошига бўлган эътиборсизлиги туфайли, унга ўзини тушунгандай қилиб кўрсатади-ю, лекин хаёли бошқа нарсаларда бўлганлиги боис ҳамда бирор-бир ахборотни ёки матнни тушунмасдан ёдлаб олиши сабабли қисқа муддатли хотира вужудга келиши мумкин. Агар ўқувчиларнинг она тили ва чет тилидаги қисқа муддатли хотираларининг ривожланиш даражаси қиёсланса, уларнинг чет тилидаги қисқа муддатли хотираси кам ривожланганлиги кузатилади. Қисқа муддатли хотиранинг чет тилида етарлича ривожланмаганлиги тинглаб тушуниш жараёнида жумлаларни ва матн мазмунини тушунмасликка олиб келади. Ўқувчиларнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли хотираси махсус машқлар ёрдамида ривожлантирилади. Тинглаб тушуниш жараёнида олдиндан фараз қилиш фаолияти ҳам жуда катта роль ўйнайди. Бунга қандай эришиш мумкин? Ўқитувчи ўз фанини

яхши билади ва ўқувчиларни ўз фанига қизиқтира олади. Дарснинг асосий мақсади ҳам мана шунда. Ўқувчи чет тилини ўрганишга киришар экан, уни янги фан сифатида қизиқиб эгаллай бошлайди. Ўрганилаётган ҳар қандай фан ўқувчига қувонч бағишласа, фанга бўлган қизиқиши янада ошади ва кутилган натижаларга эришилади. Чет тилидаги нутқни тушуниш жараёнида тингланган нутқ бирликларини, матнларни, формулаларни, жумлаларни танишдангина иборат эмас, балки тингловчи эшитган жумлаларини миясида қайта ишлаши ва ўзининг мустақил фикрига эга бўлиши керак. Н.И. Жинкиннинг фикрича, «бир тил бирлигини иккинчиси билан алмаштириш эквивалентли алмаштиришни ташкил қилади. Ўқувчиларда чет тилдаги нутқни тинглаб тушуниш жараёнида мушоҳада қилиш жараёни ҳам етарли даражада ривожланмаган. Ушбу механизмни ривожлантириш учун маълум машқларни бажариш мақсадга мувофиқдир» [34]. Масалан, тингланган материални қисқача баён қилиш, тингланган жумла ёки матнни қисқартириш, тингланган матннинг музмунини бир неча жумла билан ифодалаш ва бошқалар.

Тингловчининг ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар қуйидагилар: тингловчининг нутқни қандай тинглай олиши, хотираси, диққатни тингланаётган объектга тўплай олиши, олдиндан фараз қила олиши, мушоҳада қилиши, тингланаётган матн мазмунини тез англай олиши ва бошқалар.

Ўқитувчи тинглаб тушуниш жараёнини ташкил қилишда, албатта, юқоридаги назариялар ҳисобга олиши ва ўқувчилар билими ва ёшига мос бўлган аудиоматнлардан фойдаланиши зарур. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни тинглаб тушунишга тайёрлаш жараёнида юқоридаги хусусиятларни шакллантириш ва ривожлантиришга оид машқлар бажарилиши лозим.

Инглиз тилини ўрганишда қуйидаги қийинчиликларга дуч келинади. Нутқда энг кўп қўлланиладиган сўз туркумларига феъл ва предлоглар киради, бинобарин, предлог ва боғловчилар кўп маъноли бўлганлиги учун ҳам тинглаб тушунишда жиддий қийинчиликлар туғдиради. Лингвистик қийинчиликлар фонетика, лексика, грамматика ва стилистикага оид бўлиши мумкин. Таълимнинг дастлабки босқичидаги нутқни тушунишда энг асосий қийинчиликлар фонетик қийинчиликлар ҳисобланади. Ўқувчиларда тинглаш қобилиятининг шаклланмаганлиги товушларни нотўғри эшитишга, чет тили товушларини она тили товушлари билан ҳамда чет тили товушларини бири-бири билан чалкаштиришга олиб келади. Ўқувчилар урғунинг ўрнини алмаштириб қўядилар, жумлаларнинг оҳангини фарқлай олмайдилар. Лексик қийинчиликлар сўзларнинг маъносини тушуниш билан боғлиқдир [80]. Чет тилидаги нутқни тинглаб тушунишни қийинлаштирадиган сабаблардан бири ушбу тилдаги грамматик шаклга ўхшаш шаклнинг ўқувчилар она тилида мавжуд эмаслигидир. Тинглаб тушуниш жараёнининг натижаси тингловчининг матн мазмунини тушунганлиги ёки тушунмаганлиги ҳисобланади. Шу боис, таълим жараёнида тингловчининг тушуниш даражасини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу билан ўқитувчи

ўқувчилардаги тинглаб тушунишга оид кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини белгилаш имкониятига эга бўлади. Таълимнинг бошланғич босқичида тингловчи алоҳида сўзларни ва қийин бўлмаган жумлаларни фарқлайди. Сўзларни тушуниш ўқувчининг актив, пассив ва потенциал сўз бойлигига боғлиқ. Матннинг мазмунини тушуниш жумлалар ўртасидаги боғланишни, матннинг мантикий тузилишини, услуб ва жанрини аниқлаш билан боғлиқ. Методист олимлар тинглаб тушуниш жараёнининг куйидаги босқичлари мавжуд эканлигини таъкидлайдилар:

1. Юзаки тушуниш.
2. Умумий тушуниш.
3. Тўлиқ тушуниш.
4. Танқидий тушуниш.

Тушунишнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини аниқлашга оид машқлар 2-4 босқичларга хос бўлиши лозим. Ўқувчиларнинг матннинг мазмунини умумий тушунганлигини савол-жавоб асосида аниқлаш мумкин. Тингловчининг мазмунни тушунганлиги ёзма жавобли тестлар асосида аниқланади. Бундан ташқари саволларга жавоб бериш, матн мазмунини она тилида, чет тилида сўзлаб бериш ва матнга кенгайтирилган режа тузиш асосида ҳам матн мазмунини тушуниш тингловчининг матнга берган баҳоси, матн ҳақидаги мустақил фикри билан белгиланади.

IELTS имтиҳони учун тайёрланаётган ўқувчилар инглиз тилининг хусусиятларидан келиб чиқадиган айрим тил муаммоларига дуч келади. Имтиҳон учун, энг аввал, тинглаб тушуниш кўникмаси синовида тайёрланишади. Яъни, ўрганишнинг илк босқичида бўлган ўқувчилар айнан тинглаб тушуниш кўникмасига биринчилардан бўлиб учрайди.

Тинглаш қобилиятларини шакллантириш технологияси. Тинглаш дарсларида ишлаш учун тақдим этилган материаллар асосан реал бўлиши керак. Реал материаллар – бу лексик таркиб ва грамматик шаклларнинг табиийлиги, муайян вазиятларда қўлланилган тил воситаларининг етарлилиги билан ажралиб турадиган, сўзлардан ҳақиқий фойдаланиш ҳолатларини акс эттирувчи ва гарчи махсус таълим мақсадлари учун мўлжалланмаган бўлиши мумкин бўлган асл манбалардан олинган материаллар чет тилини ўргатишда фойдаланилади.

Мавжуд муаммоларни биртараф этиш юзасидан таклифлар: матнни тўғри танлаш; матнни тинглашдан олдин коммуникатив вазиятни яратиш; тингланган матн устидан назоратни ўз ичига олган турли хил вазифалар ва бундан ташқари, аудиохабарни қабул қилгандан кейин бошқа фаолият турига ўтиш; ўқувчининг ёш хусусиятларига инобатга олиш; ўқувчилар учун янги ва қизиқарли маълумотларни танлаш; аудиовизуал материалнинг аудитивлиги – ўрганилаётган тил ташувчилари (native speaker)лар томонидан эканлиги. Шунинг таъкидлаш керакки, табиий, замонавий чет тилини ўргатиш фақат она тилида сўзлашувчиларнинг ҳаётидан олинган ёки уларнинг маданияти ва менталитетининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган ва қўлланган нутқ меъёрларига мос равишда тайёрланган

материаллардан фойдаланиш шарти билан мумкин. Услубий мақсадлар учун яратилган табиий нутқ асари бўлган бундай ҳақиқий ва ўқув-ҳақиқий материаллардан фойдаланиш тинглашни янада самарали ўргатиш, чет тили дарсларида табиий нутқ муҳитига сингиб кетишга тақлид қилиш имконини беради. Ҳам тингловчилар, ҳам уларнинг ўқитувчилари учун тинглаш стратегиясини тушуниш ва ундан фойдалана олиш муҳимдир.

10–11-синф ўқувчиларининг ақлий ривожланиши содир бўладиган фаолиятнинг етакчи турлари бу ижтимоий фойдали, таълимий ва тарбиявий ҳамда касбий фаолиятдир. Бундай йўналиш учун етакчи фаолиятнинг манбаи бўлиб хизмат қиладиган эҳтиёжлар, қизиқишлар ва мотивларни билиш зарур. Маълумки, катта ёшдаги ўспиринлик когнитив қизиқишларнинг доминант йўналишини шакллантириш билан тавсифланади. Ушбу давр мобайнида маълум касбий ниятлар шаклланади, унга мувофиқ ўз-ўзини тарбиялаш элементлари пайдо бўлади; болоғат ёшидаги юқори синф ўқувчиларида инсоннинг ҳиссиётлари ва муносабатлари муаммолари тобора кўпроқ қизиқиш уйғонади; у мазмунли ҳаётни, ижодий ва ижтимоий фойдали фаолиятни орзу қилади, ўзини кўрсатишни ва эътирофга лойиқ бўлишни хоҳлайди. Биз кўриб чиқаётган ёш – бу телевизор, кино учун максимал иштиёқ даври ва каттароқ ўқувчиларнинг қизиқишлари катталар аудиториясининг талабларидан кам фарқ қилади. Мактаб ўқувчилари кўп вақтларини ўртоқлари билан ўтказиб, кўрган ва эшитганларини муҳокама қилишади, уларнинг тарбиясига оилада ёки дўстлар орасида қабул қилинган муносабат таъсир қилади. Шунини таъкидлаш керакки, мактабда ривожланган жамоалар билан бир қаторда (масалан, синф, тўғарак жамоаси ва бошқалар), мактаб ўқувчилари уларга кучли таъсир кўрсатадиган турли хил жамоаларга эга. Замонавий ўқув материалларида ўқувчиларга ўқитувчи талабларини тушунишга ёрдам берадиган ва шу билан бирга ўқувчилар манфаатлари учун рағбатлантирувчи мақсадларни белгилашнинг намуналари келтирилган.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ШАКЛ, ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИ

Бугунги тезкор ривожланаётган замонда чет тиллардан бирини мукаммал эгаллаш давр талабига айланди. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам чет тилларини ўргатиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз мактабларида ёшларимиз инглиз, немис, француз, испан, япон ва бошқа тилларни ўрганмоқдалар. Бугунги кунда чет тилни ўрганишда фақат мактаб дарсликлари билан чекланиб қолиш, тил ўрганиш жараёнини мураккаблаштириши кузатилади. Шу сабаб, чет тил дарсларида аудио ва видео воситаларидан фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади.

Маълумотларга қараганда боланинг она қорнида ривожланиши жуда тез ва мураккаб тараққиёт даврини босиб ўтади. Унинг ривожланиши она қорнидаги физиологик ҳаракатга ҳам боғлиқ. Боланинг она қорнидаёқ эшитиш аъзолари шаклланар, ташқи муҳитдан ахборот ола бошлар экан. Шунинг учун ташқи муҳит таъсирини ижобий бўлишини таъминлаш, боланинг соғлом туғилишига, дунёга келгач, у дунёни тўғри тасаввур қилиш, эшитиш асосида эса тўғри идрок этиш, англай бошлашига замин яратади. Бола туғилгандан сўнг бир неча кун ўтиши билан она овозини таний бошлайди (М.Шарифхўжаев, З.Давронов. Маънавият асослари (ўқув қўлланма). –Т.: Ўзбекистон, 2006. –146 б.). Эшитиш асосида секин-аста унда тил ривожлана бошлайди ва шу тариқа ўз она тилини ўрганади. Шу сабабдан ҳам тил ўрганишда аудио ва видео воситалар жуда муҳим омил ҳисобланади.

Мулоқот соҳаси деганда ижтимоий ўзаро муносабат амалга ошириладиган ижтимоий ҳаётнинг кенг қамрови тушунилади. Мазкур диссертацияда тил ўрганиш ва ундан фойдаланиш нуқтаи назаридан таълимий, касбий, ижтимоий ва шахсий соҳалар тушунилади. Стратегия – инсон ўз олдига қўядиган, ёки у ҳал этиши зарур бўлган вазифаларни ечимини топишга йўналтирилган ҳаракатлар тизими.

Маълумки, хорижий тил таълимида ўқувчи-ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантиришда тинглаб тушуниш ва сўзлаш малакалари етакчи ўринда туради. Чет тилларини ўрганиш, аввало, ўрганилаётган тилни тинглаш ва тушунишга ҳаракат қилишдан бошланади. Коммуникация жараёнида, одатда, коммуникантлардан бири гапиради, иккинчиси эса тинглайди. Демак, гапириш ва тинглаб тушуниш жараёнлари бир бирини тақозо қилади, тўлдиради, мустаҳкамлайди ва ҳатто бир-бирини назорат қилиб туриш вазифасини ҳам бажаради. Тинглаш жараёнида нутқни тушуниш тингловчига ўз билими даражасини аниқлаб олиш имкониятини ҳам беради. Айни пайтда гапириш жараёни ҳам ҳамкорнинг тинглаб тушуниши ва «муносабат билдиришига асосланади. Демак, чет тилини ўрганишда оғзаки нутқ малакасига эга бўлиш тинглаб тушуниш ва сўзлаш

кўникмаларини узвий боғлиқ тарзда ўрганишни талаб этади. Бу кўпчилик олимлар, методистлар, педагоглар томонидан тан олинган бўлиб, уларнинг тадқиқотларида чет тилларини ўзлаштиришда, хусусан, тилни соф ҳолда, аслиятида тинглаб тушунишдан бошланиши қайд этилади. Таълим жараёнида ўқувчилар ўзлари ўрганаётган тилни ўз соҳибларидан эмас, балки ўқитувчилар нутқи асосида ўрганадилар. Бу тилни соф амалий ҳолатида ўзлаштириш имкониятини бирмунча чеклаб қўяди, чет тили товушлари талаффузи, нутқ темпи ва интонацияси турли акцентлар билан ўзлаштирилишига олиб келади. Одатда, чет мамлакатларида бир муддат яшаган ёки тез-тез бориб турадиган ёхуд чет элликлар билан бевосита мулоқот қилиб турадиган ўқувчи-ўқувчиларгина чет тилида соф ҳолатида ва эркин сўзлаша оладилар. Тилларни ўрганишда аудиовизуал воситаларини қўллаш айнан шу бўшлиқни тўлдиришга ёрдам беради. Мултимедиа усули, тизимли инглиз тилини ўргатишда ўқувчиларга берадиган ёрдамни баҳолаш қийин эмас. Мултимедиа бир вақтнинг ўзида экранда ва компьютер диктафонидан қуйидагиларни тақдим этади: а) графика – объектнинг ўзини тасвири; б) матн – ўрганилаётган тилда ва унинг она тилидаги таржимаси; в) товуш – матннинг инглиз тилидаги талаффузи; д) қайта жойлаштириш – «сичқонча» ёрдамида объект билан ҳар хил операциялар бажариш имконияти; е) анимация – объектнинг ҳаракати жараёнида кузатиш имконияти. Юқорида барча қайд қилинганларни ўқувчининг ўзи мултимедиа дars ўтказишнинг иштирокчиси – ижрочиси бўлган ҳолда ўтказиши мумкин.

Тинглаб тушунишни бир неча анъанавий усуллар билан ҳам ўргатиш мумкин. Ушбу усулларнинг баъзилари Ж. Ричардс (2008) томонидан умумлаштирилган: «инглиз тили ўқитувчиси парча, асар ёки шеър каби адабиёт намунасини оғзаки равишда табиий тарзда ўқий олади. Диалогни ўқиш имкон қадар меъёрий, табиий, жонли ва мазмунли бўлиши керак. Бу ўқувчига табиий тил товушларини ўзлаштиришга ёрдам беради. Аста-секин ўқувчилар пауза, урғу, оҳанг, ритм ва оҳангнинг хусусиятлари ва товушлари билан танишадилар [71]».

Инглиз тили ўқитувчиси ўз ўқувчиларига турли хил, қизиқарли ва ўз-ўзидан тинглаб тушуниш воситаларини тақдим этиш учун ўзи ёки бошқа биров билан содир бўлган ёқимли ва қулгили воқеа ҳақида қисқача ҳикоя қилиши мумкин. Оғзаки материалларни бошлашдаги бундай ўзгачалик ўқувчиларнинг тинглаш қобилиятини оширади. У тайинланган материал билан чекланиб қолмаслигига ишонч ҳосил қилиши ва турли хил тинглаб тушуниш воситаларини қўллаш асосида тинглашдан зерикишни камайтиришга ҳаракат қилиши керак; муаллим ўқувчиларига товушларни фарқлаш қобилиятини ошириш учун минимал жуфтликларда кўплаб машқларни тақдим этиши мумкин. Минимал жуфтликда, яъни минимал контрастли машқда ўқитувчи ўқувчиларга битта ўзига хос товушдан ташқари (яъни, битта фонема) тилда бир хил талаффуз қилинадиган иккита сўз тақдим этади. Бу фонемадаги фарқ ўзгаришларга сабаб бўлади; ўқувчиларнинг

узлуксиз таълим босқичларида ҳар қандай чет тили (инглиз, немис, француз) ни ўқитиш ва ўрганишда тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятини интеграциялашган ҳолда татбиқ қилиш лозим. Бу ўринда, чет тилни ўргатишдаги маданият, асосан, маълум бир миллат, элат, халқлар ҳамда миллий қадриятлар цивилизациясидаги фаолиятга асосланади. Инглиз тилини умумтаълим мактабларида ўқитиш, асосан, чет тилни ўқитиш мақсади ҳамда белгиланган таълим мазмунидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бу жараёнда ўрганиладиган лингвистик, лексик, грамматик, талаффуздаги бирликларда ўқувчининг эътиборини нуткий жараёнга қаратиш лозим;

ўқув материалларини (машқлар ва технологиялар) саралашда узвийлик принципларига риоя қилиш керак. Демак, нуткий ва тил компетенциясини ривожлантиришга оид лексик, грамматик ҳодисаларга ҳам қўшимча машқлар ва технологиялар киритиб борилади.

Чет тилининг аудиовизуал технологиясини дарс жараёнида қўллаш, видеомаълумотлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш учун педагогик алгоритмдан фойдаланиш таклиф қилинди. Алгоритмлаш ўқитувчи учун алгоритмларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини ифодалайди. Педагогикадаги алгоритм кўрилаётган объектга олиб борадиган таълим операциялари кетма-кетлигини ифодалайди. Чет тили бўйича ўқув жараёнини алгоритмлаш, айниқса, ўқув қўлланмаларидан фойдаланишда катта аҳамиятга эга. Шуни таъкидлаш керакки, чет тилини ўқитиш учун ўқув қўлланмаларини қўллаш ўқитиш техникасида яхши ривожланган муаммодир. Шунга қарамай, янги ўқув қўлланмаларининг (видео, компьютерлар) пайдо бўлиши улардан самарали фойдаланиш ва яхши натижаларга эришиш имконини берадиган махсус ишлаш техникасини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ўқув жараёнида видеоматериаллардан фойдаланилганда уларни намоиш қилиш маълум тарбиявий мақсадларга бўйсундирилиши ва шунинг учун уни ўзига хос тарзда ташкил этиши керак. Таълим жараёнида

видеофильмлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги қуйидаги фактлар билан таъминланади: турли манбалардан ёзиб олинган видеомаълумотларнинг мавжудлиги; видеоускуна ва видео тайёрлашдан фойдаланиш бўйича муайян тажрибанинг мавжудлиги; таълим берувчининг янада фаол ижодий фаолияти имконияти. Видеоматериаллар ёрдамида чет тилини ўқитиш алгоритмларини ташкил этишда билимларни ўзлаштириш жараёни схема кўринишида фойдаланилган (2.1-расм).



2.1-расм. Видеоматериаллар ёрдамида чет тилни ўрганишда билимларни ўзлаштириш жараёни схемаси

Маълумки, таълим жараёнига замонавий инновацион технологияларни олиб кириш асосида таълим сифати ва самарадорлигини оширишни назарда тутлади. Хусусан, инглиз тилини ўрганиш/ўргатишда бундай ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг бир қанча афзалликлари мавжуддир. Чет тил дарсларида видео материаллардан самарали фойдаланишнинг қуйидаги жиҳатларига аҳамият қаратилди:

Психологик жиҳати: танланган видеороликлар ўқувчиларнинг қизиқиши, тасаввури ва ижодкорлигини ошириши; ҳиссий зўриқиш (стресс)ни олдини олиши, ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиши.


Ижтимоий-маданий жиҳати: (1) аудиовизуал материалларни танлаш, таснифлаш ва тақдим этишда маданиятлараро мулоқот жараёнида вужудга келадиган турли тушунмовчилик ва низоларни олдини олиш мақсадида уларда тили ўрганилаётган мамлакатнинг тили ва маданиятига оид маълумотларнинг акс этишига эътибор бериш; (3) тили ўрганилаётган мамлакат ва миллий маданиятларни солиштириш имконининг мавжудлиги; (4) провард натижада ўқувчилар миллий маданиятлари ва тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ўртасидаги универсал (умумий) ва фарқли томонларини ҳис қилиши.

Лингвистик жиҳати: (1) тақдим этилган аудиовизуал материаллар ўқувчиларга ҳақиқий нутқни эшитиш ва унинг намуналарига тақлид қилиш имкониятини яратади; (3) нутқ фаолиятининг асосий турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)га оид кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга хизмат қилади; (4) табиий мулоқот жараёнида вазиятга

мос лексик бирликлардан грамматик жихатдан тўғри фойдалана олиш имконини беради.


Паралингвистик жихати: (1) аудиовизуал материаллардаги нутқ парчасида тили ўрганилаётган мамлакат вакилининг руҳиятидаги ўзгаришлар акс этиши — уларнинг нутқида паралингвистик воситалар (эмоционал ҳолатлар: мимика, имо-ишоралар, суҳбатдошлар орасидаги масофа, кийим-кечак ва б.)нинг ўзига хос намоён бўлиши, уларнинг нутқига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларнинг ифода этилиши ўқувчиларда вербал ва новербал мулоқот кўникма ва малакаларни ривожлантириш имконини беради; (2) нутқий мулоқотда коммуникант-ларнинг юз ифодаларидаги (жаҳл, ғазаб; хафалик, тушкунлик; кўрқув, хавотир; ҳайрат; жирканиш, менсимаслик, кибр; уялиш; хурсандчилик, мамнуният; стресс (агрессия) ҳолатининг новербал кўринишларини кузатишлари мумкин.

Педагогик аудиовизуал материаллардан фойдаланишда таълим жараёни ўқувчиларни кўпроқ эркинликка, масъулиятлиликка, интерактивликка ва ижодий фикрлашга ундайди. Ахборотни идрок этиш ва қайта ишлаш психологик қулайлик ҳолатини ҳосил қилади, коммуникатив компетенциясини ривожлантиради, ўқувчида когнитив хусусиятни ривожлантиради ва дунёқарашини бойитади, Олинган маълумотлар асосида чет тили маданияти социалингвистик компетенциясини шакллантиради, Бу жараёнда ўқувчиларнинг тилни ўрганишга ички мотивациянинг кучлилиги, ўрганилаётган манбага нисбатан бутун эътиборнинг ва қизиқишнинг юқорилиги каби хусусиятлар билан изоҳланади.



2.2-расм. Чет тилни ўқитишда аудиовизуал технологияларни амалга оширишда видеоахборот билан ишлаш босқичларининг умумий схемаси.

Назарий жараёнлар ва ўқув жараёнида видеоматериаллардан фойдаланишнинг амалий тажрибаси таҳлили асосида 2.3-расмда келтирилган босқичлар бўйича чет тилини ўргатишда видеоматериаллардан фойдаланишнинг педагогик алгоритми ишлаб чиқилган.



2.3-расм. Аудиовизуал технологияларга асосланган таълим жараёнининг асосий босқичлари.

Чет тил ўқитиш методикасида коммуникатив компетенция нутқ фаолияти турларини ўрганилаётган тилда коммуникатив мақсад сифатида ўрганиш назарда тутилади. Биз ўнинчи ва ўн биринчи синфлар учун 2017 йилда нашр этилган «ENGLISH» дарслигини ўргандик. Бу ўқув тўпламининг бир қисми бўлиб, ўқувчилар китоби, ўқитувчи китоби ва компакт дискдан иборат. Дарслик ўқувчиларнинг тинглаш, ўқиш, гапириш ва ёзиш каби нутқий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Грамматика интеграллашган усулда ўрганилади. Юқори синф ўқувчилари учун инглиз тилидаги ўқув дастури ва дарсликларини қўйилган муаммо нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, аудиовизуал мериаллар ва машқлар тизими қўшимча тарзда киритилиши зарур деган хулосага келдик.

Видеони ўқув мақсадларида кўриш жараёнида ўқитиш технологияси алгоритмларининг баъзи вариантлари мавжуд (2.4-расм). Ушбу алгоритм ўқитишнинг тўлиқ технологиясини кўрсатади, шу жумладан, фактларни аниқлаш ва таълим бериш методикасида қўйилган мақсадга воситаларни қўллаш асосида эришилади. Таълимнинг асосий воситаси – машқ, уларнинг бажарилиши таълим мақсадига эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Машқ атамага методик адабиётларда қуйидагича таърифлар берилади: чет тилда бажариладиган ўқув амали; таркиби талаб ҳамда материал қисмларидан иборат ўқув бирлиги; муайян тарзда ташкил этиладиган ва қайта-қайта бажариладиган, тил ҳодисаларига оид билимларни эгаллаш, лексик, грамматик, талаффуз кўникмаларини шакллантириш, уни эгаллаб олишга ҳамда бажариш усуллари тақомиллаштиришга йўналтирилган ақлий ҳаракат; мазкур бирликларни нутқ вазиятида тўғри қўллаш амали [13:45-46-б.]; компетенциялар ривожланадиган «муҳит» ёки «экосистема»; компетенциялар эгалланишини таъминлаш воситаси.

Машқнинг қисқача таъриф-таснифидан сўнг чет тил методистлари орасида мунозараларга сабаб бўлаётган «машқлар системаси» атамасини кўриб чиқамиз.

Баъзи методист олимлар фикрига кўра «машқ таълим оловчиларга механик жараён сифатида эмас, аксинча, муаммоли вазият сифатида тақдим этилиши лозим» (А.А. Леонтьев). Машқлар тизимли равишда осондан қийинга, оддийдан мураккабга, билимдан малакани шакллантирувчи вазиятда тақдим этилса, ўқув фани олдига қўйилган мақсадга эришиш мумкин. Сабаби, бугунги кун талаби ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини реал вазиятда қўллай олиши керак. А.М.Жарова замонавий дарслик мажмуаларидаги машқлар рационанинг бошланғич синфларда ўқув-билиш фаоллигини оширишдаги салоҳиятига эътибор қаратган.

Билдирилган ва санаб ўтилган видеоматериаллар билан ишлашнинг барча босқичларини ва йўналишларини, кўриб чиқиш турларини, турли хил ўқув мақсадларини, чет тили фанининг ўзига хослигини ҳисобга олсак, бир қатор босқичлар кетма-кетлигини таклиф қилишимиз мумкин. Уларни видеоматериаллар билан ишлаш алгоритмлари сифатида тақдим этиш ва уларни чет тилни ўқитишда фойдаланишни таклиф қиламиз. Тасвирий кўриш ҳар қандай тил материали учун аниқ расмларни олишга қаратилган, чунончи, грамматик ҳодисалар, талаффуз қобилиятлари, ижтимоий ва маданий ҳодисалар. Ўқувчилар томонидан ўрганилаётган грамматик ҳодисани ушбу грамматик ҳодиса намоён бўлган видеоматериал қатъиямларидан бирининг нутқидан тегишли парча билан тасвирлаш ҳамда она тилида сўзлашувчиларнинг оғзаки бўлмаган суҳбатлари, турли имо-ишоралари ва белгиларини ҳам видеоматериал асосида тасвирлаш мумкин. Тасвирий кўриш жараёнида ўқитиш технологиясининг баъзи алгоритмлари мавжуд бўлади ва улар олдиндан кўриб чиқиш ишларида фарқланади. 2.4 а-расмда тасвирий кўриш алгоритми кўрсатилган.

2.4-расмда келтирилган блок-схемаларни кўриб чиқамиз. Алгоритм 4 та блокдан иборат. Масалан, ўқувчиларга кўриш жараёнида маълум бир ҳодисани мустақил равишда тузатиш, сўнгра уни муҳокама қилишга ўтиш таклиф этилади. Шаҳарда сайр пайтида қандай диққатга сазовор жойлар кўрсатилганлигини кузатиш. Фактларни аниқлаш жараёнини амалга оширишда ўқувчиларнинг эътиборини кераксиз фактларга қаратмасдан, видеодаги асосий маълумотларга жалб қилиш лозим бўлади. Ўқувчилар олдида турган асосий таълим муаммоси томоша қилиш натижасида муҳим маълумотлар ва муаммоларни аниқлашдан иборат. Ахборотни қайта ишлаш изчил ва ихтиёрий равишда амалга оширилади ва бу мураккаб тасвирларни яратишга олиб келади.

Видеоматериалларни ўқув мақсадларида тақдим этишни ўрганиш барча видеоматериалларни иложи борица тўлиқ ва аниқ тушунишни ва уни танқидий қайта ишлашни ва таҳлил қилишни таъминлайди. Видеониресурсларни ўқув мақсадларида кўриш жараёнида ўқитиш технологияси алгоритмларининг баъзи вариантлари мавжуд. Келинг, 2.4-

расмда келтирилганлардан бирини кўриб чиқайлик. Ушбу алгоритм ўқитишнинг тўлиқ технологиясини кўрсатади, шу жумладан, фактларни аниқлаш ва доимий равишда видеони ўқув мақсадларида кўришни ўрганиш. Алгоритм 11 блокти бирлаштирувчи тўрт босқичдан иборат. Ҳар бир босқич маълум таълим мақсадларига эга ва назорат блоги билан якунланади. Назорат натижалари кейинги босқичга ўтиш ёки олдингисига қайтиш имкониятини белгилайди.

а) видеомаълумотларга асосланган чет тилини ўргатиш жараёнининг алгоритми (иллюстратив кўриш);

б) видеомаълумотларга асосланган чет тилини ўқитиш жараёнининг алгоритми (фактларни топиш учун кўриш);

с) видеомаълумотларга асосланган чет тилини ўқитиш жараёни алгоритми (видеони ўқув мақсадларида кўришни ўрганиш);

д) видеомаълумотларга асосланган чет тилини ўқитиш жараёни алгоритми (танқидий кўриш);

е) видеомаълумотларга асосланган чет тилини ўқитиш жараёнининг алгоритми (қидирувли кўриш).

Биринчи босқич лексик ва грамматик материални киритиш билан бошланади. Кейин машқлар асосида лексик ва грамматик материални ўргатиш амалга оширилади. Иш ўқитувчи томонидан тайёрланган махсус видеоқўлланма ва дидактик материаллардан фойдаланган ҳолда ташкил этилади. Биринчи босқич бошқарув блоги билан тугайди. Бу кейинги босқичга ўтиш мумкинлигини аниқлаш имконини беради. Тил малакаси даражасини аниқлаш учун биринчи босқичда тестлар усули қўлланилади. Ўқитувчи ўқувчилар томонидан йўл қўйилган хатолар таҳлилини амалга оширади ва таълим берувчи томонидан таклиф қилинган қўшимча машқлар асосида «лексик-грамматик материални ўргатиш» блогига қайтади. Тил компетенциясининг етарли даражаси 3 блокдан иборат кейинги босқичга ўтиш имконини беради.

Иккинчи босқичнинг мақсади видеони ўқув мақсадларида кўришни ўрганишга кейинги ўтиш учун видеомаълумотларнинг асосий мазмунини тушунишдир. Иккинчи босқич видеомаълумотларнинг асосий мазмунини тушунишни аниқлаш учун олдиндан кўриб чиқиш вазифаларини шакллантиришдан бошланади. Ўқувчиларда коммуникатив муаммони шакллантиришда «кўришдан мақсад нима?» деган саволни қўйиш лозим бўлади.

Кейинги блокка ўтамиз – «Видеомаълумотларнинг тақдимотлари», яъни «тугатиш блоги».

Иккинчи босқич, шунингдек, бошида тузилган вазифаларни олдиндан кўриб чиқишга асосланган назорат блогидир. Иккинчи босқичда назорат объект учун видеомаълумотларнинг умумий ғоясини тушуниш даражасига эга. Дастлаб ўқувчилар видеони кўришдан олдин ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб беришади. Кейин эса турли вазифалардан фойдаланиши мумкин.

Агар назорат тушуниш даражасини етарли даражадан паст деб кўрсатса, вазифаларни, машқларни кўриб чиқиш блогига қайтиш ва кейин видеомаълумотни қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Агар назорат видеомаълумотларнинг умумий маъносини етарли даражада идрок этиш ва тушуниш даражасини кўрсатса, ишнинг кейинги босқичига ўтилади.

Учинчи босқичнинг мақсади — коммуникатив компетенцияни янада такомиллаштириш мақсадида асосий вазиятларни шакллантиришдир. Видеомаълумотларнинг асосий мазмуни ситуацион асосга, сюжет хусусиятларига, қаҳрамонлар характери ва бошқаларга асосланиши керак. Учинчи босқичда «Видеони ўқув мақсадларида кўришни ўрганиш бўйича вазифалар» блоги бошланади. Вазифалар ўқувчиларнинг видеомаълумотни батафсил идрок этишга қаратилган бўлиши керак. Вазифаларни шакллантиришдан сўнг видеомаълумотларни кўриб чиқиш блоги амалга оширилади. Ушбу босқич бошқарув блоги билан тугайди. Ушбу босқичдаги назорат мақсади коммуникатив компетенциянинг кейинги шаклланиши учун вазият асослари даражасини текширишдир. Учинчи босқич охиридаги назорат ўқувчиларнинг видеомаълумотни сақлаш бўйича ҳақиқий батафсил

маълумотлар ҳақидаги билимларини аниқлаш имконини беради. Бу жуда муҳим, чунки ушбу билим кейинги босқичда алоқа асосига айланади. Агар вазият асоси етарли бўлмаса, «Видеомаълумотларни ўқув мақсадларида кўришни ўрганиш бўйича вазифалар» блогига ва кейинроқ кўришга қайтиш керак. Вазиятли асослар етарли бўлса, тўртинчи босқичга ўтилади.

Тўртинчи босқичнинг мақсади — коммуникатив компетенцияни шакллантириш. Ушбу босқич ўқувчиларнинг самарали нутқини ривожлантиришга қаратилган. Коммуникатив компетенцияни шакллантириш учун турли хил вазифалар ва машқлар таклиф этилади. Улар таълим олувчиларда маълумотни шарҳлаш, таҳлил қилиш ва уни такрорлаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган. Ушбу босқич видеомаълумотларда кўрсатилган муаммоларни шарҳлаш, муҳокама қилиш, шарҳлаш, новербал муаммоларга асосланган. Бу машқлар орасида энг кизиқарлилари: интервью, мунозара, давра суҳбатлари, ролли ўйинлар, драматизация, видеомаълумотда (муҳокама ташкил этиш учун) кўрсатилган муаммо бўйича ўқувчиларнинг ўз муаммоли саволларини баён қилиш, хулосалари ва бошқалар киради. Мазкур босқичда таклид қилувчи моделлаштириш қўлланилади, бу эса имкон қадар реаликка яқин турли вазиятларни яратишга имкон беради. Тўртинчи босқич коммуникатив компетенцияни назорат қилиш билан якунланади. Назорат синов усуллари ва анъанавий усуллар билан амалга оширилади. Назорат натижалари коммуникатив компетенция даражасини аниқлаш имконини беради. Агар якуний тест натижалари етарли бўлмаса, вазифаларга қайтиш керак бўлади. Коммуникатив компетенциянинг даражаси педагогик алгоритмнинг тугаши ва ўрганилаётган материални фаоллаштириш босқичининг бошланишини англатади. Алгоритм ишининг барча босқичларида мавжуд касбий ва шахсий тажрибани тушуниш, баҳолаш, тузатиш имконини берувчи турли хил рефлекс турлари қўлланилади.

Аудиовизуал технологияни амалга ошириш алгоритмининг яна бир варианты мавжуд. Ушбу вариантда видеомаълумот ва тушуниш назорати тақдим этилгандан сўнг, фактларни кўрмасдан коммуникатив компетенцияни ривожлантириш учун машқлар блоги мавжуд. Алгоритмнинг учинчи варианты киритилган лексик ва грамматик материални ўргатмасдан ҳам қўлланилади. Лексик ва грамматик материал киритилиши лозим, лекин уни ўргатиш ва ўзлаштириш назорати амалга оширилмайди. Видеомаълумотни умумий маънода идрок этиш учун кўриб чиқиш вазифалари тузилади.

Видеони ўқув мақсадларида кўришни ўрганиш алгоритмининг тўртинчи варианты мавжуд. У лексик, грамматик ва маданий материални олдиндан таништирмасдан ва ўргатмасдан ўқув мақсадларида кўришни ўрганиш бўйича операциялар кетма-кетлигини тақдим этади. Ўқитиш технологиясини амалга оширишнинг қуйидаги вариантыда лексик ва грамматик материалларни киритиш блоги бўлмаслиги мумкин.

Бундай турдаги видеомаълумотларни кўриш жараёнида кейинги муҳокамани ташкил қилиш учун вазият асосий ролни ўйнайди. 2.4 d-расмда

келтирилган қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлиги таклиф этилади. Танқидий идрок қилиш учун вазифалар шакллантирилади, сўнгра танқидий кўриш амалга оширилади. Ундан кейин назоратни тушуниш муаммолари келади. Шундай қилиб, қуйидаги муҳокама қилиш учун асосли вазиятга эга бўлинади.

Қидирувли кўриш видеоматериалдаги муайян маълумотларни (фактлар, хусусиятлар, рақамли кўрсаткичлар, кўрсатмалар, саналар, тегишли номлар ва бошқалар) тезда топишга қаратилган. Видеоматериал керакли маълумотларни ўз ичига олганлиги ҳақида ўқувчиларга хабар қилиниши керак. Қидирувни кўриш маданий ёки махсус профессионал характердаги видеоматериаллар билан ишлашга қаратилган. Бундай кўриш баъзи махсус маълумотларни қидиришга қаратилган. Юқорида айтиб ўтилганидек, қидирувни томоша қилиш 2.2-жадвалда кўрсатилганидек, иллюстратив томоша қилишнинг версиясидир. Бизнингча, юқоридаги олимларнинг берган машқлар тизимига асосланган ҳолда тадқиқот ишимиз доирасида ўзимизнинг тизимимизни тақдим этишни лозим топдик.

2.2-жадвал

Метакогнитив стратегияларга асосланган тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш тизими

Боскичлар	Машқ ва топшириқлар	Интерфаол технологиялар
Exploration (кўриб чиқишдан олдин)	Аудиовизуал материалнинг мавзуси билан танишиш; танланган аудиовизуал материалга доир қисқа савол-жавоб; янги сўз ва ибораларни аниқлаш; сўзларни ва сўз бирикмаларини тематик гуруҳларга бирлаштириш (mind mapping)	Блиц-сўров, Ақлий ҳужум
Информатив машқлар (эшитув идроки)		
Elaboration (матнни тинглаш; агар зарурат бўлса, такрорий тингалаш ёки кўриш)	Ҳаракат ва имо-ишоралардан фойдаланиб фикрни тушунарли ифодалаш (comprehensible input); кузатиш ва таҳлил жараёни	Видео-топишмоқ стратегияси
Репродуктив машқлар (сўзларнинг товуш томонини фонематик фарқлаш ва моҳиятини англаш орқасида нутқдаги мазмун идрок этилади)		
Conformation-reflection (тинглашдан кейин)	Муҳокама жараёни, баҳс-мунозара, савол-жавоб, ҳамкорликда ишлаш;	Мунозара, дебат, суҳбат

Продуктив машқлар ва методлар (билиб олинади ва ниҳоят тушунилади)	ўйинлар асосида реал коммуникатив вазиятни яратиш; мавзу юзасидан <i>true/false, matching, discussion, short answer questions, multiple choice, gap filling, completing tables</i> каби топшириқлар ёрдамида мавзу такмиллаштирилади.	
--	--	--

Машқлар типологияси бўйича олиб борилган тадқиқотимиз натижаси шуни кўрсатдики, берилган машқлар тури ўқувчиларнинг лингвистик компетенцияларини оширишга қаратилган. Тадқиқот ишимизнинг мақсади инглиз тилини ўқитишда тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантиришнинг хусусиятларини аниқлаштиришдан иборат бўлганлиги сабабли, юқори синф ўқувчилари учун инглиз тили фанидан методик ва дидактик таъминот яратилди. Таълимнинг мақсади юқори синф ўқувчиларида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш ҳисобланади. Шу сабабли юқори синф ўқувчилари учун бериладиган машқ ва вазифаларнинг мақсади чет тилини ўқитишда таълим жараёнини ташкил этиш ва уни назорат қилишни амалиётда ўргатиш, яъни тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантиришдан иборат.

Намойишдан олдинги босқичда аввал тинглаб тушунишга тайёрловчи – информатив топшириқлар берилиб, ўқувчилар аудиовизуал материалнинг мавзуси билан танишадилар, ўқитувчи томонидан аввалдан танланган аудиовизуал материалга доир қисқа савол-жавоб (Блиц-сўров) ўтказилади, мавзу доирасида янги сўзлар ва ибораларни аниқланади ва уларни доскада таҳлил қилинади, Ушбу топшириқлар оркали ўқувчилар кейинги босқич - намойиш жараёнига тайёрланади, яъни намойиш жараёни оддий томоша қилишдангина иборат бўлиб қолмаслиги, намойиш вақтида ўқувчилар социолингвистик кузатиш ва ижтимоий-маданий таҳлил қилиш каби ўйлашга жалб қилувчи репродуктив топшириқларни бажаришларига, кўрган ва эшитганларини амалий қўллаш бўйича реал коммуникатив вазиятни яратишларига замин тайёрланади. Намойишдан кейинги босқичда эса муҳокама жараёни баҳс-мунозара жараёни бўлиб, савол-жавоб, ҳамкорликда ишлаш: академик мунозара, дебат, суҳбат стратегиялари қўллаш тавсия этилади. Қўшимча тарзда мавзу юзасидан *true/false, matching words, discussion, sharing ideas* каби топшириқлар ёрдамида машқларни бажаришлари тавсия этилади.

Тил ўргатишда қайси техник воситадан фойдаланилмасин, уларнинг барчаси ҳақида ўқитувчи билиши, уларни ишлата олиши, ўқувчи-ўқувчиларга ўргатиши талаб этилади. Шунингдек, бу воситалардан фойдаланганда дарс ўтиш учун қандай тайёргарлик кўришни ва материал тайёрлашни билиши зарур. Демак, аудиовизуал воситаларини жорий қилиш, инглиз тилини ўқитиш услубларини давр талабига жавоб беришини

таъминлаш педагог-олимлар ва методистларнинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан биридир.

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШ (LISTENING) АСОСИДА РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Юқори синф ўқувчиларида инглиз тилидаги тинглаб тушуниш компетенциясининг дидактик омиллари хақида сўз юритганда, энг аввало дидактик воситаларнинг функцияси, тинглаб – англашга қаратилган воситаларнинг таснифи (визуал, аудиолингвал, аудиовизуал) ва улардан мақсадга кўра фойдаланиш методикасини билиш талаб этилади. Дидактик омилларнинг таълимдаги ижобий роли рад этиб булмайдиган аксиомадир, чунки улар билим олиш ва нутқ фаолиятига мос кўникма ва малакалар ҳосил қилиш манбаи ҳисобланади. Уларнинг асосий функцияси ахборот бериш, ўқитиш ва назорат қилишдир.

Нутқ фаолият турларининг икки мақоми мавжуд: чет тил ўқитишнинг амалий мақсад мақоми ва чет тил ўқитиш воситаси мақоми. Тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари асосида ривожлантириш – ўқитиш воситаси мақоми ҳисобланади. Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш компетенциясини шакллантиришда ёрдам берувчи дидактик воситалар укув мақсадидан келиб чикиб, яъни тинглаш ва тинглаб тушунишни ривожлантириш мақсадларига дифференциал ёндашган ҳолда танлаб олиниши лозим. Агар тинглаб тушунишга ўргатувчи воситаларни бир комплекс ҳолда оладиган бўлсак, унинг биринчи қисмини тинглашга

ўргатувчи дидактик воситалар, иккинчи кисмини эса тинглаб тушунишга ургатувчи воситалар ташкил қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, методик адабиётларда восита атамасига нисбатан турлича талкинлар билдирилган. Масалан, И.Я.Лернер таълим мазмунини ҳам восита деб билади. М.В.Ляховицкий, Р.К.Миньяр – ўқитиш воситаларига турли кўргазмаларни қуроллар билан бир каторда матн, машқлар ва ўқитувчининг сўзларини ҳам киритишади. Улар чет тил ўқитиш воситаларини таснифлаш фикрини олға суриб, уларни техник ва нотехник воситаларга ажратишади ҳамда ушбу воситаларни чет тил ўқитишнинг ёрдамчи воситалари сифатида талкин қилишади.

Ўқув воситаларини уларнинг функциясидан келиб чиқиб, кўрув (визуал), эшитув (аудиал), кўрув-эшитув (аудио визуал) воситаларга ажратиш мумкин.

Кўрув воситаларини нотехник ва техник воситаларга бўлиш мумкин. Нотехник қўрув воситалари расмлар, таркатма материалларни ўз ичига олади, кўрув (визуал) техник воситалар эса ўқув жараёнида қўлланиладиган ва тегишли нутқий қўникмаларни шакллантиришга қаратилган асбоб-ускуналарни ўз ичига олади.

Эшитув ўқув воситалари асосан, чет тил ўргатишда талаффуз қўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Ўрганилиши керак бўлган ўқув материалларини табиий нутқий жараёнда эшитиб идрок қилиши нутқий қўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнининг самарадорлигини оширишга ҳам ижобий таъсир қилади.

Қўрув-эшитув воситалари (аудио визуал воситалар) ўқув жараёнида берилаётган ахборотни айти пайтда қўриб, эшитиб идрок қилишга ёрдам берувчи техник воситалардир. Бундай воситаларга компьютер дастурлари, ўқув фильмлари, мультимедиа каби дидактик воситалар қиради. Улар тил ўрганувчиларнинг ўқитувчи томонидан берилаётган топшириқларини бажаришга бўлган қизиқиш ва истак-ҳохишларини кучайтириб, уларнинг таълим жараёнидаги фаоллашувига олиб келади.

Бугунги кунда таълимда кенг қўлланилаётган замонавий рақамли таълим технологиялари ранг-баранг бўлиб, улар нутқий вазиятлар ҳосил қилиш, кўргазмалардан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнида қайта алоқани шакллантириш, ўқиб-ўрганиш учун қулай шароит ҳосил қилиш ва ҳаққоний назоратни амалга оширишга катта ёрдам бермоқда. Шунингдек, ўқувчилар хотирасининг ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ва мустақил таълим учун қулай шароитлар ҳосил қилишга ҳам яхши имкониятлар яратмоқда.

Таъриба-синов ишлари илмий-педагогик тадқиқотнинг ажралмас қисми бўлиб, изланишлар натижаларининг ҳаққонийлиги, амалий аҳамияти ҳамда таъбиқийлигини тасдиқлашнинг бош мезони ҳисобланади. Таъриба-синов ишининг мақсади олинган натижаларга кўра таълим ва тарбия жараёнининг аниқ муаммолари ечимига оид педагогик ва методик тавсиялар, педагогик инновациялар, таълим сифатини оширишга оид илмий асосланган

таклифлар ишлаб чиқишдир. Бизнинг тажриба-синов ишимиз диссертациянинг бошида илгари сурилган ғояни реал шароитда синовдан ўтказиб, олиб бораётган ишимизда самарали таъсир этувчи омиллар асосида янги ва ижобий натижага эришишга қаратилган. Педагогик тажриба-синов ишимизнинг мақсади – инглиз тилини ўқитишда ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини баҳолаш хусусиятларини аниқлаштиришдан иборат.

Экспериментал таълим ишлари умумий ўрта таълим матабларида таҳсил олувчи ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишда уларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган машқ ва вазифалар тизимини синовдан ўтказишга қаратилди. Экспериментал таълимнинг мақсади – таклиф этилган машқ ва вазифалар тизимининг самарадорлиги ва эришилган натижаларни аниқлашдан иборатдир.

Биринчи навбатда, тажриба-синов ишларининг *мақсад* ва *вазифаларини* аниқлаб оламиз. Умумий ўрта таълим мактаблари юқори синфларида тажриба-синов ўтказишдан мақсад қуйидагилар:

- Аудиовизуал ёндашувга мувофиқ тинглаб тушуниш кўникмасини муваффақиятли ривожланишини амалда исботлаш;
- машғулотларда лингвистик компетенция эгалланишига кўмаклашувчи кўшимча машқлардан фойдаланиш;
- компетенциялар эгалланишига хизмат қилувчи машқларнинг осон ва муваффақиятли бажарилишига эришишда алмаштириладиган жадваллардан кўмаклашиш воситаси сифатида фойдаланиш;
- тил компетенцияларининг эгалланишига хизмат қилувчи машқларни ҳавозалаш ва нутқий компетенцияларнинг эгалланишга мўлжалланган машқларини тажриба-синов жараёнида фойдаланиш.

Ушбу мақсадлар қуйидаги вазифалар бажарилишини тақозо этади:

- тажриба-синов ишлари ўтказиладиган умумий ўрта таълим мактабларини белгилаш;
- мактаб директори ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарининг тавсияси билан тажриба-синов ишларига жалб этиладиган ўқитувчилар ва гуруҳларни шакллантириш;
- шакллантирилган тажриба гуруҳи ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказиш; тажриба-синов ишларида иштирок этувчи ўқитувчиларнинг чет тили ўқитиш ёндашувлари юзасидан назарий билимларини аниқлаш мақсадида сўровномалар ўтказиш;
- дарс машғулотларини кузатиш асосида назария ва амалиёт уйғунлиги қай даражада таъминланаётганлигини аниқлаш;
- ўтказилган суҳбат ва сўровномалар натижалари ҳамда кузатилган дарсларнинг таҳлиллари юзасидан ўқитувчилар билан муҳокама ўтказиш;
- чет тили ўқитишда аудиовизуал ёндашувнинг амалий жиҳатдан самарадорлигини экспериментал тадқиқ этиш;

- олиб борилган тажриба-синов ишлари асосида дастлабки, оралик ва сўнгги тўхтам натижаларини қиёсий таҳлил қилиш ва мавзу доирасида услубий тавсиялар бериш.

Тадқиқот материали сифатида назарий ва амалий манбалар, мавжуд чет тили дарслик-мажмуалар ҳамда «Teaching English Using Video Clips For The Tenth & Eleventh Graders» номли услубий қўлланма жалб қилинди. Тадқиқот объекти, предмети, материални таҳлил қилиш жараёнида биз сифат таҳлили ва математик статистика методлардан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Тажриба-синов ишларини ташкиллаштиришга қўйилган илмий-методик талабларга кўра, 5 та таълим муассасаси тажриба-синов майдони сифатида белгиланди, улар республиканинг турли минтақаларида жойлашган.

Булар Наманган шаҳар халқ таълимига қарашли 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби, Наманган шаҳар халқ таълимига қарашли 47-сонли умумий ўрта таълим мактаби, Самарқанд шаҳар халқ таълимига қарашли 37 -, 17 - сонли умумий ўрта таълим мактаби, Урганч шаҳри халқ таълимига қарашли 24-сонли ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида куйидаги босқичларда амалга оширилди:

1. Асословчи-таҳлилий босқич.
2. Шакллантирувчи-амалий босқич.
3. Тасдиқловчи-хулосалаш босқичи.

Биринчи асословчи босқичда танлаб олинган таълим муассасалари ўқув жараёнидаги мавжуд ҳолатлар ўрганилди, мактабларда ўқув режа, ўқув адабиётлари, дарсликлар, қўлланмалар, мультимедиа воситалари, лингвокабинетлар таҳлил этилди, инглиз тилидан машғулотлар кузатилди, ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида анкета-сўровномалари ўтказилиб, тинглаб тушуниш кўникмаси тушунчаси, унинг аҳамияти, ўқувчиларда инглиз тилидаги тинглаб тушуниш кўникмасини эгаллаш даражаси, жараёндаги юзага келувчи тўсиқ ва муаммолар, ушбу масала юзасидан фикр-мулоҳазалар аниқланди ҳамда шу асосда тадқиқот иши мавзуси шакллантирилди.

Иккинчи шакллантирувчи босқичда респондентлар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Тажриба-синов ишлари учун билим даражаси тенг бўлган икки гуруҳ танлаб олинди ва эксперимент жараёнига старт берилди. Бунда чет тили дастурида кўзда тутилган ўқув соатлари, таълим материаллари, ўқувчиларнинг мавжуд билиш даражаларининг тенглиги, жалб этилган ўқитувчилар таркибининг бир хиллиги инобатга олинди.

Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантириш бўйича тажриба-синов дастурида тадқиқот иши натижаси сифатида тавсия қилинган, юқори синф ўқувчиларида инглиз тилини ўқитишда тинглаб тушуниш кўникмаларини комплекс ривожлантиришга қаратилган 3 босқичли машқ ва вазифалар тизими ҳамда ушбу босқичма-босқич тизим негизида яратилган «Teaching English Using Video Clips For The Tenth & Eleventh Graders» ўқув қўлланмасидан фойдаланилди. Тажриба-синов ишлари куйидаги босқичларда ўтказилди (3.1-жадвалга қаранг).

3.1-жадвал

Педагогик тажриба-синов жараёнининг босқичлари

Т/р	Босқичлар	Бажариладиган ишлар мазмуни
1.	I босқич 2019-2020 йил.	Тажриба-синов ишларининг мақсад ва вазифалари, бориши; ўқувчиларнинг чет тил ўрганишга бўлган қизиқишини аниқлаш; чет тил ўқитишга коммуникатив ёндашув хусусида ўқитувчилар билан суҳбат олиб бориш; дастлабки хулосалар ва натижалар.
2.	II босқич 2020-2021 ўқув йиллари	Компетенциялар эгалланишига хизмат қилувчи машқлар бажарилишини таъминловчи коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминловчи инновацион педагогик технологияни қўллаш; тажриба-синов ишларининг бориши таҳлили. шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва коммуникатив машқлардан дарс жараёнида фойдаланиш;
3.	III босқич 2021 йил	тажриба-синов ишларининг таҳлили ва якуний хулосаси (тўхтами); Коммуникатив компетенцияни эгалланганлик даражаси;

Тажриба-синов ишлари табиий шароитда ўтказилди ва таълим жараёнларида ўқувчиларнинг ҳолисона баҳоланиб, кўзланган натижаларга эришилди. Тажрибада қатнашувчи ўқувчиларнинг гуруҳлар таркиби (тажриба ва назорат гуруҳи) белгиланди. Махсус ташкил этилган тажриба-синов ишлари ўқув жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда ўқувчилар лисоний таълим самарадорлигини ошириш бўйича умумий хулосалар чиқаришни назарда тутди.

Тажриба-синов қисмимизда юқорида кўрсатилган мактаблардан назорат гуруҳи (НГ)да 165 та ва тажриба гуруҳи (ТГ)да 187 та ўқувчилар қамраб олинган (3.2-жадвалга қаранг).

3.2-жадвал

Педагогик тажриба-синов жараёни майдони тавсифи ва иштирок этган ўқитувчилар ва ўқувчилар сони.

Т/р	Вилоятлар ва мактаблар тартиб рақамлари	Тажриба-синовда иштирок этган ўқитувчи ва ўқувчилар сони				
		Ўқитувчилар	Синф	ТГ	НГ	Жами
1.	Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 47-сонли умумий ўрта таълим мактаби	3	Х синф	25	20	87
			XI синф	22	20	
2.	Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби.	3	Х синф	20	20	85
			XI синф	25	20	
3.	Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 37-сонли умумий ўрта таълим мактаби.	3	Х синф	20	25	90
			XI синф	25	20	
4.	Урганч шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли 24-сонли ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби.	3	Х синф	25	20	90
			XI синф	25	20	
Жами:		12	8	187	165	352

Юқори синф ўқувчиларининг ТГ ва НГларда инглиз тилида нутқий компетенциянинг В1 даражасида эгалланиши бўйича тажриба-синов ишлари ўтказилди.

Юқори синф ўқувчиларини инглиз тилидаги тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш жараёнида «ақлий ҳужум», «блиц сўров», «видеотопишмоқ стратегияси», «дебат методи», «кўринг, эслаб қолинг ва ёзиб олинг», «суҳбат методи» каби интерфаол усуллардан фойдаланилганда уларнинг фаоллашгани кузатилди. Тажриба-синов ўқитиш натижалари ва ўқувчилар ўзлаштиришининг таҳлили, қуйидаги омилларга амал қилинганда нутқий компетенциясини шакллантириш самарадорлиги ортганини кўрсатди: тинглаб тушуниш кўникмасини аудиовизуал, тизимли ёндашган ҳолда ўқитиш усуллари, воситалари ва шакллари танлаш; юқори синф ўқувчиларининг инглиз тилидаги тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш асосида ташкил қилиш; ўқувчилар томонидан тинглаб тушуниш кўникмасига йўналтирилган машқларда йўл қўйилган хатоларнинг лингводидактик таҳлилидан келиб чиқиб, хатоларни баратараф қилиш, олдини олиш усуллари ва воситаларини танлаш; тинглаш ва тинглаб тушунишга оид махсус машқлар тизимини тузиш; тинглаб тушуниш кўникмаларини босқичма-босқич шакллантиришга нисбатан мотивация ҳосил қилиш.

Дастлаб лингвистик компетенция эгалланишига кўмаклашиш борасида амалга оширилган тажрибаларни баён қиламиз.

Тажриба-синов ишларида фойдаланилган материаллар: тажриба-синов ишларида тадқиқотчи томонидан нашр этирилган «**Teaching english using video clips for the tenth & eleventh graders**» номли услубий қўлланмага киритилган **информатив** (эшитув идроки), **репродуктив** (сўзларнинг товуш томонини фонематик фарқлаш ва моҳиятини англаш асосида нутқдаги мазмун идрок этилади), **продуктив** (билиб олинади ва ниҳоят тушунилади) тилга оид компетенциялар эгалланишига мўлжалланган машқлар бажарилишини осонлаштирувчи алмаштириладиган жадваллар ҳамда коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминловчи сўровнома жадвалларини қўллаш технологияси жорий этилди.

Маълумки, лингвистик компетенция – нутқий ва тил компетенцияларидан иборат. Нутқий компетенция таркибига тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув киритилган. Юқори синфларда чет тил ўқитишнинг амалий мақсади тинглаб тушуниш ва гапириш ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ўқув дастурида белгиланган (B1, B1+) даражанинг ҳар бир синф охирида ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган тинглаб тушуниш ва гапириш малакалари текширилди.

Юқори синфларда нутқий ва лисоний компетенцияларнинг ДТС талабларига мувофиқ эгалланишини таъминлаш мақсадида тажриба гуруҳларидаги дарслар диссертациямизнинг иккинчи бобида тавсия этилган инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этилди.

Тажриба-синов ишларининг натижаларини баҳолашнинг математик статистик усуллари

Чет тил ўрганиш – ушбу тилда нутқ фаолият турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)га оид кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳисобланади. Зеро, нутқни ривожлантириш филогенези ва онтогенези соҳасида олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, рецептив нутқ фаолият турларидан тинглаб тушуниш компетенциясини ривожлантирилмасдан репродуктив нутқ фаолият турини, яъни гапириш ва ёзув компетенцияларини шакллантириб бўлмайди. Чет тилдаги оғзаки нутқни тушуниш маданиятлараро мулоқот жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Оғзаки нутқни тушунмаслик мулоқот жараёнини қийинлаштиради ёки мулоқот жараёни содир бўлмаслиги ҳам мумкин. Бинобарин, оғзаки нутқни тушуниш ҳамиша чет тил таълимида муҳим мақсадлардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда, бироқ ўқувчиларнинг кўп қисми чет тилни ўрганиш деганда фақат тест бажариш, матн ва маълумотларни қуруқ ёдлашни тушуна бошладилар. Бунинг натижасида уларнинг оғзаки нутқи ривожланмай қолди. Ваҳоланки, нутқ фаолияти деганда аниқ бир коммуникатив вазифани бажаришга йўналтирилган, оғзаки ва ёзма матнларни тушуниш ёки яратилиши жараёнида мулоқотнинг муайян соҳасида коммуникатив

компетенцияни амалда қўллаш тушунилади.

Шахснинг «коммуникатив компетенцияси» деганда, тил воситаларидан фойдаланган ҳолда нутқ фаолиятининг барча турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш)ни, оғзаки ва ёзма нутқни амалга ошириш назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда, коммуникатив компетенцияни шакллантириш мулоқот қилишни ўрганишдир. Таълим шароитида хорижий тилларни ўргатиш коммуникатив хусусият касб этади, шу боис ўқувчиларда коммуникатив компетенцияни айниқса тинглаб тушунишни компетенцияни шакллантириш бугунги кунда чет тил ўқитиш методикаси олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Дунёдаги Чикаго (АҚШ), Нагоя (Япония), Чукурова (Туркия), Торонто (Канада), Лидз (Англия), Фрайбург (Германия), Москва (Россия) сингари бир қатор университетларда турли соҳа вакиллариининг инглиз тилида тинглаб тушуниш компетенциясини аудиолисоний ёндашув асосида ривожлантириш, тил ўрганувчиларда рецептив нутқни идрок этиб тушуниш (тинглаш, ўқиш)да видеофильмлардан фойдаланиш методикаси, Германиянинг Гёте институтида турли ёшдаги тил ўрганувчиларга тинглаб тушунишни ўргатиш назарияси ва амалиёти бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилаётгани мазкур диссертациянинг зазуририятини изоҳлайди.

Тадқиқотимиз тажриба синов жараёнида белгиланган таълим муассасалари тажриба-синов ишларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, тажриба-синов ишларини ўтказиш учун масъулларни белгилаб, зарур шарт-шароитларни яратиб беришди.

Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 47-сонли умумий ўрта таълим мактабидан тажриба-синов ишларини ўтказиш юзасидан масъуллар: М.А.Ўринбаева – мактаб директори, М.А.Камбалиева – инглиз тили фани катта ўқитувчиси, Д.Х.Рахимова – инглиз тили фани ўқитувчиси, Н.Х.Зокирова – инглиз тили фани ўқитувчиси.

Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 26-сонли умумий ўрта таълим мактабидан тажриба-синов ишларини ўтказиш юзасидан масъуллар: М.М.Джалилова – мактаб директори, Г.Муродова – инглиз тили фани катта ўқитувчиси, Х.Ғойиббаева – инглиз тили фани ўқитувчиси, О.Ибрагимов – инглиз тили фани ўқитувчиси.

Самарқанд шаҳар халқ таълимига қарашли 37-сонли умумий ўрта таълим мактабидан тажриба-синов ишларини ўтказиш юзасидан масъуллар: З.М.Акрамова – мактаб директори, Н.М.Мухсинова – инглиз тили фани ўқитувчиси, Ш.З.Муртазаева – инглиз тили фани ўқитувчиси, К.В.Орифжанова – инглиз тили фани ўқитувчиси.

Урганч шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли 24-сонли ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабидан тажриба-синов ишларини ўтказиш юзасидан масъуллар: Ф.Б.Маткаримов – мактаб директори, Ш.Р.Султанова – инглиз тили фани ўқитувчиси, Ф.М.Рўзметова – инглиз тили фани ўқитувчиси, Ш.П.Рахмонова – инглиз тили фани ўқитувчиси.

Тажриба-синов иши уни ташкиллаштиришга қўйилган илмий-методик талабларга кўра олиб борилди. Дастлаб, ўқувчиларнинг инглиз тилидаги тинглаб тушуниш кўникмасини эгаллаш даражасини аниқлаш учун тинглаб тушуниш нутқ фаолияти малака ва кўникмаларининг ривожланганлик кўрсаткичлари бошланғич назорат ишларидан ўтказилди.

Тажриба-синов бошланишида билим даражаларини статистик мезонлар асосида гуруҳлардан танланма усул билан тажриба ва назорат гуруҳлари учун 352 нафар ўқувчининг натижалари таҳлил қилинди.

Тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида дастлабки назорат ишлари олиб борилди. Бунда мавжуд ўқув режага мос мавзуларда рақамли таълим технологиялари танлаб олинди. Аудиовизуал материаллар матни B1/B1+ билим даражасига мос келиши, ўқувчилар учун таниш лексик ва грамматик материалларни ўз ичига олган ва нутқ баёноти тезлиги ўрта меъёрга бўлиши назарда тутилди. Аудиовизуал материаллар бир маротаба томоша қилинди ва ўқувчиларга ихтиёрий равишда калит сўзлар ва эслатмалар ёзиб боришларига имкон берилди.

Тажрибали ўқитувчилар томонидан назорат гуруҳларида анаънавий ҳолатда дарслар олиб борилди, тажриба гуруҳида эса тадқиқотчи томонидан нашр этирилган «**Teaching english using video clips for the tenth & eleventh graders**» номли услубий қўлланма, аудиовизуал материаллар матнидан ва педагогик технологиялар асосида дарс олиб борилди.

Нazorat гуруҳида аҳвол деярли ўзгаргани йўқ, лекин тажриба гуруҳида ўртача баҳо кўтарилди ва баҳоларнинг ўртача баҳодан четланиши янада камайди. Яъни тажриба гуруҳи ўқувчиларининг билим даражалари деярли бир-бирига яқинлашди.

Бошланғич ва якуний таҳлил натижаларини умумлаштирган ҳолда тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларининг ривожланганлик даражаси асосий кўрсаткичларини қуйидаги жадвал асосида тинглаб тушуниш асосида тавсия этилган методикадан фойдаланиш ўқув машғулоти ишланмалари, методик тавсиялар такомиллаштирилди ва ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди.

Тажриба сўнггида олинган якуний миқдор кўрсаткичлари 3.3-, 3.4-жадвалларда келтириб ўтилган.

3.3-жадвал

Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантириш динамикаси

Даражалар	Асословчи босқич				Таъкидловчи босқич			
	Наманган вилояти мактаблари				Наманган вилояти мактаблари			
	тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи		тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи	
	сони	%	сони	%	сони	%	Сони	%
5 (аъло)	14	15,2%	7	8,8%	42	45,7%	9	11,2%
4(яхши)	18	19,6%	15	18,8%	27	29,3%	16	20,0%

3(ўрта)	19	20,7%	37	46,2%	18	19,6%	39	48,8%
2(қониқарсиз)	41	44,5%	21	26,2%	5	5,4%	16	20,0%
Жами	92	100%	80	100%	92	100%	80	100%
	<i>Самарқанд вилояти мактаблари</i>				<i>Самарқанд вилояти мактаблари</i>			
Даражаслар	тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи		тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи	
	сони	%	сони	%	сони	%	Сони	%
5 (аъло)	9	20,0%	4	8,9%	19	42,2%	5	11,1%
4(яхши)	10	22,2%	8	17,8%	14	31,1%	9	20,0%
3(ўрта)	12	26,7%	23	51,1%	10	22,2%	23	51,1%
2(қониқарсиз)	14	31,1%	10	22,2%	2	4,5%	8	17,8%
Жами	45	100%	45	100%	45	100%	45	100%
	<i>Хоразм вилояти мактаблари</i>				<i>Хоразм вилояти мактаблари</i>			
Даражаслар	тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи		тажриба гуруҳи		назорат гуруҳи	
	сони	%	сони	%	сони	%	Сони	%
5 (аъло)	8	16,0%	5	12,5%	18	36,0%	6	15,0%
4(яхши)	13	26,0%	9	22,5%	11	22,0%	10	25,0%
3(ўрта)	13	26,0%	18	45,0%	13	26,0%	17	42,5%
2(қониқарсиз)	16	32,0%	8	20,0%	8	16,0%	7	17,5%
Жами	50	100%	40	100%	50	100%	40	100%

Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларига нисбатан ўқувчиларнинг инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантириш мезонларининг барчаси бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилган. Тажриба синфларида жами 187, назорат синфларида эса 165 ўқувчи тажриба-синов ишларида қатнашди. Жадвалдаги натижаларни таҳлил қилиниб синов ва назорат гуруҳлари таққосланди (3.4- жадвал).

3.4-жадвал


Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларининг солиштирма таҳлили

Тажриба гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	Аъло	Яхши	Ўрта	Қониқарсиз	Жами
	Наманган вилояти ўқувчилари	42	27	18	5	92
	Самарқанд вилояти ўқувчилари	19	14	10	2	45
	Хоразм вилояти ўқувчилари	18	11	13	8	50
	Жами	79	52	41	15	187

Назорат гуруҳи	Тажриба ва синов объектлари	Аъло	Яхши	Ўрта	Қониқарсиз	Жами
	Наманган вилояти ўқувчилари	9	16	39	16	80
	Самарқанд вилояти ўқувчилари	5	9	23	8	45
	Хоразм вилояти ўқувчилари	6	10	17	7	40
	Жами	20	35	79	31	165

Тажриба-синов натижалари таҳлиliga кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажриба гуруҳидаги ўқувчиларнинг назорат гуруҳи ўқувчиларига нисбатан билим, кўникма ва малакалари самарали эканлиги аниқланди. Бу ҳолатни объектив баҳолаш учун статистик таҳлил амалга оширилади, аниқланган хулосагина тажриба-синов ишларининг илмий, педагогик, технологик ва методик жиҳатдан тўғри самарали олиб борилганини тасдиқлайди. Таъкидловчи тажриба-синов даврида ҳам статистик таҳлилни амалга ошириш учун Стьюдент ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга. . Математик статистик методнинг моҳиятига кўра дастлабки босқичдаги каби тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган 1-2 танланмалар сифатида белгиланиб аъло, яхши, ўрта ва қониқарсиз даражалар бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлди.

Бу диаграммада қуйидаги кўринишни олди.



3.1-расм. Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларининг диаграммаси

Диаграммадан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори экан. Энди 3.4-жадвал маълумотларини математик статистик таҳлил қиламиз. Жадваллардаги сонли маълумотларни таҳлил қилиш мақсадида математик статистика усулларида фойдаланамиз. Тажриба гуруҳидаги статистик баҳолаш кўрсаткичлари ва унга мос ўқувчилар сонини мос равишда X_i , n_i лар ва шу каби назорат гуруҳидаги статистик баҳолаш кўрсаткичлар ва ўқувчилар сонини мос

равишда Y_j, m_j лар асосида белгилаб, статистик гуруҳланган вариацион қаторлар тузилади. Тажриба-синов ишларидан тажриба гуруҳларидаги ўқувчилар сони $n=187$ нафар, назорат гуруҳларидаги ўқувчилар сони ҳам $m=165$ бўлиб, биз бу сонларни X_i ва Y_j вариантларга мос статистик танланмалар ҳажмлари деб қараймиз.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги баҳолаш кўрсаткичларини мос равишда 5 (аъло), 4 (яхши), 3 (ўрта) ва 2 (паст) каби белгилаймиз. n_x ва n_y билан мос равишда тажриба ва назорат гуруҳларида «5», «4», «3» ва «2» балли кўрсаткичларини қайд этган респондентларнинг сонлари белгиланади.

Демак, юқоридаги жадваллардан қуйидаги икки вариацион қаторларни тузиб оламиз

$$(n = n_1 + n_2 + n_3 + n_4 \text{ ва } m = m_1 + m_2 + m_3 + m_4):$$

$$X_i: 5 \quad 4 \quad 3 \quad 2 \quad Y_i: 5 \quad 4 \quad 3 \quad 2$$

$$n_i: 79 \quad 52 \quad 41 \quad 15 \quad m_i: 20 \quad 35 \quad 79 \quad 31$$

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва m_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик

эҳтимоллик формулалари $p_i = \frac{n_i}{n}$ ва $q_j = \frac{m_j}{m}$ (1) асосида ҳисоблаймиз.

$$X_i: 5 \quad 4 \quad 3 \quad 2$$

$$Y_i: 5 \quad 4 \quad 3 \quad 2$$

$$p_i: 0,42 \quad 0,28 \quad 0,22 \quad 0,08$$

$$q_i: 0,12 \quad 0,21 \quad 0,48 \quad 0,19$$

$$(p_1 + p_2 + p_3 + p_4 = 1)$$

$$(q_1 + q_2 + q_3 + q_4 = 1)$$

Статистик таҳлилни ҳар икки танланма бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблашдан бошлаймиз:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^4 p_i X_i = 0,42 \cdot 5 + 0,28 \cdot 4 + 0,22 \cdot 3 + 0,08 \cdot 2 = 4,04$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^4 q_i Y_i = 0,12 \cdot 5 + 0,21 \cdot 4 + 0,48 \cdot 3 + 0,19 \cdot 2 = 3,26$$

$$\text{Фоизда } \bar{X}\% = \frac{4,04 \cdot 100\%}{5} = 80,8\%, \quad \bar{Y}\% = \frac{3,26 \cdot 100\%}{5} = 65,2\%$$

$$\text{Ўсиш} - \bar{X}\% - \bar{Y}\% = 15,6\%$$

Демак, тажриба-синов ишлари сўнггида ўқувчилар билимларининг кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 15,6 % га ошган.

Энди тажриба-синов ишлари хатоликларини баҳолаймиз. Дастлаб, танланмалар дисперсияларини ҳисоблаймиз:

$$S_X^2 = \sum_{i=1}^4 p_i \cdot X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,42 \cdot 25 + 0,28 \cdot 16 + 0,22 \cdot 9 + 0,08 \cdot 4 - (4,04)^2 = 0,9584$$

$$\text{Ўртача квадратик четланиш: } S_X = \sqrt{0,9584} = 0,98$$

$$S_Y^2 = \sum_{i=1}^4 q_i \cdot Y_i^2 - (\bar{Y})^2 = 0,12 \cdot 25 + 0,21 \cdot 16 + 0,48 \cdot 9 + 0,19 \cdot 4 - (3,26)^2 = 0,8124$$

$$\text{Ўртача квадратик четланиш: } S_Y = \sqrt{0,8124} \approx 0,90$$

Бу хатоликларнинг ўрта қийматларга нисбатан оғиш фоизларини вариация коэффицентлари асосида ҳисоблаймиз:

Буни янада аниқроқ кўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма бўйича ўрта қиймат аниқликларини биз вариация коэффициентлари асосида, яъни C_x ва C_y формула асосида ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n} \cdot \bar{x}} \cdot 100\% = \frac{0,98 \cdot 100\%}{\sqrt{187} \cdot 4,04} = \frac{98\%}{13,67 \cdot 4,04} = \frac{98\%}{55,2268} \approx 1,77\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{m} \cdot \bar{y}} \cdot 100\% = \frac{0,90 \cdot 100\%}{\sqrt{165} \cdot 3,26} = \frac{90\%}{12,85 \cdot 3,26} = \frac{90\%}{41,891} \approx 2,15\%$$

Ҳар икки хатолик кўрсаткичлари мумкин ҳисобланган 5% лик чегарадан етарли даражада кам экан. Бу эса тажриба-синов ишлари қоникарли ўтганлигини билдиради.

Энди биз ҳар икки статистик танланмаларни назарий ўрта қийматлари тенглиги ҳақидаги $H_0: a_x = a_y$ гипотезани Стъюдент мезони ёрдамида текшираимиз.

Шу мақсадда, мос статистикани ҳисоблаймиз:

$$T_{n,m} = \frac{|\bar{X} - \bar{Y}|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{|4,04 - 3,26|}{\sqrt{\frac{0,9584}{187} + \frac{0,8124}{165}}} = \frac{0,78}{0,10} \approx 7,8$$

Эҳтимоллик учун статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини

$\alpha = 0,05$ деб олсак, ва $r = n+m-2$ озодлик даражалари сони бўйича жадвалдан $t_{kp}(\alpha = 0,05; 350) = 1,96$ критик қиймат топилади.

$T_{эмп} = 7,8 > 1,96 = t_{kp}(0,05; 350)$ бўлгани учун биз H_0 гипотезани рад этиб,

$\bar{X} > \bar{Y}$ муносабатларни эътиборга олган ҳолда $a_x > a_y$, яъни синов гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари, доимо ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи олдинги ўзлаштириш кўрсаткичидан катта бўлар экан, деган хулоса қила оламиз.

Ниҳоят, биз X_i ва Y_i статистик танланмаларнинг тақсимот қонунлари тенглиги ҳақида $K: F_x = F_y$ гипотезани текшириш учун Пирсон (хи-квадрат) мезонидан фойдаланамиз.

$$\chi^2_{n,m} = \frac{1}{N \cdot M} \cdot \sum_{i=1}^k \frac{(n_i M - m_i N)^2}{n_i + m_i}.$$

Бу мақсадда қуйидаги жадвални тузиб оламиз:

3.5-жадвал

Пирсоннинг мувофиқлик мезонининг ҳисоблаш жадвали

Баҳолар	5	4	3	2
Гуруҳлар				
Тажриба гуруҳи	79	52	41	15
Назорат гуруҳи	20	35	79	31

Пирсон статистикасини ҳисоблаймиз:

$$\chi^2_{n,m} = \frac{1}{187 \cdot 165} \cdot \left(\frac{(79 \cdot 165 - 20 \cdot 187)^2}{79 + 20} + \frac{(52 \cdot 165 - 35 \cdot 187)^2}{52 + 35} + \frac{(41 \cdot 165 - 79 \cdot 187)^2}{41 + 79} + \frac{(15 \cdot 165 - 31 \cdot 187)^2}{15 + 31} \right) \approx 54,92$$

Пирсон мезонининг озодлик даражаси $k=(s-1)(r-1)=(2-1)(4-1)=3$, бу $k=3$ га мос 95% лик критик нуқта $Z_{kp}(0,95) = 7,82$.

$$\text{Аммо, } \chi^2_{n,m} = 54,92 > 7,82 = Z_{k,p}(0,95)$$

Демак, H_0 гипотеза ҳам рад этилар экан. Бу эса, тажриба-синов ишларидан олдинги ва кейинги ўқитиш методикаларининг фарқланиши тасодифий эмас, балки қонуний бўлиб, доимо ўзлаштириш кўрсаткичлари ошишига олиб келар экан.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун ишончли четланишлари топамиз: назорат гуруҳида

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,98}{\sqrt{187}} = 1,96 \cdot \frac{0,98}{13,67} = \frac{1,9208}{13,67} \approx 0,14$$

га тенг, тажриба гуруҳида эса:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,90}{\sqrt{165}} = 1,96 \cdot \frac{0,90}{12,85} = \frac{1,764}{12,85} \approx 0,13$$

га тенг. Топилган натижалардан назорат синфи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$


$$4,04 - 0,14 \leq a_x \leq 4,04 + 0,14 \quad 3,90 \leq a_x \leq 4,18$$

Тажриба синфи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$3,26 - 0,13 \leq a_y \leq 3,26 + 0,13 \quad 3,13 \leq a_y \leq 3,39$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан $\alpha \approx 0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба синфидаги ўртача баҳо назорат синфидаги ўртача баҳодан юқори ва оралиқ интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари қуйидаги жадвалда акс эттирилди.

3.6-жадвал

Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантириш бўйича тажриба-синов натижаларининг статистик кўрсаткичлари

$\bar{X}$	$\bar{Y}$	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
4,04	3,26	0,9584	0,8124	1,77	2,15	7,8	350	54,92	0,14	0,13

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 4,04$; $\bar{Y} = 3,26$; $\Delta_x = 0,14$; $\Delta_y = 0,13$; га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yob} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{4,04 - 0,14}{3,26 + 0,13} = \frac{3,90}{3,39} \approx 1,15 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (4,04 - 0,14) - (3,26 - 0,13) = 3,90 - 3,13 = 0,77 > 0$$

Тақдим этилган натижалардан тинглаб тушуниш асосида ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги билан ва билиш даражасини баҳолаш мезонини нолдан катталигини билан кўриш мумкин. Юзага келган натижалардан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан анча юқори эканлигини кўрсатади. Демак, юқорида олиб борилган статистик таҳлиллардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ўқувчиларда малака ва кўникмаларини ривожлантириш бўйича бўйича қўлланилган тажриба-синов ишлари методикаси самарали бўлиб, ўқувчиларда ижодий қобилиятни шаклланишига имкон яратади, ўқувчиларнинг ўзлаштиришига ижобий таъсир этади.

Тажрибавий ўқитиш самарадорлиги даражасини аниқлашда, асосан, субъектив ва объектив мезонлардан фойдаланилди. Субъектив мезонга ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ махсус ишлаб чиқилган сўровнома, анкеталар киритилди. Ёзма жавоблар таҳлили ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш юзасидан шаклланган назарий ҳамда амалий билимлари, уларнинг аудиовизуал ресурслар билан ишлаш нисбатан билим даражаси ва шакллантирилга тинглаб тушуниш кўникмаларини аниқлашга ёрдам берди. Кузатувлар махсус тузилган режа ва экспериментал тажриба ўтказиш режасига мос равишда олиб борилди. Ўқувчиларнинг рақамли таълим технологиялари ва манбаларга нисбатан идрок этиши тўғрисида маълумот олиш учун тадқиқот воситаси сифатида фойдаланилган сўровнома синфда ўқитиш жараёнининг муҳим масалалари эканини таслиқлади. Ўқувчилар билан норасмий ўзаро мулоқот тарзида ўтказилган сўровномалар уларга рақамли таълим технологиялари ва манбалар ҳақида фикр юритишга ёрдам берганлиги қайд этилди. Анкетани лойиҳалашда ўқувчиларнинг инглиз тилини билиш даражаси кўриб чиқилди. Қуйидаги саволлар асосида ўқувчиларда дарс жараёнида тинглаб тушунишга қаратилган аудиовизуал

ресурслардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар таҳлил қилинди.

Ўқитувчилар ва ўқувчилар билан ўтказилган сўровномалар асосида тинлаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда қуйидаги қийинчиликлар аниқланди: бизнинг фикримизча, тинглашдаги муаммолар қуйидаги тўрт омил билан боғлиқ: хабар, маърузачи, тингловчи ва жисмоний муҳит. Муаммоларни нутқ тезлиги, мотивация сустлиги, сўз бойлиги ва турли талаффуз келтириб чиқаради деб ҳисоблаймиз. Тажриба жараёнида ўқитувчиларни фикрича тинглаб тушунишдаги муаммолари — матнни етказиб бериш тезлиги, янги терминология, концепция, диққатни жамлашдаги қийинчилик ва жисмоний муҳит билан боғлиқ деб тахмин қилди.

Ўтказилган саволнома бўйича ўқувчиларнинг тинглаб тушунишда (6 илова), аудиовизуал материаллар билан ишлашда юзага келадиган қийинчилари асосий сабаблари қуйидагилардир:



Қийинчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар

– тинглаш машғулотлари ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда танланиши ҳамда ўқувчилар тили ўрганилаётган мамлакат нутқини яхшироқ тушунишларига ёрдам берадиган, инглиз тилида она-тили сифатида сўзлашадиган кишиларнинг табиий мулоқот, суҳбат жараёнини (аудио ва видео материаллар шаклида) тақдим этишлари керак;

– ўқитувчилар ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотадиган ва тинглаб тушуниш қобилиятлари ва стратегияларини ўзлаштиришга ёрдам берадиган

– тинглаб тушуниш тизимини ишлаб чиқишлари керак. Ушбу топшириқлар нафақат ўқувчиларнинг нутқий кўникмаларини синаб, текшириб кўради, балки уларни ўз фаолиятини амалга оширишда максимал фойдани кўлга киритиш учун турли хил тинглаш стратегияларидан фойдаланишга ундайди;

– ўқитувчилар ўқувчиларнинг маърузалар, радио янгиликлари, филмлар, телекўрсатувлар, эълонлар, кундалик суҳбатлар ва интервьюлар каби турли хил янгиликларни тақдим этишлари керак;

– ўқитувчилар ўз ўқувчиларига ўрганилаётган тилнинг турли шаклдаги реал мулоқот жараёнини эшита олишлари фарқларини тушунишлари учун турли талаффуз қоидалари билан таништириши керак шунингдек инглиз тилида она тили сифатида сўзлашувчилар «native speaker»ларнинг талаффузига тақлид қилишни сўрашлари лозим (shadowing technique);

– ўқитувчилар ўз ўқувчиларига турли ҳудудларда яшовчи инглиз тилида она тили сифатида сўзлашувчилар «native speaker»нинг талаффузларини англашга ва (аксент-умумий тилнинг муайян бир ҳудудда яшовчи аҳоли вакиллари томонидан ўзига хос йўсинда талаффуз қилиниш шакли) тушунишга ёрдам беришлари керак. Она тилида сўзлашувчиларнинг ўзига хос урғу меъёрлари мавжуд бўлиб, ўқувчилар Америка ва Британия аксентлари ўртасидаги фарқларни таниб олишлари керак;

– тинглаш фаолияти материаллари – уларнинг мураккаблик даражасига қараб тақдим этилиши керак, яъни тинглаш фаолияти жуда оддий матнлардан ўрта босқич ўқувчиларига тақдим этилиши ва иқтидорли ўқувчиларга мураккаб аудитив материаллар фойдаланиши керак;

– ўқитувчилар ўз ўқувчиларига турли хил тинглаш материалларини тинглашда асосий билим шунингдек лингвистик билимларни беришлари керак;

– ўқитувчилар ўз ўқувчиларига уларнинг ўз устларида ишлаши ҳақида керакли фикр-мулоҳазаларни билдиришлари керак, чунки бу уларнинг хатоларини тузатишга ёрдам беради, мотивациясини оширади ва тинглаш машқларига бўлган ишончни ривожлантиришга ёрдам беради;

– ўқитувчилар ўз ўқувчиларига турли даражадаги турли вазифалар ва тадбирларни тақдим этиш асосида муайян маълумотни тушуниш учун тинглаш, асосий ғояларни тинглаш, тушунтириш ва хулоса чиқариш, мўлжалланган маънони тинглаш каби тинглаб тушунишнинг зарур кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беришлари керак;

– ўқитувчилар ўз ўқувчиларига муайян маълумотни тушуниш учун тинглаш, тинглаб тушуниш, асосий фикрларни тинглаш, тушунтириш ва хулоса чиқариш, турли вазифаларни бериш асосида йўналтирилган маънони тинглаш ва турли даражадаги фаолият тури асосида керакли кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беришлари керак;

– ўқитувчилар ишора ва юз ифодалари каби тана тилидан ўз ўқувчиларида оғзаки хабарларни мустаҳкамлаш учун фойдаланишлари керак;

– ўқитувчилар юқоридан пастга ва пастдан юқорига жараёнининг - касбий маҳорат кўникмаларини ривожлантириш учун имкониятлар яратиши керак, чунки юқоридан пастга йўналтирилган ҳаракатлар ўқувчиларни мавзу бўйича аллақачон билганларини муҳокама қилишга ундайди (руҳлантиради) ва пастдан юқорига қаратилган ҳаракатлар тилнинг товушлар, сўзлар, интонация ва грамматик тузилмалар каби таркибий қисмларини тушунишга имкон (ишонч уйғотади) беради;

– ўқитувчилар ўз ўқувчиларини тинглаш стратегияларини ривожлантиришга ундашлари керак. Башорат қилиш (Олдиндан айтиб бериш, тушунтиришни (батафсил ва ёки бошқа усулда тушунтиришни) сўраш ва оғзаки бўлмаган ишоралардан фойдаланиш ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш қобилиятини яхшилайдиган ушбу стратегияларга мисол бўла олади;

– ўқитувчилар нутқ қобилиятига мос равишда ўқитилиши керак. Тинглаш яхши талаффуз билан ўзаро боғлиқ; шунинг учун ўқитувчилар яхши ва мақбул талаффузга эга бўлиши керак, бу эса ўқувчиларга яхши тингловчи (тинглаб тушуна оладиган ўқувчи) бўлишга ёрдам беради;

– ўқитувчилар ўз ўқувчиларидан доимо мусиқа, ҳужжатли филмлар ва янгиликларни радио ва телевидениеда тинглашни, она тилида сўзлашувчилар билан юзма-юз ёки Интернетда гаплашишга ёрдам беришлари керак, шунда улар ўзларида тинглаш малакасини шакллантириши ва мустаҳкамлаши мумкин.

Тинглаб тушунишга ўргатиш жараёни қуйидаги босқичлар асосида амалга оширилади: Activity: 1. Before listening. Матн сарлавҳаси ва саволлар доскага ёзилади. «*Famous people*»: қуйидаги саволлар асосида мавзу очиб берилади: Have you ever met a famous person? Most probably the answer is no. and the pupils move on to the next questions: Who would you like to meet (dead or alive)? Why? What would you ask? What do you think their response would be? If yes, the pupils ask follow up questions, when did you meet? Where did you meet? What did you say? 2. While listening/watching. Сухбат/видео эшиттирилади. Тингловчилар доскага ёзилган саволларга матндан жавоб топадилар. Агар зарурият бўлса, матн яна 1–2 марта қайта эшиттирилиши мумкин. After listening/watching. To provide students with more challenging detailed, deduction and inference reading/listening tasks the teacher gives each pupil a handout of true/false questions. The pupils listen to the script again. The teacher plays the recording. The teacher pauses between each speaker and the students answer their questions individually. The students compare their answers in small groups. The teacher monitors and prompts the students who have difficulties. The teacher takes WC FB, elicits the answers from the students and gives the answers if necessary. Тингловчилар саволларга жавоб берадилар. Улар тушунмаган сўз ва иборалар доскага ёзилади ва таржимаси тушунтирилади. Тингловчиларнинг жавоблари бир-бирлариники билан таққосланади. Тўғри жавоблар доскага ёзилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, мактаб ўқувчилари учун энг катта қийинчиликларга қуйидагилар сабаб бўлди: вақт чекловлари, алоқа шароитлари, шунингдек, визуал ёрдамнинг етишмаслиги ва бундан ташқари, маълумот манбасидан қайта алоқа. Шунга қарамай, биз таклиф қилган методика ўзининг амалий тасдиғини топди ва шунингдек, самарадорлигини исботлади, чунки тинглаб тушунишни ўргатишнинг уч босқичли моделидан фойдаланганда ўқувчилар тинглаш қобилиятини оширади. Тажриба натижаларини таҳлил қилиш асосида ўқитувчининг қўллаган усули тажриба гуруҳларида самаралироқ деган хулосага келдик. Юқоридаги статистик таҳлилдан шундай хулоса қилиш мумкин: тажриба гуруҳларидаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг бундай кўрсаткичидан юқори бўлиб, педагогик тажриба-синов ишининг якуний босқичида олинган натижа самарадорлигининг (15,6 % га) асосли эканлиги исбот қилинди.

Тадқиқот ишининг умумий ғоялари диссертация ишида баён қилинди. Диссертация материаллари кафедра ходимлари, мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, ўқув ва услубий бўлим ўқитувчилари, шунингдек, мактаб раҳбарлари иштирокида муҳокамалардан ўтказилди ва тегишли тузатишлар киритилди.

ХУЛОСАЛАР

Тажриба-синов ишлари жараёнида аудиовизуал технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатди.

1. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, аудиовизуал ўқитиш усулларида фойдаланиш синфда таълим муҳитини яхшилайти ва танқидий фикрлашга бўлган рағбатни оширади. Аудиовизуал воситалардан унумли фойдаланиш монотон (бир хилдаги зерикарли) таълим муҳитини ўзгартиради. Инглиз тили дарсларида аудиовизуал материаллардан фойдаланишнинг лингводидактик ва психолингвистик зарурат экани асосланди. Аудиовизуал материаллар асосида ўқувчиларнинг рецептив нутқ малакаларини ривожлантириш кўрсаткичлари ва даражалари аниқланди.

2. Инглиз тили таълимида ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш компетенциясини ривожлантириш таълимни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини психолингвистик ва лингводидактик жиҳатдан такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. Умумий ўрта таълим мактабларида юқори синф ўқувчиларининг тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантиришнинг дидактик таъминоти психолингвистиканинг хотирада из қолдириш (Trace theory) ва рецептив тақдимот (Comprehensible input) тамойиллари асосида такомиллаштирилган.

4. Юқори синфларда инглиз тилига ўқитишнинг информатив (exploration), репродуктив (elaboration) ва продуктив (conformation – reflection) босқичлари асосида юқори синфларда нутқ фаолиятининг

рецептив тури (тинглаб тушуниш, ўқиш)га оид компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган машқлар тизими аудиовизуал воситаларнинг намоёнидан аввал, намоёниш жараёни ва намоёнидан кейинги босқичлари асосида ишлаб чиқилган.

5. Тинглаб тушуниш ва гапириш жараёнининг ҳар иккисида эшитиш ва моторли анализаторларнинг ўзаро боғланган ҳолда ҳаракатда бўлади. Аудиовизуал материаллар дидактик вазифаларни ҳал этиш учун катта имкониятларга эга, реал тил коммуникациясини яратишга хизмат қилади, хорижий тилдаги нутқни муваффақиятли қабул қилишни таъминлайди. Чет тили дарсларида аутентик видеоматериаллардан тизимли ва методик жиҳатдан тўғри фойдаланиш умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфлари ўқувчиларининг маданиятлараро коммуникатив компетенцияни шакллантиришга хизмат қилади.

6. Инглиз тилини ўргатиш/ўрганиш жараёнида ўқувчиларда тинглаб тушуниш компетенциясини ривожлантиришнинг қуйидаги методик шарт-шароитлари аниқлаштирилди:

(1) бимодал нутқий тизимларнинг (нутқни автоматик англаш ва синтез қилиш) аудиовизуал оқимлардан келаётган динамик ва акустик интерференцион тўсиқларни бартараф этишда тинглаб тушунишни ривожлантириш усули *predict the topic* техникаси асосида такомиллаштириш;

(2) ўқув жараёнида ўқувчилар матн мазмунини идрок этишларини назорат қилишда индивидуал услубдан фойдаланган ҳолда топшириқларни қўллаш;

(3) юқори синфларда нутқий компетенцияларни видеотасвирлар асосида такомиллаштиришда нутқ фаолиятининг рецептив тури, тил билиш индикаторларига амал қилиш; виртуал таълим муҳитини яратиш; ўқув жараёнини индивидуаллаштириш; таълим технологияларининг дидактик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аудиовизуал воситаларнинг метакогнитив ҳамда когнитив стратегиялари асосида такомиллаштириш.

7. Коммуникатив таълим технологияси ҳамда фаол ва интерфаол методлар, ўқувчиларда аудиовизуал матн мазмунини тўғри баҳолаш ва ўз нуқтаи назарини янада ёрқинлаштириш учун зарур шарт-шароит яратиши, «*Culture shock*» ни олдини олиш, шунингдек, тадқиқот доирасида инглиз тилини ўқитиш жараёнида тили ўрганилаётган мамлакатнинг маънавий кадриятларини ўрганишга доир интерфаол методлар ва рефлексив усуллардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди.

8. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари (10–11-синфлар)да тинглаб тушуниш компетенцияни такомиллаштириш аввалдан шаклланган билим ва кўникмалар асосида тил тажрибасини инобатга олиш, тили ўрганилаётган мамлакатлар вакили билан мулоқот қилиш жараёнида ривожланиши ва тўғри реализация қилиниши мумкин.

9. Юқори синф ўқувчиларининг нутқий компетенциясини ривожлантиришга қаратилган методик таъминот В1 ва В1+ даража учун таълим мазмунида қайд этилган (кундалик ва ижтимоий ҳаёт, таълим ва

маданиятга оид) мавзулар контентида – CLT (Communicative Language Teaching) га асосланган аудиолингуал ўқитиш шакллари кириштириш асосида такомиллаштиришга эриши мумкин.

10. Юқори даражадаги аудитив компетенцияга эришишда лаёқати кучли ва кучсиз гуруҳларга ажратилган ўқувчиларнинг статистик қаторларда ифодаланган ўзлаштириш кўрсаткичлари орасидаги дифференциал тафовутни (15,6%) аниқлаш асосида ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари ҳамда тинглаб тушуниш малакаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи интерференцион омилларни бартараф этишга йўналтирилган методик таъминот асосланди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Таклиф этилган машқ ва топшириқлар тизимида, анъанавий воситалардан фарқли равишда, тили ўрганилаётган мамлакат радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларидаги таълимий матн намуналарини дарс жараёнида фойдаланиш тавсия этилади.

2. Ўқувчиларда тинглаб тушуниш компетенцияни ривожлантиришга аудитив ва аудиовизуал материаллардан самарали фойдаланиш методикасини такомиллаштириш инглиз тили акцентларини синтез қилиш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган mind tool технологиясининг муқобил усули сифатида таклиф этиш мумкин.

3. Ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш компетенциясини ривожлантириш юзига келадиган тинглаб тушуниш билан боғлиқ фонетик қийинчиликларни олдини олиш лингводидактик ва психолингвистик моделини такомиллаштириш асосида, дарс жараёнида нутқ фаолияти турларининг барчасини интеграциялашган ва дарсликлардаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

4. Истикболда тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришда эшитув анализаторларининг IPA талабларига мос равишда фонема, бўғин, урғу, сўз, сўз бирикмаси, ибора ва матнлар даражасида тўғри талаффуз қилиш имконини берувчи экспериментал фонетик лабораторияларни яратиш ҳамда автоматлаштирилган фонетик лабораториянинг асосий технологияси бўлган фонетик ускуналарга бириктирилган кросс-платформа дастурларини ишлаб чиқиш барча чет тиллари ва ўзбек тили ўрганувчилари учун универсал восита сифатида хизмат қилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги Қонуни. – Т.: Шарқ, 1998. – 23 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. – Тошкент, 1995. – №12. – 257-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 42 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-1875-сон Қарори // Халқ сўзи. – Тошкент, 2012. – № 240 (5660).
5. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари // Халқ таълими. – Тошкент, – 2013. – № 4. – Б. 4-32.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 486 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017. 23 декабрь. – №258 (6952)
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 610-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. 32 (792) сон, – Б. 167-169.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 164 б.
10. Ўзбек тилининг изохли луғати. (А.Мадвалиев таҳрири остида). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 571 б.
11. Чет тили (инглиз, франсуз, немис ва б) фанидан Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим миллий ўқув дастур // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги «Таълим тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4884-сон қарори ижроси сифатида соҳа вакиллари, тажрибали профессор ўқитувчилар, методистлар томонидан тайёрланди. У ҳар бир таълим соҳаси, фанлар бўйича давлат таълим стандарти, дастурларни ишлаб чиқишда ва дарслик, ўқув методик адабиётлар яратишда асос бўладиган стратегик узвий ҳужжат ҳисобланади. – Тошкент, 2021. – 345 б.
12. English 10, English 11. Ўрта таълим муассасаларининг 10–11-синфлар ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун дарслик. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан нашрга тавсия этилган. (Муаллифлар: Ф. Рашидова, Н. Тиллаева, М. Хамзаева, Г. Ристибоева). – Тошкент, –2018. –223б.

13. Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка. – М.: МГЛПУ. Сарма, 2005. – 248 с.

14. Таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг чет тиллари бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар: Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон қарорига 1-илова.

15. Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастури (Тузувчилар: Ж.Ж.Жалолов, М.Т.Ирискулов). // Халқ таълими. – Тошкент, 2013. – №4. – 44 б.

16. Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment. Language Policy Unit, Strasbourg. 2010. - 274 p. Electron resource: http://www.coe.intA/dg4/Linguistics/Source/CEFR_EN.pdf. Access date: 6.06.2018.

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

17. Алимов Ф.Ш. Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида). – Тошкент, 2018. – 63 б.

18. Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов (на материале художественных текстов). Дисс... докт. пед. наук. – Тошкент, 2012. – 298 с.

19. Азимов Э. Г., Щукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – 22-25 с.

20. Багрова А. Я. Задачи и способы обучения аудированию на иностранном языке в средней школе. Вестник Московской международной академии. 2016. – № 1. – С. 162-173.

21. Бакиева Г., Махкамова Г., Кулдошев А. English 3. – Ташкент, 2007. – 230с.

22. Бакиева Г., Ирискулов А., Рашидова Ф., Тиллаева Н., Каримова З., Турсунбоева С., Д.Норова, М.Джалолдинова, Д.Маманабиева «English B1» – Toshkent: O'zbekiston, 2014. – 176 б. – ISBN 978-9943-28-043-4.

23. Бойматова С.К. Развитие коммуникативной компетенции в учебно-профессиональной сфере общения студентов-медиков при изучении терминов. – Ташкент, 1993. – 48 с.

24. Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш: пед. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2016. – 81 б.;

25. Бухбиндер В. А. Устная речь как процесс и предмет обучения // Очерки методики обучения устной речи на иностранных языках / под ред. В. А. Бухбиндера. – Киев: КГУ, 1990. – 148с.

26. Бондарь М.В. Аудирование. Тексты и задания для 5–11 классов. – Харьков, Основа, 2003г.

27. Говорун С.В. Развитие навыков и умений аудированияу студентов-востоковедов, изучающих английский язык Дисс. ... канд. пед. наук., – Санкт-Петербург, 2015. – С. 12-22

28. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам: Лингводидактика и методика: Учеб. пособие для студ. лингв. ун-тов и фак. ин. яз. высш. пед. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. – 336 с.
29. Гез Н.И. Роль условий общения при обучении слушанию и говорению // Иностранные языки в школе. 2004. № 5. – С. 32-34.
30. Гулямова М.Х. Инглиз тилини ўқитишда ўқувчилар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга интегратив ёндашув: пед. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2019. – 81 б.;
31. Кдирбаева Х. М. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ижтимоий интеллектни ривожлантириш технологияси. Пед. фан. фалсафа доктори (PhD) ... дисс. Автореферати. – Нукус, 2021. – 25 б.
32. Колесникова И.Л., Долгина О.А., Англо-русский терминологический справочник по методике преподавания иностранных языков. Справочное пособие. 2008. – С.185-187,189-190.
33. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи. 2012. – 423 б.
34. Назаров В., Аудиовизуал материаллар асосида чет тилида нутқий компетенцияларни ривожлантириш // Ўзбекистонда хорижий тиллар. –№156. –Б.156-162.
35. Жинкин Н. И. Язык. Речь. Творчество –М.: изд: Лабиринт, 1998. – 198 с.
36. Тажибаев Г. Ш. Бошланғич синф ўқувчиларига чет тил ўқитишда коммуникатив ёндашув. Пед. фан. фалсафа доктори (PhD) ... дисс. Автореферати. – Тошкент, 2019. – 24 б.
37. Толковый словарь Ефремовой. Т. Ф. Ефремова. 2000.
38. Норматова Н.Н. Инглиз тилини ўқитишда иқтисодиёт йўналиши ўқувчиларининг оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш. Пед. фан. фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореферати. – Самарканд, 2021. –24 с.
39. Осадчая Т.Ю. Современные подходы к обучению аудированию на занятиях по иностранному языку в вузе / Т.Ю. Осадчая // Вестник Кемеровского государственного университета. – 2017. – №. 2 (70). – С. 206-210
40. Пассов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному говорению. – М.: Просвещение, 1989. – С. 6-8;
41. Пассов Е.И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. 2-е изд. –М.: Просвещение, 1991. – 223 с.
42. Оманов П.Х. Инглиз тилини ўқитишда ўқувчиларни ижтимоий-маданий компетенциясини аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантириш. Пед. фан. фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореферати. –Тошкент, 2021. – 26 с.
43. Писаренко В.И. Видео в обучении иностранным языкам. Текст научной статьи по специальности «Науки об образовании». 2016. –172-180 с.

44. Соломатина А. Г. методика развития умений говорения и аудирования учащихся посредством учебных подкастов. – Тамбов, 2011. – 35с.

45. Сабирова Г.С. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тили олмошларини ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси. Пед.фан. бўйича фал. док. ...дисс. автореферати, – Тошкент, 2017. – 65 б.

46. Полвонова М. Ф. The main principles of listening comprehension in the process of teaching language // Ўзбекистонда хорижий тиллар. www.journal.fledu.uz. – №1/2018

47. Бим И. Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблемы школьного учебника. – М.: Русский язык, 1977. – 288 с.

48. Саттаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дис... д-ра пед. наук. – Ташкент, 2000. – 22 с.

49. Ирмухамедова Г.Н. Лингводидактические основы обучения критическому чтению аутентичных текстов (на старших курсах экономических вузов). Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т., 2008. – 48 с.

50. Саматова Б.Р. Инглиз тилини ўқитишда нофилологик йўналиш ўқувчиларининг мотивацияси (юриспреденция йўналиши мисолида). Пед. фан. фалсафа доктори (PhD) ... дисс. Автореферати. – Тошкент, 2019. – 48 б.

51. Саидалиев С. Чет тили ўқитиш методикаси очерклар. – Наманган, 2004. – 238 б.

52. Петренко Л. А., Филиппов М. Н. Использование видео материалов в обучении иностранным языкам // Вестник науки и образования Северо-запада России. — 2017.

53. Еремина Н.В., Кабанова О.В., Терехова Г.В. Профессиональное лингвообразование в рамках дополнительной квалификации «переводчик в сфере профессиональной коммуникации» // Оренбургский государственный университет. Статья в сборнике трудов конференции, 2015, –С.2359-2362.

54. Искандарова О.Ю. Теория и практика формирования иноязычной профессиональной коммуникативной компетентности специалиста. Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. – Оренбург, 2008. – 48 с.

55. Мухитдинова М.Р. Умумий ўрта таълим мактаби битирувчиларини инглиз тилига масофавий ўқитишнинг усул ва воситалари. пед. фан. бўйича фалсафа док. дисс...автореф. – Тошкент, 2020. – 51 б.

56. Эркабоева И. Инглиз тили дарсларида замонавий усуллар ва методлар // Андижон давлат университети хорижий тиллар факультети инглиз тили ва адабиёти йўналиши. – Андижон, 2013. –Б.16.

57. Махкамова Г. Т. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов факультетов английского языка. Монография. – Т.: Фан, 2010. – 208 с.

58. Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межкультурной взаимодействия: Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. –Т., 2007. – 48 с.

59. Шачков В. В. Особенности формирования мотивации в обучении у детей с нарушением зрения. Специальная (коррекционная) общеобразовательная школа-интернат. – Москва, 2015. – С.74-78.
60. Шаборова М.Ю. Дифференцированный подход в обучении английскому языку //Иностранные языки в школе. -1989.-№ 5.-С. 3537.
61. Щукин А.Н. Современные интенсивные методы и технологии обучения иностранным языкам: Учебное пособие. – М.: Филоматис, 2008. –188 с.
62. Anna-Maria STOICA. Methods for the assessment of ESP. –New York: Universities din Pitesti, 2006. –p.326-329
63. Allan M. Teaching English with Video // Video-applications in ELT. Oxford: Pergamon Press, 1983. –128 p.
64. Ableeva, R. (2010). Dynamic assessment of listening comprehension in second language learning.
65. A. Barclay Lizbeth, Learning to Listen/listening to Learn: Teaching Listening Skills to Students.
66. Brown, H. D. (2000). Principles of language learning and teaching (4th ed.). New York: Longman.
67. Penny Ur. Teaching Listening Comprehension, Cambridge University Press, 1984 M02 p. 9 - 173
68. Cooper, C. (1996). The Methodology, Theory, and Research of Listening Comprehension.
69. Nihei, K. (2002). How to Teach Listening.
70. Herron, C. A., & Seay, I. (1991). The effect of authentic oral texts on student listening comprehension in the foreign language classroom. *Foreign Language Annals*, 24(6), 487-495.
71. Richards, J. C. & Rogers, T. S. (1986). Approaches and methods in language teaching: A description and analysis. Cambridge, UK: Cambridge University Press.
72. Goh, C. (2008). Metacognitive instruction for second language listening development: Theory, practice and research implications. *RELC journal*, 39(2), 188-213.
73. Rivers, Wilga M. Listening Comprehension. *The Modern Language Journal*, v50 n4 p196-204 April 1966.p 196-204.
74. Rahimi, M., Kashani, N. N., & Soleymani, E. (2019). Effects of Multimedia Presentations on the Development of Foreign Language Listening comprehension: A Comparative Study of Cognitive and Metacognitive Listening Instructions. In *Thinking Skills and Creativity in Second Language Education* (pp. 131-150).
75. Morley, J. (1990). Trends and developments in listening comprehension: Theory and practice. Georgetown University round table on languages and linguistics, 1220, 317-337.

76. Tran, T. Q., & Duong, T. M. (2020). Insights into Listening Comprehension Problems: A Case Study in Vietnam. *PASAA: Journal of Language Teaching and Learning in Thailand*, 59, 77-100.
77. Krashen, S. D. (1983). *Natural approach* (pp. 20-20). New York: Pergamon. Comprehensible output System, 26(2), 175-182.
78. Cutler, A., Weber, A., & Otake, T. (2006). Asymmetric mapping from phonetic to lexical representations in second-language listening. *Journal of Phonetics*, 34(2), 269-284.
79. Hidri, S. (2014). Developing and evaluating a dynamic assessment of listening comprehension in an EFL context. *Language Testing in Asia*, 4(1), 1-19
80. Hea-Suk Kim: scientific article: Using Authentic Videos to Improve EFL Students' Listening Comprehension. p15-18
81. Rameshwar Jyoti, Exploring English Language Students' Difficulties in Listening Comprehension, Tribhuvan University, Butwal Multiple Campus, Nepal
82. Field J. Listening in the Language Classroom. Cambridge: Cambridge University Press, 2008. 366 p.
83. Hutchinson T. and Waters A. English for specific purposes: a learning-centered Approach, Cambridge university press. Cambridge, 1987. - 183 p.;
84. Dudley-Evans T, John M. Developments in English for specific purposes A multi-disciplinary approach / Cambridge University Press, 1998.-298p.
85. A. Hamouda, An Investigation of Listening Comprehension Problems Encountered by Saudi Students in the EL Listening Classroom, 2013. 113-155p.
86. Michael Rost, 2011, Teaching and Researching Listening. Longman, 407 pages, ISBN: 9781408205075.
87. Bailey, K.M. Practical English Language Teaching: Speaking. –New York: McGraw.Hill, 2005. –257 p.;
88. Goh, C. Teaching speaking in the language classroom. –Singapore: SEAMEO Regional Language Centre, 2007. –P. 46-47;
89. Richard J.C., Rodgers Th.S. Approaches and Methods in Language Teaching. –England: Cambridge University Press, 2001. –P. 77-78;
90. Emily, E.B. Examination of Task-Based Language Learning Methods on High School Students' Oral Proficiency in French as a Foreign Language: abstract of doct. disser. –Northern Illinois University, Illinois, 2018. –99 p.;
91. Goh, C., and T. Yusnita (2006). Metacognitive instruction in listening for young learners. *ELT Journal* 60(3):222–232.
92. Goh, C. (2005). Second language listening expertise. In K. Johnson, (ed.)
93. Nunan, D. 1997 Listen In: A three-level listening series Singapore: Thomson Learning
94. Nunan, D. 1999 Second Language Teaching and Learning Boston: Heinle & Heinle.
95. Nunan, D. and L. Miller (eds.) 1995 New Ways in Teaching Listening Washington DC: TESOL.

96. Abry D. La vidéo en classe de FLE: vers un développement de la compétence Communicative // Dissertation de master. – Paris: Université Stendhal de Grenoble, 2009. – 103 p.

97. Catroux M. Perspective co-actionnelle et TICE: quelles convergences pour l'enseignement de langue de spécialité? – Paris: JEEA, 2006. – 14 p.

98. Ducrot J.-M. L'utilisation de la vidéo en classe de FLE. – Paris: Edufle, 2005. // http://casnav.ins.ac-guyane.fr/IMG/pdf/jean_michel_ducrot.pdf

99. Mangenot F. Classification des apports de l'Internet à l'apprentissage des langues. –Grenoble: Université de Grenoble, 1998. – 14 p. <https://edutice.archives-ouvertes.fr/edutice00000175>

100. Strike J. L'apprentissage du français langue étrangère facilité par la technologie // Dissertation de master. – Prétoria: Université de Prétoria, 2002. – 146 p.

101. J.J. Asher, (1969). The Total Physical Response Approach to Second Language Learning. The Modern Language Journal, 53, 3-17p.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ	5
1.1.Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари асосида ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари	5
1.2. Умумий ўрта таълим мактаблари чет тиллар бўйича ДТС, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим миллий ўқув дастури, дарсликларида инглиз тилида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришга қўйилган талабларнинг методик таҳлили.....	27
1.3. Инглиз тилини рақамли таълим технологиялари асосида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришдаги қийинчиликлар	38
I боб бўйича хулосалар	49
II БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ШАКЛ, ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИ	51
2.1. Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари ёрдамида ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси	51
2.2. Инглиз тили дарсларида тинглаб тушуниш кўникмасини рақамли таълим технологиялари асосида ривожлантириш усуллари.....	76
II боб бўйича хулосалар	92
III БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ	94
3.1. Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари	94
3.2. Тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили.....	102
III боб бўйича хулосалар.....	118
ХУЛОСА	119
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	123

ҚАЙДЛАР УЧУН

Инамова Гуллола Ахмад қизи

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТИНГЛАБ
ТУШУНИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**